MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **10** ноябрь, жума № **45** (2172).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **10** ноября, **2006** год, № **45** (2172).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена свободная

Ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

УНУТИЛМАС КУН

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда).

Айни кунларда жойларда шу муқаддас бурчни адо этишга бел боғлаган аскарларнинг қасамёд маросимлари давом этмоқда. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ҳам шундай тадбир бўлиб ўтди.

Ҳарбийлар, ота-оналар ва фахрийлар иштирок этган тантанали маросимда қоровул қўшинлари қўмондонининг ўринбосари подполковник М.Мухторов Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини, армия ёшларимизни маънан ва жисмонан камолга етказадиган ўзига хос тарбия мактабига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

– Йигитлар бир ой давомида бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлди, – дейди подполковник Иззат Ниёзов. – Энди улар доимий хизмат ўташ жойларига – ҳарбий қисм ва батальонларга йўл олади.

– Бугун мен учун унутилмас кун – тенгдошларим қатори халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга онт ичдим, – дейди Қашқадарё вилояти Косон туманидан чақирилган Нуриддин Шералиев. – Эндиги ниятим ана шу қасамёдимга содиқ бўлиш ва эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.



Сергак доим сарҳадларда посбонларимиз!

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

“Ҳомийлар ва шифокорлар йили” дастури ва мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш давомида 15–16 ноябрь кунлари Тошкентда “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотлар” мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтади. Ундан кўзланган мақсад маҳаллий ва халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ушбу муҳим соҳани ислоҳ қилиш механизмларини такомиллаштириш, янги ҳамда самарали механизмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуман ташкилотчилари “Sen Yolg`iz Emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Республика болаларни ижтимоий мослаштириш марказидир. Тадбирни тайёрлаш ва ўтказишда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси яқиндан ёрдам бермоқда. Анжуманда мазкур соҳада фаолият юритаётган республика ва чет эл мутахассислари, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНФПА, “World vision” каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этади.

Бундай нуфузли анжуманнинг ўтказилиши мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг мантиқий давомидир. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистонда болаларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, шунингдек, болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу вазифаларни бажариш учун республикамиз давлат ва жамоат тузилмалари, мазкур масала билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўлга қўйилди.

“Sen Yolg`iz Emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармасидан маълум қилишларича, анжуман давомида болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мавжуд тизимини модернизация қилиш, уларни замон воқеликларига мослаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда. Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда 2005 йилда ушбу мавзу бўйича ўтказилган аввалги анжуман тавсияларига мувофиқ амалга оширилган ишларни муҳокама қилади. Қатнашчилар қонунчиликни такомиллаштириш, тармоқлараро алоқалар ва болаларни ҳимоя қилиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантириш услубларини таҳлил этади. Анжуманда ушбу тизимни бошқаришнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиш ва қўллашни ҳисобга олиб, янгича ёндашувлар ҳамда бу тизимни ташкил этиш моделларини жорий этиш йўллари белгиланади. Мураккаб шароитда яшаётган болаларни ижтимоий реабилитация қилишнинг турли шаклларини ривожлантириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилади. Шунингдек, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва битирувчиларини қўллаб-қувватлашнинг инновация моделлари тақдимоти бўлиб ўтади. Анжуманда халқаро ҳамкорлик ва идоралараро саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни мамлакат миқёсида кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Иштирокчилар секциялардаги муҳокамалар ва ишлар якунлари бўйича болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада яхшилаш борасида тавсиялар ишлаб чиқади ва қабул қилади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

истиқлол неъмати, интеллектуал салоҳият кўзгуси

Юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган юртимиз ҳаётида тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган яна бир унутилмас воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қомусини нашр этиш тўғрисида» ва 1997 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларида белгилаб берилган 12 жилддан иборат «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни нашр этиш вазифаси шараф билан уддаланди.

Унинг 1-жилди 2000 йил охирида чоп қилинган бўлса, охирги, 12-жилди Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйи арафасида илмпарвар халқимизга бебаҳо тўёна сифатида тақдим этилди. Жумлаи жаҳонга ўзбек халқининг, Ўзбекистонимизнинг бой маънавий меросини, юксак интеллектуал салоҳиятини яна бир карра намойиш этган универсал энциклопедиямиз барчамизга муборак бўлсин!

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ТЕРМИЗИЙ БОБОЛАРИМИЗ

Миллатнинг қаддини тутгувчи, юртни дунёга танитгувчи унинг олиму шоир, мутаффаккир фарзандларидир. Биз бу борада чексиз фахрлансак арзийди. Асрлар оша тиб илмидан тортиб фазо илмига қадар, шеърияту фалсафадан тортиб ҳисоб илмига қадар қомусий билимлар, диний ва дунёвий илмлар соҳиби бўлган, умумжаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир боболаримизнинг неча юзлаб асарлари бугунги кунда жаҳон музейларида асралмоқда, олий билим даргоҳларида ўқиб ўрганилмоқда. Бу шунга далолатки, улуғ алломаларимиз нафақат ўз заминимизда, балки ўз даврида дунёнинг илғор мамлакатларида ҳам илм олишган, ижод қилишган, тенгсиз асарлар яратишган.

Ўша даврда ижод қилган машҳури замонларнинг деярли барчаси ўзига тахаллус олганидан бохабармиз. Бу тахаллуслар асосан туғилиб ўсган гўшаси билан боғлиқ эканлиги сир эмас. Шунингдек, бир тахаллусда икки, уч, тўҳида ундан ҳам ортиқ улуғ номлар бўлганлиги тарихдан маълум. Мана шундай илм соҳиблари сирасига Термизий боболаримиз номлари ҳам зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ушбу мақоламизда айнан мана шу улуғ аждодларимиз ҳақида сўз юритамиз.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

АСКАРЛИК ШАРАФДИР, ФАХРДИР

Бугун аскар бўлишнинг қанчалар шараф, фахр эканлигини яхши биламиз. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизда ўтказилаётган ислоҳотлар сабабли ҳарбий хизматнинг нуфузи ортаётгани, ёшларимиз аскар бўлиш, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш истаги билан ёнаётгани кишини чексиз ғурурга кўмади. Мана, сараларнинг сараларига аскар бўлиш, юрт ҳимоячиси бўлиш насиб этди. Улар бугун ёш аскарлар йигинларида ҳарбийликдан илк кўникмалар, сабоқлар олишмоқда. Тажрибали офицерлар, сержантлар етакчилигида мардлар касбининг сиру асрорларини эгаллашга ҳаракат қилишяпти.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимиз миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ёшларнинг жисмонан бақувват, маънан етук, ватанпарвар, ҳаётдан ўз ўрнини аниқ белгилаб олган, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида улкан ғамхўрликлар кўрсатиб келмоқда. Барча қулайликларга эга ётоқхоналар, замонавий спорт тренажёрлари, маиший воситалар дейсизми — бари-бари аскарлар учун муҳайё. Озиқ-овқат таъминоти янада яхшиланиб, кундалик озиқланиш меъёрларига турли шарбатлар, сут маҳсулотлари, дармондорилар қўшилганини, бошқа маҳсулотларнинг ҳам миқдори оширилганини таъкидлаш жоиз. Аскар ошхонасига кирсангиз, шароитлар уйдагидан-да зиёда эканлигига амин бўласиз.

Эгнига ҳарбий либос кийган ўғлонлари қандайин имтиёзларга эга бўлиши борасида ота-оналар яхши билишса керак. Ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда аъло натижаларга эришган фарзандларингиз Тавсияномага эга бўлишади. Мазкур ҳужжат олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёз беради, фарзандингизга. Ҳарбий қисмда фарзандларингиз олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун танлаган мутахассисликлари бўйича ҳафтасига камида 4 соатлик бепул қўшимча машғулотларда иштирок этишади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, фарзандингиз ўқишга кириш учун тайёрлов курсларида бепул таҳсил олишлари мумкин. Хизматни тамомлаб уйга қайтаётганда энг кам иш ҳақининг 16 баробарида нафақа ҳамда спорт либоси, янги ҳарбий кийим берилади.

Энг муҳими, амалга оширилаётган ислоҳотлар сабаб миллий армиямиз ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларга онла ва зиё масканида олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат руҳида тарбиялайдиган мактабга айланганида. Бу мактабни ўтаган ўғлонларингизга Ватан, халқ таяниши, суянниши мумкин.

Шахдам-шахдам одимлаётган аскар ўғлонингизга қаранг. Ташлаётган қадамларида Ўзбекистон аскари бўлишдан, муқаддас заминини, нурафшон келажак сари интилаётган юртини ҳимоялашдан фахрланиш, ғурурланишни сезасиз.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Кейинги пайтларда ёшлар тарбияси масалаларига эътибор янада кучайди. Ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин тутишларига кўмаклашиш биз, ўқитувчи ва мураббийлардан ғоят катта масъулиятни талаб қилади. Шундай экан, бугун ҳар бир ота-она бевосита ўз фарзанди таълим олаётган ўқув муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириши, тарбияни баҳамжиҳатлик билан олиб боришлари давр талабига айланди. Бунинг учун биз, педагоглар тарбиявий ишларни кенг кўламда олиб боришимиз, болалар ва ўсмирларнинг дунёқарашларини ўстиришда янги дастурларга таянишимиз зарур.

Ёшларимизнинг жамоатчилик жойларида ўзларини тутишларида аввало оиласидаги катталар ёки атрофидаги ёши улуғларга тақлид кучли бўлади, албатта. Буни унутмаслигимиз лозим. Айниқса, ота ва она ўртасидаги муносабат тарбияга катта таъсир этади. Биз ўғил-қизларимизга ота-онага ёрдамлашиш, катталарга нисбатан иззат-икромда бўлишлик, кичикларни қадрлаш, устозларга эҳтиром кўрсатиш каби инсоний фазилатларни сингдиришимиз керак.

(Давоми 8-бетда).



2 ҚОРОВУЛЛИК ХИЗМАТИ

ПОСТЛАРДА СЕРГАК ЎҒЛОНЛАР



3 ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ 15 ЙИЛЛИГИГА

АЛП ЎҒЛОНЛАР ЮРТНИ ШАРАФЛАЙДИ



10 ТЕНГДОШ

МЕН УЧУН МУҚАДДАС ДАРГОҲ



12 КЎҲНА НАСАФ АЛЛОМАЛАРИ ИЗИДАН...

Сафда – ёш аскарлар

ПОСБОНЛИКНИНГ ИЛК ОНЛАРИ



Бугун аскар бўлишнинг қанчалар шараф ва фахр эканлигини ҳар бир йигит жуда яхши билади. Шу боис чақирув қоғозини қўлига олганда ҳар қандай ўғлоннинг қалбида чексиз ғурур ҳосил бўлиши шубҳасиз.

Бухоролик Асрор Маҳмудов ҳам чақирув қоғозини қўлига олганида чексиз қувончини яшира олмай, «энди мен аскар бўламан», дея ота-онасининг олдига шошди. Ўшанда Карим ака ва Раҳима опалар кечагина олдиларида чопқиллаб юрган ўғлонининг бўй етиб, улғайиб, йигит бўлганини англашди. Асрор саралар ичидан сараланиб, хизматга йўл олаётганида ота масрур ҳолда ўғлини бир муддат бағрига босар экан «Сен юртингга муносиб ўғлон бўлмоғинг даркор», дея унга оқ йўл тилади. Албатта, ўғлининг улғайиб, Ватан ҳимоясига йўл олиши ҳар бир отани шод қилади. Чунки унинг дилбанди кўз олдида унди, улғайди, энди эса оиласининг, халқининг осудалигини ҳимоя қилиш учун эл хизматига отланаяпти.

Асрор поезд деразасидан боқиб отаси билан хайрлашар экан, унинг кўзларидан мана шундай хурсандчилик аломатларини англади.

Мана, йигитнинг армия сафига келганига ҳам бир неча кун бўлди. У ҳаёт мактабининг дастлабки сабоқларини қунт билан ўзлаштириб бормоқда.

– Армияга жуда кўп нарсани ўргангани келдим, – дейди ёш аскар. – Бу ердаги барча имконият ва шароитлар мени роса қувонтирди. Тўғри, армия ҳаёти одатдаги турмуш тарзидан тубдан фарқ қилади. Режа асосидаги кун тартиби, тинимсиз машғулотлар бошида қийиндек туюлади, аммо Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли вазифанинг зиммамизга юклатилганлигини доимо ҳис қилиб турарканмиз, ҳар қандай қийинчилик ўз-ўзидан барҳам топади.

Яқиндагина аскарлик либосини кийган қалби қайноқ бу йигит айни пайтда офицер Мавлон Юнусов хизмат қилаётган ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтамоқда. Биз ёш аскарларнинг ҳаёти билан танишиш мақсадида мазкур ҳарбий қисмга ташриф буюрганимизда Асрор сингари кўплаб шижоатли йигитлар билан суҳбатлашдик. Улардан бири Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидан келган ёш аскар Ашурали Азизов бўлади. Бу азаматни муддатли ҳарбий хизматгача армия ҳақида анчайин тасаввурга эга бўлган йигитлар сафига қўшсак бўлади. Боиси у мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Термиз ҳайдовчилар тайёрлаш мактабида таҳсил олган. Ашурали бу мактабда таълим олиш мобайнида ҳарбий соҳа ҳақида тўлиқ бўлмасада кўникмалар орттирди. Умумҳарбий низомларни ўрганди, саф тайёргарлиги машғулотлари билан жиддий шуғулланди. Сафдошларига нисбатан дастлабки кунларданоқ саф машғулотларига тез киришиб кетганлигининг сабаби ҳам шунда. «Шартнома бўйича хизмат сержанти Абдуқодир Абдужабборов, лейтенант Низомиддин Салоҳиддиновлардан ҳарбий таълим сирларини ўрганаяпмиз», дейди у.

Оддий аскар Толиб Ҳодиев хизматга қадар Пахтачи туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида электр-пайвандчи мутахассислигини эгаллаган. Техникаларга қизиқиб, улар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлган посбон илк кунларданоқ армиямиз сафида ўз иқтидорини намоён қилмоқда.

Ҳарбий техникаларга жуда қизиқаман, – дейди йигит. – Хизматимни тугатиб келажакда офицер бўлишга аҳд қилганман.

Иқтидорли йигитлардан яна бири сифатида оқдарёлик оддий аскар Дилшод Алимовни келтиришимиз мумкин. Ҳар бир машғулотни қунт билан ўрганаётган бу посбон муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб, Тавсияномага эга бўлиб олий ўқув юртига ҳужжат топширмоқчи.

Ҳарбий қисмда юқорида номларини тилга олган посбонларимиз сингари дилига юрт туйғусини жо қилган, шу замин тақдирини ўзининг тақдири деб билгувчи фидойи ўғлонлар жуда кўплаб топилади. Ахир улар барча синовлардан муваффақиятли ўтиб саралананлар. Шу боис бу ёш аскарлар доимо фаол бўлиб, ҳар бир машғулотда иштиёқи баланд ва ҳаракатлари дадилдир.

Ўз ўрнида таъкидлашимиз лозимки, ушбу ўғлонлар ҳарбий сабоқларни пухта ўзлаштириб, ҳақиқий профессионал бўлиб чиниқишлари учун ҳарбий қисмда барча шароитлар яратилган. Замонавий тренажёр зали, компьютер хонаси, турли адабиётларга бой шинам кутубхона, кенг ва озода аскарлар ошхонаси мунтазам улар хизматида.

Эгнига яқиндагина ҳарбий либос кийиб, аскарлик фаолиятини бошлаган бу посбонларнинг буюк аждодларимиз Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Бобурларнинг анъаналарини давом эттиришига ишонамиз. Ахир ўтмишдаги мард, фидойи боболарининг қони бугун улар томирида жўш урмоқда.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

Мавзуга қайтиб

ОСОЙИШТА ЭРУР, ЗАМИНУ ОСМОН!

Газетамизнинг ўтган сонида ҳаво сарҳадларимиз сокинлигини асрашда жонбозлик кўрсатаётган ёш, иқтидорли офицер Улуғбек Алимовнинг хизмат фаолияти ҳақида қисқача сўз юритган эдик. Бугун у билан бир сафда туриб, шарафли бурчини фидойиларча адо этаётган шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар – кичик сержант Алик Бакиров ҳамда Қандиёр Омоновлар ҳақида ҳикоя қиламиз.



Кичик сержант Алик Бакиров ҳамда Қандиёр Омоновлар радиолокацион станциянинг тажрибали операторларидир. Улар тартиб-интизоми, зиммаларидаги вазифани виждонан, сифатли ва мукаммал адо этишлари ҳамда тайёргарликларининг юқорилиги билан сафдошларига ўрнак бўлиб, аллақачон шахсий таркиб орасида ўз ҳурматига сазовор бўлганлардан. Айниқса, Алик Бакиров ҳақида кўпчилик илиқ фикр билдириб, катта тажрибага эга ҳақиқий профессионал посбон, дея фахр билан гапирди. Алик қарийб ўн икки йилдан буён шу соҳада хизмат қилиб келмоқда.

– Шу йиллар мобайнида мен кўп нарса ўргандим, хизмат пиллапояларида шаклландим, – дейди кичик сержант Алик Бакиров. – Кўплаб мусобақаларда, жанговар синов машғулотларида қатнашиб, билим ва тажрибамни бойитдим. Ҳаётда, хизматда қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришдим. Амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишлар билан ҳамқадам бўлиб, бурчимни адо этиб келмоқдаман. Бугун биз фахрлансак арзийди. Жанговар техникаларимиз янгиланиб, тубдан қайта таъмирланиб, сифатли хизматга асос бўлмоқда. Бемалол мукаммал кузатув олиб боришимизга, иштиёқ билан хизмат қилишимизга барча шароитлар яратилган, яратилмоқда. Энг муҳими, Ватан посбонларига шахсан давлатимиз раҳбарияти томонидан кенг эътибор қаратилиб, юксак ишонч билдириляпти. Ижтимоий масалалар ибратли даражада ўзгарган. Бунинг барчаси бизга ғайрат ва шижоат инъом этиб, хизматга ва жасоратга ундовчи илҳом бўлмоқда.

– Қўл остимдаги йигитлар соҳанинг ҳақиқий фидойи ва жонкуярларидир, – дейди бу йигитлар ҳақида қисм командири офицер Базарбай Утегенов. – Жанговар ўқув машғулотлари давомида, ҳаводаги нишонларни кузатув пайтида, радиолокацион станциянинг мукаммал ишлаши, олинган ахборотларнинг соз ва тезкор узатилиши таъминланишида шижоатли шунқорлар – кичик сержантлар Алик Бакиров ва Қандиёр Омонов, лейтенант Улуғбек Алимов, катта лейтенант Мэлс Аметовларнинг фидойи хизмати таҳсинга лойиқ. Шахсий таркибимиз ана шундай ўғлонларимиз билан ҳақли равишда фахрланади. Айниқса, Алик Бакиров катта тажриба ва ёрқин истеъдодга эга ҳарбий хизматчи. Хизматга кўп меҳнати сингган. Яқинда радиотехник қўшинлари ўртасида ўтган мусобақада ҳам фахрли ўринлардан бирини банд этди. Қўл остидаги муддатли хизмат оддий аскарларига ҳам билганларини ҳар томонлама ўргатиб, сабоқ бериб келмоқда. Шундай ўғлонларимиз бор экан, сарҳадларимиз дахлсизлиги тўлиқ таъминланади, ҳавода ҳаракатланувчи ҳар қандай жисм, ҳатто қуш ҳам улар нигоҳидан қочиб қутулолмайди, осойишталигимиз мустаҳкам кафолатланади, деб бемалол айта оламан, – дейди офицер фахр билан.

Юртбошимиз шундай дейди: **«Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.**

Ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа – Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар эса давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб бўлиб қолажак...»

Юқорида сизга таништириб ўтган посбонларимиз ана шундай ғурурли, ўтюрак, ўз ҳаётини муҳим ва шарафли ҳарбий касбга бағишлаган чинакам фидойи инсонлардир. Айнан шундай шунқорларимизнинг туну кун бурчга масъулият билан ёндашишлари, ҳамиша ҳушёр ва огоҳликлари сабаб, мусаффо осмонимизу она заминимиз доимо осойишта ва дахлсиздир.

Катта лейтенант Шоҳрух КОМИЛОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

В строю – новобранцы

РАДУЯСЬ ПЕРВЫМ УСПЕХАМ

В Караульные войска в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан прибыло новое пополнение призыва «Осень-2006». Мне, ветерану войск, предоставилась возможность посетить учебный сбор нового пополнения, который возглавляет офицер И.Ниязов, ознакомиться с условиями жизни и учебы воинов, побеседовать с новобранцами, принять участие в торжественном открытии сборов и начале плановых учебных занятий.

Надо сказать, что на учебном сборе созданы надлежащие условия, личный состав полностью обеспечен положенным имуществом, для обучения воинов и проведения воспитательной работы подобран и подготовлен ответственный командный состав – профессионалы военного дела.

– Перед прибытием нового пополнения, – говорит командир взвода офицер Ж. Джулиев, – в течение десяти дней с офицерами и сержантами, назначенными на учебный сбор, проводились инструкторско-методические занятия. Мы готовились к каждому занятию с воинами согласно расписанию, участвовали в подготовке мест для размещения личного состава, необходимой служебной документации и учебной материальной базы. Все это, безусловно, даст положительные результаты по вводу нового пополнения в воинскую службу.

– Пополнение к нам прибыло хорошее, – делится своими впечатлениями заместитель начальника учебного сбора по воспитательной работе старший лейтенант О.Худойбердиев. – Ребята как на подбор – рослые, крепкие, физически развитые, имеют хороший образовательный уровень, а часть новобранцев – законченное высшее образование. Отрадно то, что большинство из новобранцев уже с первых дней проявляют свое старание и усердие.

Конечно, на первых порах трудновато: разлука с родными и близкими, надо сразу же привыкать к строгому распорядку дня, командам и распоряжениям, ко всему укладу воинской жизни, расписанной по минутам. Однако трудности эти преодолимы. В беседах рядовые Джамшид Джаббаров из Навоийской области, каттакурганец Фарид Вергазов, Николай Порхачев из Сырдарьинской области заявили, что они давно мечтали о воинской службе, готовились к ней, в течение ряда лет занимались различными видами спорта (боксом, каратэ, баскетболом), и трудности им не страшны, и что для каждого из них священны чувство долга и теплые слова напутствия родителей перед призывом.

... В установленное время на строевом плацу застыли в воинском строю ровные шеренги воинов. Впереди, как и положено, командиры, а за ними те, кто только что надел военную форму. На состоявшемся митинге со словами приветствия и добрыми напутствиями перед личным составом выступили заместитель начальника Управления по работе с личным составом Главного управления Караульных войск полковник Д.Мухамедов, а также офицеры Т.Халиков, А.Синицын, поздравив воинов нового пополнения с началом воинской службы, поставив перед всеми категориями военнослужащих конкретные задачи на период учебного сбора.

– За короткое время учебного сбора мы, младшие командиры, – сказал заместитель командира группы сержант Б.Кодиров, – постараемся научить своих подчиненных азам солдатской науки, дать им те знания и навыки, которые необходимы для воинской службы в подразделениях и выполнения боевых задач.

Рядовые Шухрат Назаров, призванный из Самаркандской области, и Жуманияз Рахимов из Хорезма заверили, что новое пополнение добросовестно и со всей ответственностью выполнит свой конституционный долг.

Митинг завершился торжественным маршем, которым воины прошли под звуки военного оркестра, проявляя огромное старание.

... Итак, воинская служба у нового пополнения началась. И нет сомнения, что воины в короткий срок обязательно овладеют необходимым солдатским мастерством и станут настоящими, готовыми к любым испытаниям вооруженными защитниками родной страны.

Николай ЧУРСИНОВ,
полковник в отставке.

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Қуролли Кучларимиз таркибидаги ҳарбий қисмларда аскарларнинг жанговар тайёргарлиги, ақлий салоҳияти, жисмоний тайёргарлиги билан бир қаторда уларнинг саломатлигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда ўғлонларнинг саломатлиги йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган ҳарбий шифокору ҳамшираларимизнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Кичик сержант Саодат Исматова ҳам ўз касбининг фидойиси, соғлиқ посбони бўлмиш ҳарбий аёлларимиздан бири. У олти йилдан буён ҳарбийлар орасида. Ҳарбий қисм тиббиёт пунктида санитария йўриқчиси лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида шифокорлар оиласида туғилиб вояга етган Саодат ёшлигидан ҳамшира бўлишга қизиқарди. Ва ниҳоят, бу орзу амалга ошди. У Қарши шаҳар тиббиёт коллежига ўқишга кирди. Коллежни аъло баҳоларга тугатган Саодат иш фаолиятини Муборак туман марказий шифохонасида бошлади.

– Дадам ёшликларида ҳарбий бўлишни ният қилган эканлар, – дейди у биз билан суҳбатда, – бироқ бу ниятлари айрим сабаблар билан амалга ошмай қолган. Шунда фарзандларимдан бирортасини албатта ҳарбий қиламан, деб кўнгилларига туккан эканлар. У кишининг ниятларини амалга ошириш мақсадида ўзимни ҳарбий соҳага бағишладим. Бошида жуда ҳам қўрққан эдим. Лекин ҳарбий жамоадаги тартиб-интизом, иноқлик мени бу оламга бир зумда боғлаб қўйди. Энди ҳаётимни бошқа касбда тасаввур ҳам қилолмайман. Ўз касбимни қаттиқ севаман, вазифамни доимо ҳалол бажаришга ҳаракат қилиб, посбонларнинг саломатлигига озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Ҳа, аскар соғ бўлса, жанговар шайлик ҳам, тартиб интизом ҳам юқори бўлади. Буни чин дилдан ҳис қилган тиббиёт ходимлари ўз вазифаларини чуқур ҳис қилган ҳолда хизмат қилмоқдалар.

Кичик сержант С.Исматова ҳам бу масъулиятли вазифасига виждонан ёндашади.

– Саодат бажараётган вазифасини моҳирлик билан, аъло даражада, юқори сифат билан бажаради, – дейди ҳарбий қисм тиббий хизмат бошлиғи офицер Мамасодиқ Қобилов. – Ҳарбий хизматчилар ўртасида билимдонлиги, беминнат ёрдамини ҳеч кимдан аямаслиги туфайли ҳурмат қозонган.

Хизмат жойига етиб келиши билан кичик сержант С.Исматова ишни аввало ўзига бириктирилган бўлинмалардаги посбонларни эрталабки тиббий кўрикдан ўтказишдан бошлайди. Аскарларга керакли маслаҳатлар беради. Уларнинг тозалик ва шахсий гигиенага эътибор қилишларини таъкидлайди. Дала-ўқув машғулотларида посбонларни назорат қилиб боради. Айниқса, жанговар сафларга яқинда қўшилган ёш аскарлар билан бу борада алоҳида ишлар олиб борилмоқда.

– Кичик сержант С.Исматова билан хизмат қилаётганимга анча йил бўлиб қолди, – дейди тиббий пункт ҳамшираси шартнома асосидаги хизмат оддий аскари Шаҳноза Муҳаммадиева. – У ўзининг интилувчанлиги, олижаноблиги, самимийлиги билан барчанинг қалбидан чуқур жой олган. У малакали ҳамшира, биз ундан соҳамизга тегишли кўп нарсани ўрганамиз. Беминнат ёрдамини ҳеч кимдан аямайди.

Кичик сержант С.Исматова хизмати давомида кўпгина ютуқларни қўлга киритди. Ҳарбий қисм командири томонидан бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Албатта, бу ютуқлар унинг ўз устида тинимсиз ишлаши, устозларининг бой тажрибасини мукаммал эгаллаганлиги туфайлидир.

Дилшода ҲАМДАМОВА.

Қоровуллик хизмати

ПОСТЛАРДА СЕРГАК ЎҒЛОНЛАР



Ҳарбий соҳада мардлик, ҳушёрлик, доимо юксак жанговар шайлик ва ўта сергакликни талаб этадиган қоровуллик хизматининг ўзига хос ўрни бор. Бу муҳим давлат ва ҳарбий объектларни, жанговар техникаларни, қурол-яроғларни, ўқ-дори ва бошқа буюмлар сақланаётган омборхоналарни қўриқлаш, масъулиятли жанговар вазифани бажариш демакдир. Қоровуллик хизматини адо этаётган посбондан Умумҳарбий низом қоидаларига тўла амал қилиш, ташаббускорлик, букилмас матонат, кучли ирода, дадиллик ва фидойилик каби фазилатлар алоҳида талаб этиладиган жиҳатлар саналади. Аслида ҳар бир посбоннинг ҳам вазифаси қўриқчилик. Зиммасига Ватан осойишталигини асрашдек шарафли ва масъулиятли вазифани олган ҳар бир ҳарбий хизматчини юрт ҳимоячиси, истиқлол жонкуяри десак, асло муболаға қилмаймиз. Аммо улар орасидан ҳам энг сара, айни пайтда барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган, соғлиги, жанговар тайёргарлиги, билим ва тажрибаси етукларигина қоровуллик хизматига муносиб топилиб, ушбу масъулиятли вазифага тайинланади. Келинг, ана шундай шарафли бурчни адо этаётган посбонлар фаолиятига қисқагина назар ташлаймиз.

...Ҳарбий қисмда қайноқ ҳаёт бир зум тўхтамайди. Бўлинмаларда жанговар фаолият қизғин давом этмоқда. Посбонларнинг ҳар бири ўзларига бириктирилган вазифаларни виждонан, ҳалол адо этишга киришган: тайёргарлик машғулотлари, қурол-яроғ, жанговар техникаларни кўздан кечириш, тегишли буйруқлар ижросини таъминлаш ва бошқа топшириқлар бажарилмоқда. Жанговар постларда турган шунқорлар лочинлардек сергак. Ҳа, демай қоровул сафдошларини алмаштириши, яъни қўриқчиликка тушиши керак бўлган шунқорлар ҳам тегишли объектларга йўл олиш ва қоровулликни қабул қилишларидан олдин тайёргарликларини мустаҳкамлаб, амалий машғулот ўтишмоқда. Уларга тегишли тартибда низомлар қоидалари ўргатилган, йўриқномалар етказилган. Ҳар бир посбонга ўз вазифаси, мажбурияти, ноқулай об-ҳаво шароити ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда кўриладиган чора-тадбирлар ҳамда бошқа масалалар юзасидан ҳам тушунтиришлар берилган.

Мана, ниҳоят, шунқорлар қоровулликка тушишга тайёр бўлишди. Тарқатувчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Раҳим Деҳқонов бошчилигида қурол қабул қилинди. Қоровуллик шаҳарчасида қоровул хизмати бошлиғи офицер Илҳом Султонов бошчилигида қурол билан ишлаш, хавфсизлик қоидалари тушунтирилиб, йўриқномалар ўтказилди. Қоровулга лозим бўлган баъзи техник воситалар ва бошқа ёрдамчи жиҳозлар ҳам тўлиқ тартибда жой-жойига қўйилди. Ана шундай воситалардан бири – «Мега» лақабли ит муҳим объектни қўриқлашга йўл олаётган муддатли хизмат оддий аскари Бекмурод Раҳимовга бириктирилди. Бекмурод тўрт оёқли дўстининг бошини силаркан, «Мега жуда сезгир жонивор, биз доим бирга қўриқчилик қиламиз», деди жониворни эркалай туриб. Ит посбонга суйкалиб, ҳар бир буйруғига бўйсуниб турарди.

Қоровул хизмати биносида қолдириш керак бўлган шахсий буюмлар топширилгани, йигитларнинг хизматга ҳар жиҳатдан шайлиги маълум қилингач, қоровул бошлиғи постларни алмаштиришга рухсат берди. Шундан сўнг эски таркиб янгисига алмаштирила бошланди. Муҳим ҳарбий объектлардан бирини қўриқлаб турган муддатли хизмат оддий аскари Назиржон Мирзаев қоровул бошлиғига билдирув бераркан, кўнгилсиз ҳодиса рўй бермаганини таъкидлади. Қоровул бошлиғи етакчилигида янги таркиб аввалгисидан постни қабул қилишдан олдин омбор эшикларидаги муҳрлар кўрилиб, ҳудуд айланиб чиқилди. Қоровул бошлиғи ва қабул қилувчи аскар мазкур юмуш билан банд бўлганида яна бир янги таркиб аъзоси – муддатли хизмат оддий аскари Лутфулла Абдуллаев объектни қўриқлаб туришни ўз зиммасига олди. Қоровул бошлиғи жанговар техникаларнинг ҳолати, кавшарлар, муҳр ва теварак-атрофни пухта кўздан кечириб чиққач, нарядни алмаштиришга рухсат берди. Қоровуллик қилиш керак бўлган бошқа нуқталарда ҳам худди шу тартибда алмаштириш жараёни амалга оширилгач, жанговар постлар янги таркиб томонидан ҳушёрлик билан қўриқлашга киришилди.







Жанговар вазифани адо этаётган муддатли хизмат оддий аскари қоровул Лутфулла Абдуллаев теваракка бургутдек ўткир нигоҳини тиккан. У ҳушёрлик билан вазифасини адо этмоқда. Бу маҳал вақт шомга яқинлашиб қолган, кун бўйи меҳнат қилган ишчи ва деҳқонлар иссиқ уйларига, яқинлари бағрига қайта бошлаган эдилар. «Юртимиз осойишталиги бебаҳо неъмат. Менинг ва сафдошларимнинг хизматларимиз ана шу азиз ватандошларимиз осойишталиги учун. Улар орасида ота-онам, туғишганларим, қариндошларим ва кўплаб дўстларим бор. Улар бизга умидвор нигоҳларини қадашган. Шу боис янаям ҳушёрроқ бўлишим керак!» – кўнглидан ўтди посбоннинг. Худди шундай ўйлар хизмат бурчини адо этаётган бошқа посбонлар қалбида ҳам мужассам эди.

Ҳа, азиз юртдошлар, Ватан тинчлигини асрашдек эзгу, масъулиятли вазифани елкасига олган ана шундай мард ўғлонларимиз бор экан, бизга ҳеч ким дахл қилолмайди, деб баралла айта оламиз.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Қуролли Кучларимиз 15 йиллигига

АЛП ЎҒЛОНЛАР ЮРТНИ ШАРАФЛАЙДИ

Биз танлаган йўлимизнинг бошидаёқ устувор мақсадларимиздан бири сифатида соғлом авлод тарбиясини илгари сурдик. Аниқроқ қилиб айтганда, Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимизни маънавий-руҳий жиҳатдан янада соғломлаштириш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган ва жисмонан чиниққан Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга устувор эътибор қаратиб келмоқда.

Дарҳақиқат, миллий армиямиз қурилишида аввало унда соғлом муҳитни шакллантиришга, демакки, ўғлонларимизнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигига аҳамият қаратганимиз бугун ўз самарасини бермоқда. Ҳаёт мактабида айнан маънан шаклланиш, жисмонан чиниқиш, соғлом ва баркамол бўлиш учун ҳам минг-минглаб ёшларимиз Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишга интилишаётгани ҳақиқат. Ҳа, биз ана шундай армияни шакллантирмоқдамиз.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, ҳар йили мамлакатимизнинг турли бурчакларида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда посбонларимизнинг жисмоний маҳоратини ошириб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари, майдончалари яратилмоқдаки, бу баркамол авлодни тарбиялашдек устувор мақсаднинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётганидан, давлатимизнинг она юртимиз посбонларининг жисмонан чиниқишлари учун улкан ғамхўрликлар кўрсатаётганидан далолат.

Мамлакатимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ўйинлари ва талабалар Универсиадаларини ўтказиш анъанага айланганини яхши биламиз. Спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича икки йилда бир бора ўтказиладиган Умумармия ўйинларимиз ҳам улар орасида муносиб ўрин эгаллаб боряпти. Жорий йилда ҳарбийларимизнинг Чирчиқда ўтказилган бу ўзига хос спорт байрами янги-янги чемпионларни кашф этди, катта спорт сари ҳарбийларимизни янада руҳлантирди, жанговар шайлигимизни юксак даражаларга олиб чиқди. Қуролли Кучларимизда бундайин нуфузли мусобақалар, чемпионатлар анъанага айланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яхши биламизки, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлиги уларнинг жанговар шайлигидаги муҳим бўғин ҳисобланади. Чунки фақат яхши машқ қилган, ҳар томонлама юксак тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан баркамол бўлган ҳарбий барча қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиши, қўйилган вазифани ишончли ва сифатли бажариши мумкин.

Бугун фахр, ғурур билан эътироф этиш мумкинки, ҳарбийларимиз нафақат юрт ҳимоясидаги эзгу ишлари, балки спортдаги муваффақиятлари билан ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлашмоқда, Ўзбекистон шаънини дунёга таратишмоқда. Масалан, бокс бўйича Осиё чемпиони, ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпиони, жаҳон чемпионатининг кумуш медаль совриндори, Ўзбекистон чемпиони, истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйида Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланган катта лейтенант Дилшод Маҳмудовни олайлик. Бу ҳарбий спортчи Ватан байроғини дунё узра мағрур кўтариб, ёшларимизда миллий ғурур, фахр-ифтихорни тарбияламоқда. «Мен ҳарбийларимиз ўртасида Дилшод академ спортчилар борлигини ўқиб, эшитиб, мардлар касбига қизиқдим», – дейди яқинда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Сарвар Бекчонов. Яқинда ҳарбийлар ўртасида Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида унинг олтин медалга сазовор бўлганининг ўзиёқ Қуролли Кучларимизда жисмоний тайёргарлик ва спортга улкан эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Шунингдек, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори, Ўзбекистон чемпиони шартнома бўйича хизмат сержанти Игорь Халилов, дзюдо бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпионатининг кумуш медали соҳиби, кураш бўйича жаҳон чемпиони шартнома бўйича хизмат оддий аскари Рамзиддин Саидов, трамполин бўйича Осиё чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Екатерина Хилько ва бошқаларни чексиз фахрланиш туйғуси билан тилга олмай бўларканми?! Ёки бўлмаса, яқинда аёл ҳарбий хизматчилар ўртасида таэквандо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида бизнинг вакилалар, хусусан, Галина Хан олтин, Наталья Микрюкова кумуш медалга сазовор бўлганини ўзига хос жасоратга менгзаш муболаға бўлмайди. Ҳа, армиячи спортчиларимиз шарафига Ватанимиз Мадҳияси янграмоқда, байроғимиз баланд-баланд кўтарилмоқда. Бунинг замирида ҳаёт мактаби бўлган армияда жисмоний тарбияга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадларга бўлган юксак эътиборнинг самара бераётгани ётибди.

2004 йилнинг августида Афинага – олимпиада ўйинларига бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоасини кузатиш тантанасида қатнашганман. Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилишга бел боғлаган тўққиз нафар чарм қўлқоп усталарининг олтовлони армиячи спортчиларимиз эди. Айниқса, халқаро тоифадаги спорт устаси бўлган муддатли хизмат оддий аскари андижонлик Баҳодир Султонов барчанинг ҳавасини келтирганди. Мухлисларнинг нигоҳларидан «қаранг, қандай ҳарбийларимиз бор, ҳам юртимизни ҳимоя қилишади, ҳам спорт орқали мамлакатимиз шаънини дунёга ёйишади», деган маънони уққанман. «Ўзбекистоним байроғини баланд кўтараман. Юртим шаънини муносиб ҳимоя қиламан», деганди ҳарбийларга хос қатъият билан ўшанда, аскар йигит. Мард ўғлон сўзининг устидан чиқиб, Олимпиада ўйинларидан медаль билан қайтди.

Эҳ-ҳе, бундайин ютуқларни, муваффақиятларни узоқ санашимиз мумкин. Энг муҳими баркамоллик сари, жисмоний маҳоратни ошириш сари янги-янги одимлар ташланаётганида. Юртбошимизнинг, давлатимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги устувор мақсадлари ўз самарасини бераётганида.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.



Ўқув-услубий анжуман

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Командирларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан ўтказилаётган ўқув-услубий йиғинларда тарбиячи офицерларни ўқитиш, уларга тарбиявий ишлар ташкил этиш ва олиб боришнинг замонавий ҳамда энг самарали усул ва услубларини ўргатиш, тажриба алмашиш бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда ўз самарасини бермоқда.

Ҳарбий округлар қўмондонлари, ҳарбий қисм ва муассасалар командир(бошлиқ)ларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан жорий йил 7 – 9 ноябрь кунлари Офицерлар марказий саройида ўтказилган ўқув-услубий йиғинда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Р.Мирзаев ўз нутқида жумладан шундай деди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони И.А.Каримов миллий армиямиз ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганларидек, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш ўта муҳим масаладир. Бу – армиядаги хизматнинг барча бўғинидаги командирлар фаолиятини баҳолашда асосий мезон бўлиши лозимлигини кўзда тутган ҳолда, ҳарбий хизматчилар, биринчи навбатда ҳарбий хизматга чақирилганларни тарбиявий, ахлоқий-руҳий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганини қайта кўриб чиқиш лозим.

Инсон тарбияси, айниқса ёшлар тарбияси доимий ва мунтазам олиб бориладиган, замон талаблари, жамиятдаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боришни, янги усул ва услубларни ишлаб чиқишни талаб қиладиган мураккаб жараён ва масъулиятли вазифадир.

Давлатимиз раҳбари Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳарбий ислоҳотларда амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги долзарб вазифаларни белгилаб берар экан, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида унинг ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашни ўта муҳим масала, деб таъкидладилар.

Ҳар бир офицер ва кичик командир Ватанга садоқатли, ҳарбий бўлинмага раҳбарлик қилиш қобилиятига эга мутахассис, тез илғайдиган ва мураккаб тактик вазиятда мустақил ҳаракат ҳамда қарор қабул қила оладиган, шахсий намунаси билан қўл остидагиларни жанговар-хизмат вазифаларни бажаришга йўналтирадиган, ҳарбий иш сир-синоатларини яхши биладиган, юксак ахлоқий-руҳий сифатларга эга, дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳиятли, ишониб топширилган жанговар техникадан фойдаланиш ва уларни сақлашни ташкил этишни чуқур биладиган бўлиши керак.

Тарбиявий ишлар сон жиҳатдан катта бўлмаган, тезкор, ҳар томонлама таъминланган, энг замонавий қурол-аслаҳалар билан жиҳозланган, мустақиллигимизни, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, халқимиз тинч ва осойишталигини ҳимоя қилиш бўйича турли шароит ва вазиятда энг мураккаб вазифаларни ҳал эта олиш қобилиятига эга юқори профессионал миллий армиямизни ташкил этиш хусусида мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган стратегик мақсадга яхлит йўналтирилган бўлиши лозим.

Юртбошимиз томонидан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида қўйилган топшириқларни бажариш учун ҳар бир ҳарбий хизматчининг юксак ахлоқий-руҳий ва маънавий фазилатларини, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашимиз, ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашимиз, касбий малакасини оширишимиз, уларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги ишлар қандай йўлга қўйилганлигини қайта кўриб чиқишимиз, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқув-тарбиявий ишларни тубдан яхшилашимиз, уларни замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминлаш каби долзарб вазифаларни амалга оширишимиз даркор.

Миллий армиямизнинг куч-қудратини тўла намоён этиш учун Ватан ва халқимиз ўз хавфсизлигини ишониб топширган ҳарбийларимиз маънавий-маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш энг долзарб вазифамизга айланиши, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, халқи ва Ватанига, она юртимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлишдек олий бурчга содиқ қилиб тарбиялаш, буюк аждодларимиз қолдирган қадриятларга ҳурмат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, уларга буюк халқимизнинг бой тарихи, маданий, маънавий-маърифий мероси асосида мустақилликнинг асл моҳиятини кенг очиб беришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ҳар бир командир ўз қўли остидагилар тарбияси учун масъул қоидасига амал қилишда тарбиявий ишлар органлари офицерлари етакчи ролини бажаришлари, тарбиявий аҳамиятга эга ўқув-услубий қўлланмалар, зарур директив ҳужжатларни замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқишлари лозим.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик, тарбиявий ишлар жараёнига янги илғор усулларни татбиқ этиш – тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир.

Ҳамкорликдаги ишларимиз ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларнинг тарбияси бўйича қатор тадбирлар ўтказишга, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга, қўшинларнинг ижтимоий-маиший қурилишини такомиллаштиришга, ҳарбий-ҳомийлик ишларини ташкил этишга қаратилиши керак.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танлашда, олий маълумот, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва мактабда олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани, халқи ва Президентига садоқат, жасорат ва матонат мактаби вазифасини ўтайди.

Мудофаа вазири, шунингдек, тарбиявий ишларни ташкил этиш ва олиб боришда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни кўрсатиб, уларни бартараф этиш бўйича тарбиячи офицерлар олдига қатъий вазифалар қўйди.

Тарбиячи офицерлар билим савияси ва тажрибасини орттиришга йўналтирилган ушбу йиғинда:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қуролли Кучлар 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида белгилаб берилган вазифалар асосида тарбиявий ишларни такомиллаштириш масалалари»;

«Тарбиявий ишлар – Қуролли Кучлар ислоҳоти жараёнининг муҳим таркибий қисмидир»;

«Миллий истиқлол ғоясининг асослари»;

«Тарбиявий ишларни ташкил этишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлик, ҳарбий жамоа фаоллари билан ишлашнинг асосий йўналишлари ва шакллари»;

«Шахсий таркиб сергаклиги ва ҳушёрлигини ошириш, ислом фундаментализми ва диний экстремизм ғояларининг қўшинларда тарқалишига қарши курашни ташкил этиш бўйича тарбиячи офицерларнинг вазифалари»;

«Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асослари»;

«Байрамларни муносиб кутиб олиш бўйича тузиладиган тадбирлар, дам олиш куни олди (байрамолди) ва дам олиш (байрам) кунлари режасини тузишга қўйиладиган талаблар» сингари мавзуларда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов, вазирлик Тарбиявий ишлар бош бошқармаси офицерлари, ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ҳарбий қисм ва муассасалар командир (бошлиқ)ларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ҳарбий прокуратура ходимлари, олий таълим муассасалари вакилларининг маърузалари тингланди, тажриба алмашилди.

Ўқув-услубий йиғинда тарбиячи офицерлар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасидаги йўриқнома ҳужжатларининг талаблари бўйича тест синови ўтказилди.

Йиғин якунида ўз жамоаларида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда тартиб интизом масалалари бўйича юксак натижаларга эришиб келаётган бир гуруҳ тарбиячи офицерлар Мудофаа вазирининг буйруғи асосида муносиб тақдирландилар.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

Фахрли бурч

МАРДЛИК ВА ВАТАНПАРВАРЛИК МАКТАБИ

Марказий офицерлар саройида Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.



Мардлик ва ватанпарварлик мактаби аталмиш армия хизматини ўтаб, ҳам жисмонан, ҳам маънан етилган, ҳаётнинг паст-баландини англаб, Ватан ва халқ олдидаги ўз йигитлик бурчини адо этиб қайтган ўғлонларимизнинг ижтимоий муҳофазаси, хизматдан кейинги тақдири, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар, имтиёзлар ва бу борада олиб борилаётган ишлар, шунингдек, галдаги режалар кун тартибидан ўрин олган асосий масала бўлди.

Амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар ҳақида Мудофаа вазирининг ўринбосари полковник **Маннобжон АҲМЕДОВ** қисқача гапириб ўтаркан, жумладан, шундай деди:

– Маълумки, бугун Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги тегишли Қарори ҳамда ушбу Қарор асосида ишлаб чиқилган Низом талабларига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга чақирув, хизматни ўтаб бўлганларни кузатиш ва уларни кутиб олиш ишлари буткул янгича қиёфа касб этган. Президентимизнинг кўрсатмаларига мувофиқ, мазкур тадбирларга соҳа мутахассислари билан биргаликда кенг жамоатчилик ҳам жалб этилиб, миллий менталитетимизга мос равишда янгича анъанага асос солинди. Кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари тантанали тарзда ўтказилаяпти. Шунингдек, давлатимиз раҳбариятининг кўрсатмаларига биноан, Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этган асл мардларнинг хизматдан кейинги тақдири ҳам эътиборсиз қолдирилмаяпти. Бугун муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар агарда армиядан ҳарбий қисм қўмондонлигининг имтиёзли Тавсияномасига эга бўлиб қайтган бўлса, институтга ўқишга кираётганда уларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади, – деди у.

Шундан сўнг анжуман қатнашчилари навбат билан сўз олишиб, ҳар бири ўз йўналишларида керакли маълумотларни иштирокчилар эътиборига ҳавола этдилар.

Мудофаа вазирлиги чақирув ва резервга тайёрлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари полковник **Анвар АБДУРАЙИМОВ:**



– Бугун йигитлар муддатли ҳарбий хизматга пухта кўрик-танловлар асосида жисмоний тайёргарлиги, соғлиги, билими, интеллектуал салоҳияти, оилавий аҳволи, хуллас, ҳамма томондан мукаммал текширилиб, муносиб топилганларигина чақириляпти. Зеро, профессионал асосга ўтаётган замонавий армиямиз талаби ҳам шу-да! Яъни профессионал армиянинг посбони ҳар томонлама профессионал бўлсин. Ҳарбий хизматчи ҳамма жойда етакчилик, ташаббускорлик қобилиятини намоён эта олсин. Шу боис муддатли ҳарбий хизматга бориш йигитлардан пухта тайёргарлик кўришни талаб этмоқда. Нафақат куч ва иродаси, балки дунёқараши билан ҳам бошқаларга ўрнак бўла оладиган сара йигитларгина муддатли ҳарбий хизматга жалб этилмоқда ва армия мактабида янаям мукаммалроқ тарбияланмоқда. Бу ҳол армия нуфузининг ошаётганидан, ҳарбий соҳа кун сайин обрў-эътибор қозониб бораётганидан далолатдир.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга бериладиган имтиёзли Тавсияномага эришиш, шунингдек, йигитларнинг бевосита жанговар кўникмалар билан бирга илм-фан сабоқларидан ҳам бебаҳра қолмасликлари борасида йўлга қўйилган муҳим ишлар ҳақида Мудофаа вазирлиги ҳарбий таълим бошқармаси бошлиғи подполковник **Жуманиёз РАМАТОВ** маълумот бериб ўтди.

– Армия хизматини ўтаётган аскарлар орасида ҳам келажакда институтга ўқишга киришни хоҳлайдиганлари кўп. Хўш, уларнинг фуқароликдаги тенгдошлари билан имконияти бир хилми? Йўқ, албатта. Аскарнинг зиммасида масъулиятли вазифа бор. Яъни Ватан тақдири, осойишталикни асрашдек муҳим топшириқ юклатилган. Фуқароликдаги ёшларимиз эса тинимсиз ўқиб, репетиторга қатнаб билимини оширишлари мумкин. Уларга вақт ҳам бемалол. Армияда эса ҳамма нарса тартиб билан изга солиб қўйилган. Бундай ҳолатда аскар нима қилади? У фанлардан қандай тайёргарлик кўрсин? Албатта, ҳукуматимиз бу томонини ҳам пухта ўйлаб қўйганини, мавжуд имтиёзлар тизими нақадар ўринли қўлланилганини эътироф этамиз. Аввало, имтиёзли Тавсиянома уларга бу ўринда қўл келади. Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрда чиқарган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, армияда хизмат қилаётган муддатли хизмат оддий аскарларига ҳар ҳафтада ўз қизиққан йўналишлари бўйича 4 соатлик қўшимча машғулот жорий этилиши яна бир муҳим жиҳат. Дарс ўтишга малакали мутахассислар жалб этилмоқда. Бундан аскар йигитларимизнинг билим ва малакаси мустаҳкамланяпти. Улар олий ўқув юртларига тайёрланишяпти. Ҳа, давлатимиз раҳбарияти шундай имконият яратди, аскарларимизга. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, имтиёзли Тавсияномага эришиш ҳам, осон эмас. Аввало посбондан жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда илғор натижага эришиш талаб қилинади. Шундан сўнг Давлат тест маркази томонидан аскарлардан тест синовлари олинади. Тест синовлари натижалари ва қўмондонлик хулосасига кўра ҳар томонлама муносиб топилганларгина имтиёзли Тавсиянома эгаси бўладилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, уйларига ҳарбий қисм қўмондонлигининг имтиёзли Тавсияномаси билан қайтган йигитларга «Камолот» томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг амалга оширилиш тартиби ҳақида Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи **Тўхтасин АРСЛОНОВ** маълумот берди.



– Имтиёзли Тавсиянома соҳиби бўлиб қайтганлар институтга ўқишга топширганида ва борди-ю, тўплаган баллари давлат гранти асосида ўқишга етмаса, контракт асосида ўқиётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолларидан бўлган имтиёзли Тавсиянома соҳибларига тўлов контрактнинг 35 фоизи мазкур ҳаракат томонидан қопланади (ўзлари томонидан 65 фоизи тўлангач), – деди жумладан у.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходимаси **Радмила ХОЛМЕТОВА** резервга бўшатилганларга вазирлик томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар, жумладан, иш билан таъминлаш ва бандлик масаласи юзасидан фикрлар билдирар экан, шундай деди:

– Посбонларимизга ҳукуматимиз ғоят ғамхўрлик қилмоқда. Ишлайман деганларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ёки вазирликнинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари томонидан квоталанган иш ўринлари таклиф этилади. Албатта, резервга бўшатилган йигитлар мардлик ва ватанпарварлик мактабини ўтаб, фаол ва пухта тайёрланган кадрлар захираси сифатида ишга жойлашишда устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Ҳунар ўрганишни хоҳлаганларга эса ҳунар ўргатилади. Бу тадбирлар жойлардаги Мудофаа ишлари бўлим ва бошқармалари билан ҳамкорликда олиб бориляпти.

Тадбир давомида шунингдек, ҳарбийга чақириш тартиби, армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар, миллий армиямиздаги ўзгариш ва янгиланишлар, ривожланишлар ҳақида ҳам кенг ва атрофлича гапириб ўтилиб, тўпланганлар эътиборига қимматли маълумотлар ҳадя этилди. Шунингдек, берилган қатор саволларга жавоб ҳам қайтарилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, шарафли йигитлик бурчини адо этиб, ёруғ юз билан яқинлари бағрига қайтаётган Ватан посбонларининг келгуси фаолиятларига доир вазифаларга кенгроқ тўхталиш ҳамда бу борада давлатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган эътибору ғамхўрликларни кенг халқ оммасига етказилишини таъминлашдан иборат эди.

Давра суҳбати савол-жавобларга, баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ. Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ПУХТА ТАРАДДУД – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ОМИЛИ

ҚИШ МАВСУМИГА ШАЙМИЗМИ?

Серсаҳоват кузнинг сўнгги ойи ўлкамизда ҳукм сураётган кезларда ҳар дақиқани ғанимат билган юртдошларимиз барча жабҳаларда қишки тайёргарликни авж олдириб юборганлар. Бугунги илиқ-иссиқ дамларни ғанимат билиб, эртанги совуқ кунлар тадоригини кўриб қўйиш ўзимиз учун кони фойда, албатта. Бутун мамлакатни табиий газ, ичимлик суви, электр қуввати билан таъминлайдиган ва коммунал хизмат кўрсатиш тизимлари эса ушбу йўналиш бўйича анча олдинроқ, сирасини айтганда аввалги қиш мавсуми тугаши биланоқ чора-тадбир белгилайдилар. Табиийки, ҳар биримиз қиш мавсуми кўнгилли ўтишидан манфаатдормиз.

Мазкур тадбирдан ҳарбийларимиз ҳам четда қолмай, тегишли вазифаларни адо этиб, ҳарбий қисм ва муассасалар бинолари, ҳарбий шаҳарча ҳамда бошқа объектларда иситиш тизимларини қайта кўриб чиқиш, таъмирлаш ва янгилаш каби ишлар адо этилмоқда. Мудофаа вазирлигига қарашли Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси томонидан ўтган йилги қиш мавсуми натижалари чуқур ўрганилиб, иситиш тизимидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб чиқилди. Қишнинг совуқ кунларида казармалар ва турар-жой биноларида, иншоотларда электр энергиясини чеклаш ва газнинг пасайиши каби ҳолатларнинг такрорланмаслиги масалалари ҳам бафуржа ўрганилиб, бу йилги мавсумда уларни бартараф этишга ҳозирлик кўриб қўйилди. Бу ишга мутасадди раҳбарлар ва вилоят ҳокимликлари жалб этилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Барча ҳарбий ва коммунал-эксплуатация қисмларида Мудофаа вазирлигининг тегишли қарорига мувофиқ бино ва иншоотлар баҳорги кўрикдан ўтказилиб, аварияга ва таъмирталаб ҳолатлар аниқланди. 2006 йилнинг 15 майидан бошлаб уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси жойларда қилинган ишлар – капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ишлари, профилактика ишлари хусусида маълумотномалар олиб турди. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра маълум бўлдики, барча гарнизонларда қишки мавсумга тайёргарлик бўйича ижобий кўрсаткичга эришилган. Жумладан, бу кўрсаткич Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида 98 фоиз, Марказий ҳарбий округида 98 фоиз, Шарқий-ғарбий округида-96 фоиз, Тошкент ҳарбий округида 100 фоиз, Шимоли-ғарбий ҳарбий округида 88 фоизни ташкил этиб, ёқилғи заҳиралари ҳозирлаб қўйилди, кўплаб қозонхоналар алмаштирилди, ётоқхоналар, иситиш тизимлари капитал таъмирдан чиқарилди. Энг пешқадам деб Каттақўрғон гарнизонида амалга оширилган ишлар эътироф этилди. Бу ерда қишки тайёргарлик режалари жадал ва муваффақиятли якунланиб, 1 сентябрь куни бу ҳақда тўлиқ ҳисобот берилди.

– Кейинги йили барча ҳарбий ётоқхоналарни замонавий мебеллар билан жиҳозлашни режалаштирганмиз. Айни пайтда турли русумдаги сифатли ва қулай жиҳозларни саралаб қўйдик, – дейди Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси бўлим бошлиғи офицер Шуҳрат Ашрапов. – Жорий йилда 65 фоиз иншоот қайта таъмирланди. Йил охиригача яна 35 фоиз иншоотни таъмирлашни тугатиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, хавфсизлик масалалари, жумладан, ёнғинга қарши хизмат кўрсатиш ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Умуман олганда, қишки мавсумга ҳозирлик кўриш борасидаги астойдил ҳаракатларимиз зое кетмади, деб ўйлайман.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.





ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Куз фасли ҳосил йиғим-терими қизғин тус оладиган палла. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш бўйича ички таъминот бўлинмалари айни кунда йил бўйи қилинган меҳнат сарҳисоби олдида турибдилар. Шу кунгача амалга оширилган ишлар, етиштирилган мўл ҳосил бу йил ҳар қачонгидан ҳам сермаҳсул бўлганини исботлаб турибди.

Эртапишар боғ ва полиз маҳсулотлари ёзнинг илк кунлариданоқ аскарлар дастурхонини тўлдирган эди. Бугунги кунга келиб ҳосил чўғи янада ошди. Эътиборингизни қуйидаги рақамларга қаратмоқчимиз. Шу кунгача 400 тонна помидор, 650 тонна полиз маҳсулотлари, 400 тонна пиёз, 100 тонна гуруч, 40 тонна мева ички таъминот бўлинмалари томонидан етказиб берилди. Бундан ташқари 12 тонна гўшт, 6 тонна сут етказиб берилгани айниқса, диққатга сазовор. Ушбу рақамларнинг нимаси диққатга сазоворлиги ҳайратингизни ошириши табиий. Чунки айтарли катта рақамлар эмас. Аммо ишнинг бошланганига бир йил тўлар-тўлмас гўшт ва сутнинг бу тариқа етказиб берилиши юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Мудофаа вазирлиги қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бизга берган маълумотларига кўра ички таъминот бўлинмаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қирққа яқин тури етиштирилади. Бу ўз навбатида ғоят мураккаб жараён бўлиб, ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди, албатта. Ушбу соҳанинг ҳам ўзига яраша илғорлари, тажрибали мутахассислари кўп. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ ҳамда Шарқий ҳарбий округлари ички таъминот бўлинмаларида амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу борада Қуролли Кучлар хизматчилари Шамси Удаев, Наил Еналеев, Бунёд Эргашев, Луқмон Комилов, офицерлар – Борис Морозов, Отабек Рўзимуродов, Саттор Бердиев, Комил Исрофилов, Икром Мамадалиев, Муҳиддин Норматов, Дилшод Мусаевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Ҳар иккала округда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари белгиланган режадан ошириб уддаланди.

Умуман олганда, бугунги кунга қадар беш юз миллион сўмга яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аскарлар таъминоти учун етказиб берилди. Бу кўпчиликнинг фидойиларча меҳнатлари маҳсулидир. Жойларда дала ишларининг намунали ташкил этилганлиги, меҳнат тақсимотининг тўғри белгиланганлиги, экинлар агротехникасига катта эътибор қаратилганлиги ўз самарасини берди. Биз юқорида тилга олиб ўтган рақамлар биргина аскарлар истеъмолига етказиб берилган маҳсулотларга тегишли. Бундан ташқари, офицерлар ва шартнома асосида хизмат қилувчи посбонлар ҳамда уларнинг оилалари учун бозор нархидан бир неча баробар арзонлаштирилган нархда сотилди.

– Аскарлар дастурхонини витаминларга бой, мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришга катта эътибор берилмоқда, – дейди Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи офицер Шуҳрат Мамадов. – Маҳсулот етиштириш жуда кўп жараёнларни қамраб олишини кўзда тутиб, тегишли вазирликлар ва илмий даргоҳларни бу ишга жалб қилдик. Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Яқинда ишлаб чиқилган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, ҳар бир экин турига алоҳида тўхтаб ўтилган, барча агротехника қоидалари ва кўрсатмаларини ўзида жам қилган қимматли қўлланма ҳам ана шундай ҳамкорлик маҳсулидир. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти ҳамкорликда ишлаб чиққан ушбу қўлланмада ветеринария хизматидан тортиб минерал ўғитлар таъминотигача кўрсатиб ўтилган.

Дарҳақиқат, амалга оширилган ишлар кўлами билан бирга режадагилари ҳам талайгина. Йил давомида посбонларни сарҳил мевалар билан мунтазам таъминлаш учун янги боғлар барпо этиш ҳам шулар жумласига киради.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳалари бир-биридан айрича ривожланиши мумкин эмас. Чорвачиликнинг йўлга қўйилиши унинг ем-хашак базасини шакллантириш масаласини юзага чиқаради. Бу борада ҳам пухта ўйланган режа асосида иш олиб борилмоқда. Эртапишар экинлардан бўшаган ерлар маккажўхорининг тезпишар навлари учун жуда қулай. Бундан ташқари, имтиёзли кредит шартлари асосида чорва сонини кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг муваффақиятли якунланиши ҳозирдан маълум бўлиб қолди. Эришилган муваффақиятлар қаторида айрим камчиликларнинг ҳам мавжудлиги сир эмас. Кейинги йилларда камчиликларнинг бутунлай бўлмаслиги тадориги эса айни шу кунларда кўрилади.

Қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан ташкил қилинган ўқув йиғини ҳам айнан шу мақсадга йўналтирилган. Мазкур ўқув йиғинида тегишли илмий даргоҳлардан мутахассислар иштирок этишди.

Яқинда бўлиб ўтган озиқ-овқат хизмати ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва ишлаб чиқариш бўйича ички таъминот бўлинмалари бошлиқлари ўқув йиғини ҳам йиғилганларни соҳадаги кўплаб янгиликлардан бохабар этди. Бу ерда режалаштиришни тўғри ташкил этиш юзасидан бошқарма етакчисининг маълумот ва кўрсатмалари тингланди. Шунингдек, уруғчилик институтидан мутахассис Озод Ҳасановнинг маърузаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Бир сўз билан айтганда, ички таъминот бўлинмалари олдиларига қўйилган мураккаб вазифани бажаришдаги илк қадамларни дадиллик билан бошлашди. «Қудратли юртнинг аскари бақувват бўлур» деган соҳибқирон Амир Темурнинг лутфлари айни кунда амалга оширилаётган ишларимизда ўз маъно-моҳиятини топмоқда.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Бу эса аскар дастурхони янада кўркли, қутли бўлишини англатади.

Инобат ИБРОҲИМОВА.



Армия менинг тақдиримда

ШАРАФ ЭРУР ҲАРБИЙЛИК



Йигит киши ҳаётида армия мактаби бир умр пойдевор вазифасини ўтайди. Ҳарбий хизматга бориб келган юрт ўғлони мустақил мамлакатимиз тараққиёти йўлида озгина бўлса-да, ўз улушини қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилади. Чунки армия она Ватанни севишга, тинчликни қадрлашга ўргатади. Шу муқаддас туйғуларни эъзозлаган йигитларни биз чинакам юрт фидойиси, деб аташимиз мумкин. Ана шундай ёшлардан бири ҳарбий хизматни тугатиб, ҳозирда Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олаётган Фозил Жабборовдир. Фозил ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, университетга ҳужжат топширди. Биринчи йили ундан омад юз ўгирди, ўқишга кира олмади. Талаба бўлолмаганидан тушкунликка тушиб юрган кунларининг бирида отаси Фарҳод ака уни ёнига чақириб маслаҳат солди:

– Ўғлим, тушкунликка тушишдан фойда йўқ. Мард йигитлар аввало ҳарбий хизматни ўташга интиладилар. Аскарлик эр йигитнинг бурчи, – деди. Фарҳод ака Фозилнинг кўнглидаги гапни айтган эди. Ўғил отасининг таклифидан мамнун бўлиб кетди, чунки бу ният унинг кўнглидан кечганди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун кетаётган Фозил поезд ойнасидан ташқарига қараб, она заминимизнинг қанчалик улуғворлиги ва гўзаллигига маҳлиё бўлди. Унинг вужудини юртимизни янада гуллаб-яшнатиш, кўпмиллатли халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган Қуролли Кучларимиз сафида қалб қўрини бериб хизмат қилиш иштиёқи алангалатарди. Шу боис ҳарбий хизматни ўташ учун кетаётганидан беихтиёр фахрланди.

Армия Фозил учун чинакам ҳаёт мактаби бўлди. У хизмат чоғида йигитларга хос мардликни, шижоатни, жасоратни ўрганди. Ҳарбий машқларда тобланиб етарли тажриба тўплади. Билими янада бойиди. Бунда аскарларга яқиндан ёрдам берган командирлари офицерлар Рашид Раҳматуллаев, Убайдулла Саидовларнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг жонкуярлигини, ўз билим ва тажрибаларини мукаммал етказиш иштиёқида чеккан заҳматини унутиш мумкин эмас. Фозил хизматни тугатиб қайтар экан, сабоқ берган командирларидан беҳад миннатдор бўлди. Чунки энди хизматдан Тавсиянома билан қайтаётган эди-да. У бир томондан ҳарбий хизмат кўз очиб юмгунга қадар ўтиб кетганлиги туфайли хизмат жойини, хизматдошларини тарк этгиси келмасди, иккинчи томондан эса қадрдон уйига қайтиб тезроқ олий ўқув юртига кириш имтиҳонларига тайёрланишга ошиқарди.

Аскарлик хизматини шараф билан якунлаган Фозил Жабборовни командирлари илиқ сўзлар, эзгу тилаклар билан кузатиб қолишди. Муддатли ҳарбий хизмат унга келажакдаги ҳаёт йўлини танлашда «йўлчи юлдуз»лик қилди. Фозил ҳарбий хизматни тугатиб келган йили пухта тайёргарликдан сўнг Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетига шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Ҳарбий хизматдан Тавсиянома билан қайтган Фозилнинг кириш имтиҳонларига 25 фоиз балл қўшиб берилди.

– Армиядан олган сабоқларим, таассуротларим, ўрганганларим жуда кўп,– дейди Фозил Жабборов. – Армия мактаби сабоғини олган ҳар бир йигит ҳаёт фалсафасини чуқур ва теран англайди. Аскарлик даври ҳақиқий эр йигит бўлиб етишишда дебоча вазифасини ўтайди. Мен мустақил Ватанимиз Миллий армиясида хизмат қилганимдан, халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида камарбаста бўлганимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Юртимиз ўғлонларига тилагим шуки, ҳарбий хизматга бориб ҳақиқий юрт фарзанди деган номга сазовор бўлишсин. Элимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигини муносиб қўриқлашсин.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

Аскар уйига қайтди

ТАЯНЧ, СУЯНЧ БЎЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА

Чорининг муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшаганига ўн кунча бўлди. Аммо ҳалиҳануз ҳарбийча ҳаёт таъсирида яшамоқда. Аниқлик, тартиб, интизом дегандек. Эрталаб барвақт уйғониб, бадантарбия қилади. Кийиниши, ҳатто овқатланиши тартибли. Умуман, ҳар иши саранжом-саришталигини кўриш мумкин.

Қўни-қўшни, жиянлари, дўстлари, айниқса, аскарлик ёшига етай деб қолган йигитлар уни йўқлаб келишар экан, армиядан эсдалик нарсаларини кўздан кечиравериб, ҳоли-жонига қўйишмайди. Аскарликка, миллий армиямизга қизиқиш кучлилигидан-да. Суратлар, фахрий ёрлиқлар, Тавсияномани ҳар сафар қўлга олиб, изоҳ берар экан, аскарлик даври кўз олдида гавдаланаверади.

– Мана бу чиройли Фахрий ёрлиқни қайси хизматингиз учун олгансиз, амаки? Биз ҳам армияга борсак, шунақа тақдирлашадими? – сўрайди жияни.

Ана шундай пайтларда у хаёлан оддий аскар Чори Сариевга айланади. Ҳали жанговар вазифани бажаради, ҳали ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда саволларга жавоб беради, ҳали полигонда машқларда қатнашади. Хуллас, хаёлан аскарлик даврига қайтади.

...31 август. Истиқлол байрами шукуҳи юртда кезиб юрибди. Посбонлар жанговар шай ҳолатда вазифаларни бажаришга киришишган. Айниқса, навбатдаги қоровуллик нарядига тушадиган оддий аскар Чори Сариев ва дўстлари оддий аскарлар Мирсаид Мухторов, Ёдгор Усмоновларга қоровул бошлиғи сержант Олимжон Зуннунов, унинг ёрдамчиси кичик сержант Соиб Қодировлар Низом бўйича вазифаларини такрор-такрор уқтиришар экан, ҳушёрлик, сергакликни қўлдан бермасликни тайинлашди.

Соат йигирмалар чамаси. Атрофга ғира-шира қоронғулик чўккан. Қоровул наряди жанговар вазифани бажармоқда. «Эртага юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам Мустақилликни нишонлаймиз. Постда туриб, ана шу муқаддас неъматни – бизга кенг имкониятлар эшигини очаётган истиқлолни қўриқлаш улкан шараф», қабилидаги фикрлар Чорининг хаёлидан ўтар экан, сергакликни, ҳушёрликни янада оширди.

Узоқдан ниманингдир шарпасини сезди. Шарпа Чори қўриқлаётган постга қараб яқинлашмоқда. Синчиклаб разм солган эди, уларнинг икки киши эканлигини билди. Сафдошлари билан Низом асосида ҳаракат қилишиб, қоидабузарларни зудлик билан қўлга олишди. Бу борада қоровул ёрдамчиси, бошлиғига билдиришди.

Бу воқеа қисмда шов-шув бўлиб кетди. Эртасига, яъни истиқлол байрами кунида қисм командири шахсий таркиб олдида оддий аскар Чори Сариев ва сафдош дўстлари кўрсатган жасорати учун Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

Фахрий ёрлиқни оҳиста қўлга олар экан, жияни Бекзодга бу воқеани қисқача айтиб берди. «Мен ҳам сиздек ҳарбий бўламан. Автомат билан постни қўриқлайман», дейди жияни ҳавас билан.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан гарнизон аскарлари ўртасида шеърхонлик мусобақаси ўтказилмоқда. Бўш вақтларида Чори



ҳам қоғоз қоралаб, миллий армиямиз ҳақида, Ватан, она ҳақида шеърлар битган. Танловда ийманибгина қатнашар экан, «гап ғолиб бўлишда эмас, қатнашишда», деган фикр устувор эди, унда. Буни қарангки, ёш қаламкаш аскарнинг шеърий машқлари гарнизонда биринчи ўринга муносиб топилди. Унга вилоят ҳокими томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совға топширилди.

Дарвоқе, Чорининг шеъриятга ҳаваси армияда шаклланганини «Ватанпарвар» газетасининг жорий йил 31 март сонида эълон қилинган «Ҳарбий либос паҳлавонлари» шеъри орқали ҳам билиб олиш мумкин.

Муддатли ҳарбий хизматгача ўрта махсус таълим масканида кинология соҳасини эгаллади. Катта лейтенант Шокир Абдухалимов командирлигидаги қўриқлаш гуруҳида хизмат қилар экан, касби роса қўл келди. «Дог» лақабли хизмат итига кўп нарсаларни, машқларни ўргатди.

– Оддий аскарлар Фарруҳ Иноғомов, Фарҳод Юсупов каби дўстларим ҳам Тавсиянома соҳибига айланишди. Мен Тавсиянома ёрдамида олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Поччам офицер бўлгани учун мен ҳам ҳарбийликка қизиқдим. Аскарлик эса бу қизиқишни янада алангалатди, – дейди Сурхоннинг бу мард ўғлони.

Фикрларидан ҳам шуни англаш мумкинки, ҳарбий хизмат унга ҳаётдан ўз йўлини, ўрнини топишга кўмак берди.

Ишончимиз комилки, резервга бўшаган бундайин аскарларимиз бор кучини, билимини, ҳаёт мактаби бўлган армияда олган сабоқларини, керак бўлса борлигини юртининг буюк келажаги йўлида сафарбар этади. Бир сўз билан айтганда, улар она Ватанимизнинг таянчи ва суянчидирлар.

Майор Алижон САФАРОВ,
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сафарбарлик чақирув резерви

БУ БИЗНИНГ ИМКОНИЯТИМИЗ

Мен Наманган вилоятининг Косонсой туманиданман. Яқинда сафарбарлик чақируви резерви батальонида ойлик йиғинда иштирок этдим. Бу ердаги шароит бир ой давомида ҳарбий санъат сирларидан етарли даражада хабардор бўлиш имконини беради. Ижтимоий-сиёсий ва жанговар-тактик машғулот хоналари замон талабларига мос равишда жиҳозланган. Батальон кутубхонасидан исталган адабиётни топиб, фойдаланиш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, ойлик йиғин командир ва кичик командирлари билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Бу ерда ўз касби сирларини мукаммал эгаллаган мутахассис офицерлар фаолият кўрсатишади. Офицерлар А.Ашуров, С.Омонов, Ҳ.Нурмаматов, М.Холматовлар шулар жумласидан. Ойлик йиғин иштирокчиларига шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – С.Мадаминов, Н. Аликулов, Р.Нуриллаевлар яқин кўмакчи, тажрибали кичик командирлар сифатида таассурот қолдиришади.

Мен бу ерда ҳарб илмини эгаллаш баробарида дўстлар ҳам орттирдим. Яна бир муҳим жиҳати хизматнинг бу турида ишдан ажралмаган ҳолатда иштирок этдим. Бу биз ёшларга яратилган улкан имкониятлардан биридир.

Қисқа фурсат ичида жанговар илмдан сабоқ олишимизда ўзларининг фидойиларча хизматлари билан ҳисса қўшган сафарбарлик чақируви резерви батальони командирлар таркибидан миннатдормиз.

Нодир ХАЛИЛОВ.

СЕРЖАНТЛИК САРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМ

Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам янги ўқув мавсуми бошланди. Демакки, барча синов ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган, юқори натижаларни кўрсатиб, курсант бўлишга эришган юрт посбонлари белгиланган муддат ичида билим ва касбий малакаларини оширадилар, ҳарб илми сир-асрорларини ўзлаштирадилар.

Сержантлар тайёрлаш мактабига навбатдаги курсантларнинг ўқишга қабул қилинганлиги ҳамда бошланган ўқув мавсуми муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда юқори қўмондонлик масъул офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этиб, майдонда саф тортиб турган курсантларни қутладилар.

Сир эмаски, бугунги кунда миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш шарафли иш саналади. Қолаверса, давлатимиз раҳбарияти томонидан сержантлар тайёрлаш тизимининг такомиллашувига катта эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, ҳарбий хизматчиларга қўйилаётган юқори талаблар, сифат ва савиянинг тобора ортаётгани Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасидир.

Майор Улашбой СИДДИҚОВ,
Тарбиявий ишлар бўлими катта офицери.

ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ

Муқаддас Ватанни, тинч ва осуда ҳаётни ҳимоя қилиш, осойишталикни сақлашдан ҳам буюк шараф бормикин!

Бу ҳақида ўйлаганимизда қалбимиздан ажиб бир туйғулар ўтади.

Яқинда чегара қўшинларига тегишли ҳарбий қисмда эндигина муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар билан суҳбатлашдик.

Жиззах вилоятидан келган оддий аскар Суръат Асомов «Мақсадсиз киши бўлмаса керак, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганимдан сўнг ҳарбий хизматни давом эттириш ниятим бор», – дейди.

Андижон вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Файзулла Қодиров эса «Мен ҳарбий хизматга Ватан олдидаги фарзандлик бурчимни ўташ, чиниқиш, ҳаёт мактабида тобланиш учун келганман», – деди.

Самарқандлик оддий аскар Солижон Зухуровнинг жавоби шундай бўлди: «Нафақат ҳарбий хизматда, балки ўз қишлоғингда, ўз шаҳрингда яшаб ҳам Ватанни ҳимоя қилиш мумкин. Мен ўз ота-онам, онлам, қишлоғим қадрини янада чуқурроқ англаш учун, уларни ҳимоя қилишни теранроқ ўрганиш учун хизматга келдим».

«Аскарларга шу кун талабларига жавоб бера оладиган ётоқхоналар, дам олиш, маиший хизмат, ювиниш хоналари ҳамда уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча шароитлар яратилган», – дейди офицер Ойбек Жамолов.

Мана шундай посбонларимиз бор экан, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлаверади.

Бахтиёр АЛЛАНАЗАРОВ.

ҚЎЛДА МАЛҲАМ, КЎНГИЛДА МЕҲР

Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир, деган эди антик тиббиёт асосчиси Гиппократ. Инсонни даволаш, унга саломатлик бахш этиш ҳақиқатда олижаноб ишдир. Инсон соғлиги эса бебаҳо хазина. Мустақил юртимизда эл соғлигини муҳофаза қилиш, мамлакатимизда тиббиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, инсон саломатлигини асраш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги барчамизга маълум. Жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланганлиги ҳам бежиз эмас. Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Шундай пайтларда энг меҳрибон, ширинсўз шифокорлар жонга оро кириб, дардларга малҳам бўладилар. Шу кунларда тиббиёт ходимлари ўз касб байрамини нишонлашмоқда. Саҳифамиздан ана шундай жонфидо, меҳридарё табобат билимдонлари тўғрисидаги лавҳалар ўрин олган. Зотан, улар бугунги тинч ва фаровон турмушимизни том маънода таъминлаб турган кишилар қаторидан ўрин олганликларини эътироф этиш зарур.



Так можно сказать о проходящих обучение в Школе подготовки сержантов ТВО военных медиках из числа представительниц прекрасного пола. Ведь они не только готовы оказать медицинскую помощь воинам, но и метко вести огонь из любого оружия, вступить в рукопашный бой, наравне с мужчинами стойко переносить все тяготы и лишения армейской жизни.

НАРАВНЕ С МУЖЧИНАМИ

Среди прибывших на этот раз санинструкторов неформальным лидером считается младший сержант Нигора Раимова. И это понятно, ведь она служит в артиллерийской части уже свыше десяти лет, накопив за минувшие годы огромный опыт. Впрочем, уважение боевых подруг отнюдь не расслабляет Нигору: на дистанции кросса она совсем не уступает молодым курсантам.

Второй раз приезжает сюда и младший сержант Нодира Базарова. Успешно пройдя первый курс обучения, она в течение трех лет службы в своем воинском коллективе умело применяла полученные здесь знания и опыт. И вот теперь настала пора вновь повысить квалификацию, освоить новинки военной медицины, новые положения руководящих документов Медицинского управления Министерства обороны.

Сразу после занятия по физической подготовке санинструкторы дружно отправляются на практическое занятие в полевых условиях по военно-медицинской подготовке. Тема, которую проводит преподаватель цикла майор медицинской службы Шерали Имамов, актуальна для всех родов войск. Способам поиска раненых на поле боя и выноса их оттуда подруг обучает вместе с офицером и санинструктор цикла младший сержант Собиржон Баракатов.

Конечно, для настоящих военных профессионалов, коими являются героини нашего репортажа, перевязать раненого не составит большого труда. Однако здесь сложность в том, что этого «раненого» надо еще обнаружить на поле боя, а затем сноровисто и быстро поднести к нему носилки и вынести в безопасное место. Все это требует основательной специальной подготовки, причем занятие ведется с учетом боевого опыта, накопленного во время противодействия бандитским формированиям международных террористов в горных районах страны.

По словам героинь нашего рассказа, помимо занятий по специфике своей службы, в стенах школы подготовки сержантов их учат использованию самых современных достижений информационных технологий, огневой, тактической, технической подготовке. То есть, современным амазонкам вовсе не достаточно остановить на скаку коня и войти в горящую избу. Они должны еще уметь и бронетранспортер повести, и из автомата метко стрелять, да и с компьютерной диагностикой на поле боя справиться. Ведь они служат в армии двадцать первого века, отвечающей всем требованиям современности, надежно защищающей независимый Узбекистан.

Майор Аблай КАМАЛОВ.
Фото Тимура КАРИМОВА.





ДОВРУҚЛИ АЖДОДЛАР ИЗДОШИ

Бугун ҳам тиббиёт соҳасида у ёки бу даражада ўз маҳоратларини намойиш этаётган миллатдошларимиз довруқли аждодларининг муносиб ворислари ҳисобланади. Аждодлар қолдирган улкан маънавий мероснинг ҳақиқий эгалари тиб илмига меҳр қўйиб, инсон саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилиб келмоқдалар. Ана шундай фидойилардан бири Мудофаа вазирлиги бош неврологи Марказий клиник госпиталнинг неврология бўлими бошлиғи, «Шуҳрат» медали нишондори, тиббий хизмат подполковниги Иззатулло Файзуллаевич Сулаймонхўжаевдир.

Айни вақтда Сулаймонхўжаев ҳарбий тиббиёт соҳасида ўз ўрнига эга, кўпчиликнинг эътирофига сазовор, малакали шифокорлардан бири. Бу, албатта тинимсиз ўқиб изланиш, касб масъулиятини теран англаган ҳолда ўз устида ишлаш маҳсулидир.

Инсоннинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс. Иззатулло зиёли оилада улғайди. Болалар назарида ота касбидан яхшироқ касб бўлмайди. Бу оилада ҳам ота касбига ҳурмат-эътибор ҳамон кучли. Қарийб эллик йилга яқин шифокорлик фаолиятида Файзулла ака Сулаймонхўжаев минглаб беморларнинг соғлиғини тиклашга ҳисса қўшди.

– Менинг биринчи устозим отамдир, – дейди Иззатулло Файзуллаевич. – Керак пайтда қатиққўллик, талабчанлик қилиб, баъзан тенг даражали мутахассислар каби тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Устозлар ҳақида гап кетганда профессор Фаттоҳ Турсунович Абдуҳакимовни тилга олмаслик мумкин эмас. Ёш мутахассисга неврология сир-асрорларини мукаммал эгаллашида айнан шу инсоннинг катта меҳнати сингган.

Иззатулло Сулаймонхўжаев Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида таҳсил олган. Унга олий даргоҳни аъло баҳолар билан тамомлаган иқтидорли, умидли ёш мутахассис сифатида институтнинг неврология кафедрасида ишлашни таклиф қилдилар. Бу ерда беш йилга яқин фаолият юритган мутахассиснинг ҳаётида 1994 йил кескин бурилиш юз берди. Ўша йилнинг май ойидан республика Қуролли Кучлари сафида хизмат қилишни бошлади.

Марказий клиник госпиталнинг неврология бўлимида тиббий хизмат подполковниклари Эдем Ваниев, Шароф Кубаевлар тажрибали шифокорлар сифатида эътироф топганлар.

– Бу ерда ўз касбининг ҳақиқий усталари, фидойилар хизмат қилишади, – дейди истеъфодаги полковник А.Пачес. – Аҳволим ҳавас қиларли эмас эди. Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам ва муолажадан кейин ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Шифокор Иззатулло Файзуллаевичдан кўрсатган беминнат ёрдами учун миннатдорман.

Неврология бўлимида ҳарбийларнинг оила аъзолари ҳам даволанишади. Улардан Р.Фофурованинг сўзларига эътибор беринг-а:

– Муолажа дастлабки кунларданоқ ўз самарасини берди. Аҳволим яхшиланган сайин бўлимнинг барча ходимларига ҳурматим ошиб бормоқда. Ҳамма ўз ишини яхши билади.

Булар бу ерда даволанган бир неча ўнлаб одамлардан атиги икки кишининг дил сўзлари холос. Аслида уларнинг саноғига ким етибди дейсиз. Шу ҳақда шифокорнинг ўзидан сўраганимизда «Бу менинг бурчим, қолаверса, касбим тақозоси», – деган қисқа жавоб бўлди.

Тажрибали мутахассиснинг ўзи ҳам бугун устоз даражасига эришган. Шогирдларидан тиббий хизмат майорлари Руслан Элибаев (Самарқанд), Шокир Азимов (Термиз), тиббий хизмат капитанлари Ҳақберди Ҳайитов (Фарғона), Абдураҳмон Хуррамовлар (Қарши) малакали шифокорлар сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

2002-2003 йиллар давомида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги ҳарбий тиббиёт Академиясидаги таҳсил малакасини янада оширишга хизмат қилиб қолмасдан етук мутахассис сифатида хорижлик шифокорлар эътиборини ҳам ўзига жалб қилди. Россия тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор, Россия армияси бош неврологи, тиббий хизмат полковниги Мирослав Одинак миллатдошимизнинг неврология соҳасидаги илмий салоҳиятини юқори баҳолади.

Дарҳақиқат, Иззатулло Сулаймонхўжаевнинг неврологияга бағишланган йигирмадан зиёд мақолалари республикамиз ва бошқа хорижий илмий нашрларда эълон қилинган. Ҳозир у «Бошмия ёпиқ жароҳатлари» мавзусидаги кандидатлик диссертациясини ёқлаш арафасида турибди.

Инобат ИБРОҲИМОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ҚАДР ВА ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ

Давлатимиз раҳбари томонидан кетма-кет икки йилни «Сиҳат-саломатлик йили», ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», деб эълон қилинганида жуда катта маъно бор. Зеро халқ саломатлиги – юрт равнақи, дейди доно халқимиз. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади, ишчи-хизматчининг саломатлиги бунёдкорлик, барака гарови, худди шунингдек, юрт посбони саломат, бақувват бўлса бу тинчлик, осудалик демакдир. Шунга кўра мамлакатимизда халқ саломатлигига эътиборни юксак даражага кўтариш, мутахассис кадрлар тайёрлаш ва шифо масканларига катта аҳамият қаратиш йўлида бор имкониятлар ишга солинди ва бу эзгу амаллар жадал суратда давом этиб келмоқда.

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги шифо масканларида ҳам бир қатор янгиланишлар амалга оширилганига гувоҳмиз. Ва албатта ҳар бир соҳа ва ҳар бир гўшада янгилик ва ўзгариш яратиш, замон талабига мос равишда ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб меҳнат қилиш ҳар кимнинг ўз қўлида.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли ҳарбий қисмдамиз. Посбонлар ҳаёти билан яқиндан танишиш жараёнида қисм тиббиёт пунктидан мақола тайёрлашга қарор қилдик. Мақсадимиз, шифо масканида посбонларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳолати ва уларга яратилган шароитни қаламга олиш.

Биз бор имкониятдан фойдаланиш ҳақида кўп гапирамиз. Бу бежиз эмас. Чунки бунинг негизида яратувчанлик мужассам. Худди шунингдек, қисм тиббиёт пункти биносида ҳам ҳар бир хонадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинган. Қабулхона, ҳакимлар хонаси, изолятор, йирингли ва тоза боғлов хоналари, беморлар хонаси, дорихона ва ошхонани имкон қадар шу куннинг талаби асосида жиҳозлашга эришилган. Биз тиббиёт пункти бошлиғи тиббий хизмат капитани Ғайрат Иноятов билан биргаликда беморларга яратилган шароит билан танишар эканмиз, тартиб ва озодаликка катта аҳамият берилганлиги эътиборимизни тортди.

– Тиббиёт пунктимизда ўн нафар шифокор хизмат қилади, – дейди суҳбат чоғида шифохона бошлиғи. – Посбонларимизни ётиб даволанишлари учун ўн беш ўринлик жой тайёрлаб қўйилган. Бу ерда мураккаб усулдаги даволаш жараёнлари олиб борилмайди. Шунинг учун тиббий жиҳозларимиз ҳам шунга мос. Чунки беморлар аввало госпиталда касаллигига қараб тиббий текширувдан ўтказдирилади. Сўнгра, даволаш жараёнларини бошлаймиз. Жамоамиз малакали ва тажрибали шифокорлардан иборат десам хато қилмайман. Тиббиёт ходимларимиз нафақат ҳарбий қисмда, балки ойлаб давом этадиган дала-ўқув машғулотларида ҳам доимо ҳарбийларимизга ҳамнафас. Уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатишга шай туришади. Мақсадимиз – шахсий таркибнинг саломатлигига камарбаста бўлиш. Яъни фақат даволашгина эмас, балки турли хил касалликларнинг олдини олиш учун тарғибот ишларини олиб бориш.

Қисм тиббиёт пункти ходимлари билан танишув давомида ўттиз икки йилдан буён саломатлик соҳасида хизмат қилиб келаётган фельдшер Азамат Ҳайдаров, шартнома бўйича тиббий хизмат сержантлари Латиф Рустамов, Ғулом Ҳамроев, Бахтиёр Шодиев, шартнома бўйича хизмат оддий аскари санитар йўриқчи Наталья Остапокларнинг фидойи хизматлари ҳақида кўплаб ижобий фикр-мулоҳазаларга эга бўлдик. Шунингдек, Самарқанд давлат тиббиёт олий билим юртини битириб, шифокорлик соҳасидаги илк фаолиятини шу ерда бошлаган тиббиёт пункти бошлиғи Ғайрат Иноятовни йиллар давомида тажрибали врач сифатида қад ростлаганига шубҳа йўқ. Барча касбининг ҳам ўз масъулиятли томонлари мавжуд. Инсон саломатлигига, демакки, умрига жавобгар бўлиб турган шифокорларда бу масъуллик янада юқори. Ватан посбонлари билан бир сафда хизмат қилаётган ҳарбий шифокорларимиз эса нафақат ўз касбларига, балки эгниларидаги ҳарбий либосга ҳам муносиб бўлишлари лозим. Бу борада уларнинг фидойи хизматлари ўз ўрнида қадр ва эътибор топишини истаб қоламиз.

Зулфия ЮНУСОВА.
Комол ТЎРАЕВ суратга олган.



ШИФОКОРЛИК – ЭЗГУЛИК КАСБИ

Кейинги йилларда госпиталларимиз замон талабларига мос равишда тамирланмоқда, жиҳозланмоқда. Янада файзли, обод масканларга айланяпти. Улардаги тиббий ходимларнинг тажриба, малакаси ҳар томонлама бойиб бормоқда. Фарғона ҳарбий госпитали ҳам шулар жумласидан. Хизмат сафари билан бу ерда бўлганимизда кўнглимиз бунёдкорлик ишларидан нурафшон бўлди.

Аввало госпиталда интернет хонаси ташкил этилгани эътиборимизни тортди. Гоҳо оммавий ахборот воситалари турли хасталиклар, тиббиёт соҳасидаги глобал муаммолар ҳақида бонг уради. Масалан, парранда гриппи ва оқибатлари борасида жаҳонда жар солингани маълум. Госпитал ходимлари ана шундай долзарб муаммолар бўйича интернетдан бой маълумотларни йиғиб, ўзаро ўртоқлашишади. Реферат, маърузалар қилишади. Бундан ташқари энг замонавий дори-дармон, препаратлар, уларнинг тавсифи борасида интернетдан билиб олишади.

Госпиталнинг Машҳура Кенжабоева етакчилик қилаётган диагностика бўлимидамиз. Бўлим замон талабларига мос равишда жиҳозланган. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар бор. «35 йилдирки, ҳарбий соҳадаман. Турмуш ўртоғим тиббий хизмат офицери. Ҳозир истеъфода. Ҳарбий шифокорлар оиласимиз, десам бемалол бўлади. Мазкур госпиталдаги фаолиятимга ҳам 25 йилдан ошди. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар сабаб ҳарбий тиббиётимиз ҳам шаклланаётганидан қувонаман», – дейди бўлим бошлиғи.

Стоматологиянинг янги қабулхонасига кирамиз. Яқиндагина таъмирдан чиққани, замон талаблари асосида жиҳозлангани шундоқ билиниб турибди. Малакали шифокор Илҳом Қобулов бу ерда она юрт посбонларига хизмат кўрсатаётган экан. «Йилдан-йилга ҳарбийларимизга юксак эътибор қаратилмоқда. Юрт ҳимоячилари соғлом бўлса, жанговар шайлиги таъминланган бўлади. Мана, кўриб турганингиздек, янги стоматологик жиҳозлар билан таъминландик», дейди шифокор.

Тиббий хизмат майори катта ординатор Абдулҳамид Аюбов ва тиббий хизмат кичик сержанти Ирина Фуралова беморни кўрикдан ўтказаётган экан. «Бу тиббий хизмат подполковниги, олий тоифали шифокор Муҳаммаджон Юнусов етакчилик қилаётган реанимация бўлими. Кўриб турганингиздек яқинда замон талабларига мос равишда таъмирланди, жиҳозланди. Барча зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар бор. Қишки-ёзги кондиционерлар ишлаб турибди. Таъмирдан кейин анчайин ёруғ, шинам бўлиб қолган хоналар беморларнинг ҳам кайфиятини кўтаради» , дейди госпитал бошлиғи тиббий хизмат подполковниги Шерзод Бегимқулов.

«Дўстлик» ордени соҳиби, тажрибали шифокор тиббий хизмат подполковниги Насим Маҳкамов бошчилик қилаётган операция бўлимига кирамиз. Бу ерда бўлим бошлиғи, травматолог Ҳусанбой Тўхтасинов, фельдшерлар – тиббий хизмат кичик сержанти Қобил Аҳмадалиев, оддий аскар Ҳаётхон Абдураҳмоновалар навбатдаги операция бўйича ўзаро маслаҳатлашишаётган экан. Бўлимга замонавий тиббий ускуналар ўрнатилган. Сунъий нафас, наркоз берадиган мосламалар, операция ишлари билан боғлиқ ускуналар шулар жумласидан.

Госпитал фаолияти билан танишиб туриб шунга амин бўлдикки, хасталар дардига дармон бўлиш учун жамоадаги шифокорларнинг тажрибаси, малакаси етарли. Масалан, тиббий хизмат подполковниги Насим Маҳкамовни олийлик. Олий тоифали жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди, у.

Лаборатория бўлимига олий тоифали шифокор тиббий хизмат подполковниги Фахриддин Ҳасанов бошчилик қилади. Таҳлилларнинг бари сифатли, аниқ ва ўз вақтида амалга оширилишига доимо бош-қош. Биринчи тоифали терапевт тиббий хизмат майори Расул Аҳмедов терапия бўлимига етакчилик қилади.

– Госпиталимиз ҳамширалари билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бош ҳамширамиз Азиза Матқодирова, кичик сержантлар – Раҳима Қосимова, Шоҳида Сарикова, катта ҳамшира Ольга Мельниковалар шулар сирасидан. Уларнинг беминнат, эзгу хизматлари туфайли беморларимиз тезда шифо топишиб, сафларга қайтишяпти, – дейди госпитал бошлиғи.

Хуллас, госпитал ходимларининг фаолияти билан танишиб, машаққатли хизматларини кузата туриб, бошқача таъриф тополмадим. Улар том маънода эзгулик касбининг соҳиблари, фидойилари.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 16 ноября. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА

ВОПРОСЫ ЧЕТЫРНАДЦАТОГО ТУРА

1. Сколько посадочных мест насчитывается в автобусе «Мидибус»?
а) 36 мест; б) 29 мест; в) 23 места.

2. Каков эксплуатационный расход топлива автомобиля ЗИЛ-131 на 100 км?
а) 72 литра; б) 63 литра; в) 51 литр.

3. Каков порядок действий при обнаружении утечки топлива из системы питания?
а) Продолжать движение с соблюдением мер безопасности;
б) долить топливо в автомобиль;
в) устранить неисправность.

4. Каковы допустимые пределы прогиба ремня вентилятора и компрессора автомобиля ЗИЛ-131?
а) 3 мм; б) 15 мм; в) 10 мм.

5. С какой максимальной скоростью разрешено движение автомобиля при буксировке на гибкой сцепке?
а) 30 км/час.; б) 40 км/час.; в) 50 км/час.

6. Каков предельный зазор между клапанами и коромыслом двигателя КрАЗ-255Б?
а) 0,10–0,15 мм; б) 0,15–0,20 мм; в) 0,25–0,30 мм.

7. Какие системы имеет двигатель внутреннего сгорания?
а) Системы охлаждения, смазки, питания, зажигания (электрооборудования), выпуска отработавших газов;
б) системы зажигания, питания и охлаждения;
в) системы зажигания, питания, охлаждения, смазки.

8. Каков свободный ход педали сцепления автомобиля ЗИЛ-131?
а) 15–20 мм; б) 20–25 мм; в) 30–35 мм; г) 35–50 мм.

9. В каких пределах допустим зазор между контактами прерывателя автомобиля ГАЗ-66?
а) 0,1–0,2 мм; б) 0,2–0,3 мм; в) 0,3–0,4 мм.

10. Каков предельно допустимый ход штока тормозных камер автомобиля КамАЗ-5320?
а) 20 мм; б) 25 мм; в) 30 мм; г) 35 мм; д) 40 мм.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ТРИНАДЦАТОГО ТУРА

1. Разрешается при использовании жесткой сцепки для буксировки.
2. После полной остановки трамвая.
3. 32,5 л.
4. Дизельный.
5. Система регулирования давления воздуха в шинах, подъемник запасного колеса и лебедка.
6. Для принудительного отвода тепла от нагретых деталей двигателя в пределах, обеспечивающих нормальную его работу.
7. 5,5 т.
8. 850 км.
9. КамАЗ-740.
10. 29 л.

Келажакка бир назар

XXI АСРНИНГ УНИВЕРСАЛ ЖАНГЧИЛАРИ

Ўрта асрлардаги зирҳга ўралган рицарлар даври узоқ ўтмишда қолиб кетди. Хўш, эртанги кун жангчиси, унинг шахсий қурол-аслаҳалари қандай кўринишда бўлади?

Тадқиқотчиларнинг фикрича, жангчи биринчидан, енгил зирҳ билан ишончли ҳимояланган бўлиши лозим. Иккинчидан, унинг қуроллари қудрати танкдан қолишмаслиги керак. Учинчидан, у ўз душманини йилнинг ҳар қандай вақтида ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида аниқ кўра билиши зарур. Тўртинчидан, у ишончли алоқага эга бўлиши ва ҳар қандай жойда осон ва енгил ҳаракатлана олиши даркор. Жангчи аслаҳаларининг оғирлиги унча катта бўлмаслиги лозим. Ҳозирги вақттача бундай жангчини биз фақат Голливуднинг жангари фильмларида кўрар эдик. Бироқ, эндиликда «Универсал жанг» концепцияси устидаги ишлар АҚШ ҳарбий-тадқиқот марказларида жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

ЖАНГЧИ ЛИБОСИ

Келажак жангчиси либоси (униформаси) мавжуд ишланмаларга мувофиқ, ҳарбий хизматчи гавдаси оғирлигининг ўн беш фоизидан ошмайди, унда олтита асосий тизимлар бўлади: шлем, форма, физиологик назорат тизими, микроиқлим ва қурол тизими, энерготаъминот тизими.

ҚУРОЛЛАРИ

Жангчининг асосан билакларида жойлашадиган қурол-аслаҳалари оғирлиги икки килограммдан бироз ошиқроқ бўлади. Уларнинг таркиби: 25 мм.ли ўқ-дорилар билан отиш учун мўлжалга олувчи иссиқлик датчиклари билан жиҳозланган бешта «ствол» ва 4,46 мм.ли «кинетик» ўқдорилар билан ўт очиш учун мўлжалланган битта «ствол». Улар техник кўрсаткичлар бўйича замонавий автоматик милтиқ патронларига ўхшаш. Ўт очишни янада такомиллаштириш тизими билан жиҳозланган иссиқлик билан бошқарилувчи ўқлар бир километргача узоқликдаги, «кинетик» зарядлар эса – 200-300 метр масофадаги нишонни аниқ қила олади.

Ҳозирги режаларга кўра, келажак аскарлари бир жойдан иккинчи жойга сафар халтага жойлаштириладиган реактив двигателлар ёрдамида учиб ўтадилар, реактив базуклар ва кичик ўлчам (габарит)ли ядровий гранатомётлар эса уларнинг қуроли бўлади. Келажак урушларида нанороботлар, кўз билан кўриб бўлмайдиган ўта кичкина кибернетик мосламалардан ҳам фойдаланилиши мумкин. Назарий жиҳатдан улар ўзларини ўзлари кўпайтира оладилар. Шунда арининг елкасига маҳкамланган разведкачи-роботлар ҳам ҳақиқатга айланади.

ШЛЕМ–КОМПЬЮТЕР

Жангчи шлеми мустақил (автоном) операцияларни амалга оширишда йўлдош (спутник) орқали ва бошқа алоқани таъминловчи ўзига хос мини-компьютер вазифасини бажаради. У шунингдек, микропроцессорлар ва бошқа қурилмаларга эгалиги туфайли келиб тушаётган ахборотларни пухта ишлаб чиқади. Бундан ташқари, шлем лазер, биологик ва кимёвий қуроллардан ҳимояланишни, шунингдек, аскар атрофида юз бераётган барча нарсаларни визуал шарҳлашни таъминлайди.

«АҚЛЛИ» МАТОЛАР

Мутахассислар фикрига кўра, XXI аср аскари либоси атрофдаги вазиятга кўра ўз рангини буқаламун (хамелеон)га ўхшаб ўзгартира оладиган «ақлли» матолардан тикилади. Унда бадан бемалол нафас олади, шу билан биргаликда, кимёвий ва биологик қурол хавфидан тўлиқ ҳимояланган бўлади. Бу кийим ҳатто, аскарни қандай қурол таъсири остидаги ҳудудда эканлиги ҳақида ҳам огоҳлантиради. Унинг ўрта қатлами барча тизимларга қувват (энергия) етиб боришини таъминловчи ўтказгичли материалдан тайёрланади. У шунингдек, душман сезиб қолишидан тўлиқ ёки қисман ҳимояланишни ҳам таъминлайди. Ички қатлами эса ҳарбий хизматчи организмининг барча «тизимлари» нормал фаолият кўрсатишини, қон босими ва чарчоқлик даражасини кузатиб боради. Матонинг микроиқлим тизими турли об-ҳаво шароитларида энг мақбул (оптимал) тана ҳарорати ва жисмоний зўриқмаслик даражасини таъминлайди.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

КИЙИМЛАРДА ИНСОН ОЛАМИ

Тарихга бир назар ташлайдиган бўлсак, ҳатто ибтидоий жамоа тузумининг ҳам ўзига яраша барглардан қилинган кийими бўлган. Замонлар оша бу такомиллашиб, ҳозирги кунимизда кўпчилик кийиб юрган кийимларимиз кўринишини олган.

Кийим кийиш одамларнинг кўп жиҳатларини очиб беради. Унинг диди, характери ва ҳоказоларни айнан унинг кийиб юрган кийимидан билишимиз мумкин. Ҳозир ёшларнинг кийинишига танқид кўзи билан қараймиз. Лекин, баъзи ҳолларда катта ёшдаги кишиларнинг ҳам ўзига ярашган-ярашмаган кийимларни кийиб юрганларининг гувоҳи бўламиз. Кийган кийимлари ёшларига мосми-йўқми бу билан қизиқмайдилар. Баъзи кийимлар инсоннинг соғлиги учун зарар. Буни била туриб ҳам баъзан шу кийимларни киямиз. Тиббий жиҳатдан олганда ҳам, кўкрак ва томоқнинг очиқ бўлиши, бўйнидан ўтадиган артерия қон томирига муттасил шабада тегиб туриши натижасида ҳарорат 50 С даражага иссиқ бўлса ҳам киши ўзини енгил ҳис қилади.

Меҳр ҳар бир нарсада, айниқса, шахс маънавиятининг шаклланишида сув ва ҳаводек зарур. Шу билан бирга ҳар бир нарсанинг меъёридагиси маъқул бўлгани каби меҳр ҳам меъёридан ошиб кетмаслиги мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, боланинг ота-она, бува-бувилар, ака-опалар меҳрига энг муҳтож сезгир бўлган мактаб ёшигача бўлган даврни бой бермаслик зарур. Айнан шу даврибди. Буни пайқаган эр норозилигини ифодаласа, «мен бир марта туғиламан, ҳамкасбларимдан нимам кам» дея эътироз билдирганмиш. Бу ҳам етмагандек, чекишга ўтибди. Нима эмиш, интеллигент аёллар ғарбда тамаки чекишармиш. Бу эса унинг «муаммоларсиз озишига» ёрдам берармиш. Хотинининг ўсмир ёшдаги болалари олдида уялмай-нетмай ўз «ҳақ-ҳуқуқлари»ни талаб қилиши эркакнинг нафсониятига тегибгина қолмасдан, болаларининг тақдири ҳақида ҳам қайғуришга ундаган. Муросага келишавермагач, ажрашиш масаласини кўндаланг қўяди. Шунда ҳам болаларини ўзида олиб қолиш шарти билан ажрашишга кўнади. Аввалига қайсарлик қилган хотин кейин нимани назарда тутиб ёки қайси аҳмоқнинг гапига кириб, ишқилиб, орага шайтон оралаб майли, сиз ҳам бир болаларга қараб кўринг, дея ажрашишга розилик бериб юборади. Бу хунук воқеани англамаганлар кўп бўлди, аммо танишимнинг ўз аҳдидан қайтмаслигини кутмагандик. Мана икки йилдирки, дўстим икки боласи билан алоҳида яшайди. Икки ўртада болалар онасиз улғайишмоқда. Танишим эртадан кечгача ишда, ўғли эса компьютер марказидан бери келмайди. Қизи уззукун кўчада дугоналари билан кун ўтказади. Бир куни учрашиб қолганда мен унга ўша вақтда шайтонга ҳай бериб,

> МЕҲР ҲАР БИР НАРСАДА, АЙНИҚСА, ШАХС МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУР. ШУ БИЛАН БИРГА ҲАР БИР НАРСАНИ МЕЪЁРИДАГИСИ МАЪҚУЛ БЎЛГАНИ КАБИ МЕҲР ҲАМ МЕЪЁРИДАН ОШИБ КЕТМАСЛИГИ МАҚСАДГА МУВОФИҚДИР.

да бола меҳрга тўйиниши керак. Агар бола шу даврда меҳрга тўймаса, кейинги ёш босқичларида унга нисбатан ифодаланган меҳрни ва эътиборни янада кучайтириш зарур.

Меъёридан ортиқ меҳр бола тарбиясини бузади, яъни унинг айтганларини дарҳол муҳайё қилиш орқали ота-она боласининг хизматкорига айланади. Ўзи меҳр ифодалашга эмас, балки бошқалар меҳридан баҳраманд бўлишга одатланади. Иккинчидан, баъзи ота-оналарнинг ўта меҳрибонлиги болани тенгқурлари олдида ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Натижада бола ота-она меҳрига нисбатан меҳрсизлик билан жавоб қайтариши мумкин.

Организм учун зарур бўлган нарсалар миқдори ортиб кетганда аллергик реакция кузатилгани каби меъёридан ортиқ меҳр ўринсиз ифодаланганда тескари натижани келтириб чиқариб, кутилмаганда агрессив хулқ-атворнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бемеҳр ота-оналар ҳам кўпайиб бораётганини инкор этиш қийин. Дурустгина ишлаб юрган бир танишим хотини билан дам-бадам жиқиллашиб қоладиган, ҳар икки гапининг бирида ажрим масаласини ўртага ташлайдиган одат чиқарди. Эмишки, хотини ишхонасидагилар билан ҳар ҳафтада бир маротаба кафе ёки ресторанга кириб, анави зормандадан «қиттак-қиттак отадиган» одат чиқа-

хотинини аҳмоқона одатлардан қайтариши ва оиласини тиклаши кераклигини айтсам, ўйланиб қолди.

–Тўғри айтасан, дўстим, мен Ҳамидани йўлдан қайтаришим керак эди, қиз болага айниқса, она керак бўларкан,– деди у. Аммо ўғлининг тарбиясини ҳам бўшаштириб юборганини тан олгиси келмади.

Унинг хатоси шунда эдики, болаларига меҳр кўрсатмаса, гўё улар ойисининг олдига кетиб қоладигандек туюлган ва уларни керагидан ортиқча эркалаган. Оқибатда фарзандларининг тарбиясига дарз кетди. Бунда она ҳам айбдор, чунки қарс икки қўлдан чиқади. Ана шундай масъулиятсиз ота-оналар туфайли тарбияда тангликка йўл қўйилмоқда. Она гарчи фарзандли бўлиб, у билан мулоқотда бўлгани билан меҳр бермаса қийин. Нима бўлганда ҳам, ота-оналар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат боланинг кўнглини юмшатиб, бошқаларга ҳам меҳрини кучайтиради. Оилада меҳр кўрмаган бола уни кўчадан топиши маҳол. Кўча-кўйларда кўпинча бир-бирлари билан муроса қилолмай, жамоатчилик жойларида уришиб-сўкишиб юрадиган ёшларимизни кузатамиз. Бундай тарбия аввало оилада шаклланади. Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлнинг инъикосини кўрасиз уларнинг қиёфасида.

Куни кеча трамвайда кетатуриб, уч навқирон йигитнинг ўзаро суҳбатини эшитиб донг қотдим. Бири-биридан пўрим кийинган йигитчалар ҳар гапига уятсиз гап қўшиб гапиришаётгани етмагандек, ғалати қилиқлар қилишиб, атрофдагиларнинг ғашига тегишарди. Кимдир уларга хўмрайиб норози қараган, кимдир дакки берган бўлди. Аммо шоввозлар бу койишларга парво ҳам қилишмасди. Уларга қолса, бутун трамвайни бошига кўтариб ҳазиллашишса (агар шуни ҳазил деб тушуниш мумкин бўлса), бир-бирлари билан жиқиллашишса… Улар ён-веридаги ёш қизлару аёллар, отаси тенги эркаклардан ҳам истиҳола қилишмасди. Мен йигитларнинг биридан қаерда ўқишини сўраб, бошимга оғриқ кирди. Йигитлар нуфузли коллежлардан бирида таҳсил олишаркан. Қизиқ, ёши катта бегоналардан андиша қилмаган бу бўз йигитлар ўз устозлари, оиласидагилар олдида одоб сақлашармикан? Менимча, улар ана шундай муҳитда улғайишган ва ўқишади. Йўқса, ўзларини бу каби бачкана тутишмаган бўлишарди.

Биз коллеж ёшидаги болаларга жинсий тарбияни тўғри тушунтиришни бошлашимиз керак. Бунинг номақбул ери йўқ, шарқона урф-одатларимизга таяниб нозик масалаларни фарзандларимизга гўзал қилиб англатсак, педагогларимизнинг маҳоратидан келиб чиқиб, тарбиявий соатлар ташкиллаштирсак, ана шунда сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Ахир, биз оилада ёки таълим муассасаларида бу хайрли ишни йўлга қўймасак, кейин бош чайқаб қолмаймизми? Бунинг учун албатта тез-тез руҳшунослар, Оила маркази ходимлари ва таниқли шахслар билан тарбиявий, адабий-бадиий учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказиб туришимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки ўсмир ёшдаги йигит-қизлар маслаҳатга муҳтож ва ўта қизиқувчан бўлишади. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга қачонки жўяли жавоб олишар экан, унга амал қилишда ҳам таъсир ўтказган кишилардан андоза олишлари табиий.

Бола тарбиясида қийналаётган, унинг нуқсонларига чора тополмаётган ота-оналар ўғлининг ёки қизининг ўқитувчиси ва мураббийларига дам-бадам мурожаат қилиб туришлари ўзлари учун кони фойдадир. Бир сўз билан айтганда, тарбиядаги тангликларни бартараф этиш учун маънавий-маърифий йўналишдаги мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва у асосида ишлаш муҳим. Нуронийларимиз бежиз айтишмаган: экканингни ўрасан. Тарбияда ҳам шундай. Фарзандларимизни қайси томонга бурсак, ўша томонга эгилишади. Шундай экан, уларнинг тарбиясига жиддийроқ қараб, энг яхши ва ижобий фазилатларни ўзларига сингдиришларига кўмаклашайлик. Шундагина биз ёшлар ва катталар ўртасидаги айрим тушунмовчиликлар ва келишмовчиликларга чек қўйган бўламиз.

Абдували ЁҚУБОВ,
Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежи ўқитувчиси.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

истиқлол неъмати, интеллектуал салоҳият кўзгуси



(Давоми. Боши 1-бетда).

Дунёда шундай ишлар борки, уларни ҳамма давлат аҳолиси ҳам бажара олмайди. Бундай ишлар қозон ясаш эмас, қулоқларини ўзингиз хоҳлаган жойдан чиқариб қўяверадиган. Ё сурув боқиш эмас, қўй бир кун кўк ўт емаса озиб қолмайди, дейдиган. Ё олмос қазиб олиш эмаски, ўзимиз эплолмасак бировларни ёллаб қаздирамиз, деб ўйлайдиган. Ҳа, шундай ишлар борки, уларни фақат интеллектуал салоҳияти бор давлатларгина амалга оширишлари мумкин. Чунки бундай ишларнинг дунёвий мезон-меъёрлари бўлгани учун ўзингизча талқин қилолмайсиз. Ёки бу жойини кейин бажарамиз, деб қолдириб кетолмайсиз, бу жойини кимнидир ёллаб амалга оширамиз, деб ҳам ўйлай олмаймиз. Шу боис бундай ишларни бажаришда фақат ва яна фақат ўзингизнинг, халқингизнинг интеллектуал салоҳиятига суянасиз. Ана шундай ишлар сирасига мамлакатда универсал энциклопедия чоп этиш ҳам киради.

Асрлар давомида сайқалланган дунёвий тажрибалардан маълумки, универсал энциклопедия тайёрлашнинг қатъий мезон-меъёрлари бор. Унда энциклопедия нашр этаётган мамлакат ҳақидаги материаллар билан бирга умумбашарий маълумотлар ҳам берилади, шунингдек, ижтимоий (60%) ва табиий (40%) фанлар мутаносиблиги сақланади. Бундан ташқари, айнан шу энциклопедия учун белгиланган мезон асосида унга барча замонлар ва халқларга мансуб машҳур шахслар, кашфиётчилар, сайёҳлар, фан, техника, адабиёт ва санъат намояндалари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари тўғрисида мақолалар киритилади. Энциклопедия тайёрлаш шундай мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён экан, аввало, ўзимизга «Қайси мамлакатларда универсал энциклопедия нашр қилинган?» деган саволни берайлик. Бу саволнинг жавоби узундан-узоқ эмас: Ўзбекистон, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Франция, Германия, Туркия, Белоруссия… Хуллас, яна бир неча давлатни тилга олиш билан саноқ якунланади. Шундай экан, бизда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» бор, дея ҳар қанча фахрланса арзийди.

Биз ҳам универсал энциклопедия нашр этишдай бахтга закий аждодларимизнинг бой маънавий мероси, истиқлол шарофати ва замондош зиёлиларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига эришдик. Ахир, энциклопедиянинг ҳар бир жилдига 125-130 (12 жилдда 1600) нашриёт-ҳисоб табоғидаги 3,0-4,5 (жами 50 минга яқин) мақола, 800-1200 (жами 9000 дан зиёд) атрофидаги безакли материал-сурат, чизма ва харитолар берилди. Ҳар бир жилддаги материалларни тайёрлашда 800 дан зиёд (жами 5000) муаллиф, жумладан, академиклар, профессорлар, фан доктори ва номзодлар, соҳаларнинг етакчи мутахассислари қатнашди. Универсал энциклопедияга киритилган материаллар нашриётнинг 11 та илмий таҳририятида жамланиб, нашриёт қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатган 160 дан зиёд олимни бирлаштирган 23 та илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари фикр-мулоҳазалари ва қабул қилинган мезонлар инобатга олинган ҳолда нашрга тайёрланган. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари муҳокамасига тавсия этилди. Шуни фахр билан таъкидлашимиз керакки, юртимизда ҳар қандай мураккаб мавзуда ҳам мақола ёзишга қодир, дунёқараши кенг мутахассисларимиз ва уларни жаҳон андозалари асосида баҳолай оладиган заковатли олимларимиз кўп экан. Нашрга тайёр қўлёзма замонавий техника билан жиҳозланган ва малакали мутахассислар хизмат қиладиган «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижод уйи босмахонасида чоп этилди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ҳарбий соҳага оид материалларга ҳам кенг ўрин берилган. Дастлабки 11 жилдга киритилган мақолаларда ҳарбий терминлар, тушунчалар, тарихий воқеа-ҳодисалар, қўлёзмалар, жанглар, ҳарбий кишилар ва саркардалар ҳаёти, шунингдек, қадимги халқлар ҳарбий қуролларидан ҳозирги замон ҳарбий техникасигача, туркий халқлар ҳарбий қуролларидан ҳозирги замон ҳарбий техникасигача, туркий халқлар ҳарбий санъати тарихидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларигача бўлган маълумотлар қамраб олинган. 12-жилддаги алоҳида мақолада эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига оид энг муҳим материаллар жамланган. Хуллас, ҳарбий соҳа кишилари ҳам универсал энциклопедиямиздан ўзларининг касбларига тааллуқли керакли маълумотларни топишлари мумкин.

Гап «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг мазмун ва сифати ҳақида кетар экан, холис бўлган халқаро экспертлар хулосаларини эслаш ўринлидир. 2005 ва 2006 йилларда Москвада ўтказилган халқаро китоб кўргазмаларида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ҳам намойиш қилинди. Икки сафар ҳам нуфузли ҳайъат томонидан энциклопедиямиз кўргазмасининг фахрли дипломларига муносиб кўрилди. 2005 йил Германиянинг Франкфурт шаҳрида ташкил этилган халқаро китоб ярмаркасида эса ноширлар энциклопедиямизга юқори баҳо беришди. Шуни мамнуният билан эслашимиз даркор, ҳали нашр этилиши тугамасдан аввал, АҚШ, Россия, Германия, Япония, Туркия каби давлатлардаги китобхонлар «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»дан харид қила бошлади. Бу «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлиши билан бирга, ўзбек халқи, Ўзбекистонимиз юксак интеллектуал салоҳиятининг катта ютуғидир. Аслида, бу Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 1-жилди нашр этилиши муносабати билан йўллаган табригида билдирган **«Энциклопедиямиз ўзининг илмий жиҳатдан чуқур, айни вақтда оммабоплиги билан кенг китобхонлар орасида обрў-эътибор топиб, жаҳоннинг нуфузли қомуслари қаторидан муносиб ўрин олишига ишончим комил»**, деган фикрларининг амалдаги тасдиғидир, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз ҳур Ўзбекистонда яшаётганимиздан фахрланишимиз керак. Кўҳна шаҳарларимиз, қадимий қўлёзмаларимиз, закий аждодларимиз қолдирган умрбоқий мерос, зар тупроғимизда етишган ноз-неъматлар, ер ости бойликларимиз, меҳнатсевар, бунёдкор ва доношманд халқимиз бор, хуллас, юртимизда кўксимизни ғурурга тўлдирадиган маънавий ва моддий дурдоналар беҳисоб. Энди улар орасига ана шу беҳисоб дурдоналаримиз ва умумбашарий маълумотларни ўзида мужассам этган «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» деб аталган 12 жилдли универсал энциклопедия ҳам қўшилди.

Минглаб зиёлиларимиз ва «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёт жамоасининг фидокорона меҳнатлари туфайли дунё юзини кўрган универсал энциклопедия Ўзбекистон салоҳиятининг, куч-қудратининг намойишидир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидай **«Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»**. Ҳа, Ўзбекистонимиз кўп жилдли универсал энциклопедиялари бор дунёдаги кучли давлатлар қаторидан ўрин олди.

Асрор МЎМИН.

МК «Ватанпарвар» ташкилотларида

КЎЛАМИ КЕНГ ИШЛАР

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эътибор келажак авлод олдидаги улкан масъулият, уларнинг мукаммал тарбия топишлари учун яратилаётган кенг имкониятлар замирида ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган тарбиянинг азалий қадриятларимиз, бой маданий меросимиз, ўлмас анъаналаримиз, умрбоқий урф-одатларимиз ҳамда миллий менталитетимиз билан уйғунлиги буюк давлат келажагининг тамал тоши сифатида намоён бўлмоқда.

Ўз навбатида Ватанга меҳру муҳаббат туйғуларини шакллантиришдек хайрли ишга Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келяпти. Ўзининг фаолияти, мақсад ва вазифаларига кўра ташкилот Ўзбекистон Қуролли Кучларига юқори малакали, етук мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда, ёшларни чақирувга тайёрлаш, улар орасида олиб борилаётган ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи ишлари самарасини кучайтириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Бугунги кунда ташкилотнинг вилоят кенгаши 12 та туман, 2 та шаҳар кенгаши, 1105 та бошланғич ташкилотларда 235016 нафар «Ватанпарвар» ташкилоти аъзоларини бирлаштирган. Кенгаш ўз тизимида бошланғич ташкилотлар ва улардаги аъзолар сафини кўпайтириш, аъзолар билан олиб борилаётган амалий тадбирлар салмоғини ошириш, тизим фаолиятини нисбатан янги поғонага кўтариш борасида доимий изланишда. Биргина ўтган йил кўрсаткичлари мисолида оладиган бўлсак, 2004 йилга нисбатан бошланғич ташкилотлар сони 11 тага, аъзолар сонини эса 385 нафарга оширишга эришилди.

2005 йил натижалари бўйича жами 12521200 сўм миқдорида аъзолик бадаллари йиғилиб, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини ўтказиш, бошланғич ташкилотлар моддий негизини такомиллаштириш, ташкилот фаолларини рағбатлантиришга сарфланди.

Айни пайтда ташкилотнинг вилоят кенгашида жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилган ҳисобот-сайлов конференциясига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

2005 йил давомида ва 2006 йилнинг ўтган даврида вилоят кенгаши томонидан маънавият ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ҳамда оммавий-ташкилий ишлар йўналиши бўйича туман (шаҳар) кенгашлари раҳбарияти билан уч маротаба ўқув-услубий семинарлар ўтказилди. Уларда Марказий Кенгаш Раёсатининг ижросини таъминлаш, жойларда ёшлар онгида теран миллий маънавият ҳамда умуминсоний қадриятлар воситасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама баркамол инсон сифатида тарбиялаш, ташкилот тизимида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш ишларини такомиллаштириш, республикамизнинг маънавий соҳада эришган ютуқлари ва бу борада олиб борилаётган кенг ислоҳотлар, қолаверса, мамлакат Қуролли Кучларидаги ижобий янгиланишлар, жамиятимизда ҳарбийликнинг тутган ўрни, нуфузи, давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган имтиёз ва эътиборни кенг оммага тарғиб қилиш ҳамда кенгаш тасарруфидаги ташкилотларда ташкилий ва оммавий-ватанпарварлик ишлари савиясини юқори поғонага кўтариш масалалари бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Марказий Кенгаш Раёсатининг қарорига асосан бугунги кунгача вилоят кенгаши тасарруфидаги Булунғур, Пайариқ, Пастдарғом, Оқдарё, Нарпай, Нуробод, Тайлоқ, Ургут, Қўшработ, Пахтачи, Самарқанд туман ва Самарқанд шаҳар кенгашлари қошида ўқув спорт-техника клубларини ташкил этишга эришилди. Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон туман ва шаҳар кенгашларида эса бу борада қилинаётган ишлар ниҳоясига етиш арафасида.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида вилоят кенгашининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик режалари, дастурлар тузилган бўлиб, улар асосида турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Айниқса, вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси, вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, ҳарбий қисмлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик фаолиятини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2005 йил 28 декабрдаги хатида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан 2006 йил 25 январда тасдиқланган «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аҳоли, шу жумладан, ҳарбий чақириқ ёшидаги ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган ислоҳотларни тарғиб этиш, фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар онгида фаол ҳаётий туйғуларни шакллантириш борасидаги вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва жамоат ташкилотларининг 2006 йилга мўлжалланган тарғибот ишлари ва маданий-маърифий тадбирлари режаси»да белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилоят кенгашининг тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилиш бўйича қўшма қарори имзоланиб, унга кўра «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаларида «Амир Темур авлодлари», «Ёш аскар», «Ёш чегарачи», «Ёш посбон» сингари ватанпарварлик клубларини, шунингдек, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасалари ва ўқув спорт техника клубларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўрта-умумтаълим мактабларида ўқиётган чақириққача бўлган ёшлар учун тўгараклар, курслар ва секциялар ташкил этиш юзасидан





тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Айни пайтда мазкур қўшма қарор ҳамда чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрамлари ва муҳим саналарига бағишлаб, уруш, меҳнат, Қуролли Кучлар ва «Ватанпарвар» фахрийлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, музейлар, Хотира ва қадрлаш майдонларига сафарлар уюштириш, ватанпарварлик юришларини ташкил этиш, мустақиллик йилларида сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида умрининг сўнгги дақиқаларигача халқига ва Ҳарбий қасамёдига содиқ қолган жасур ўғлонларни хотирлашга қаратилган тадбирлар, «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш», Мустақиллик байрамлари тадбирлари, хайрия акциялари, вилоят миқёсидаги турли танловлар ҳамда «Ўз уйингни ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил!», «Миллий армиямиз – Ватанимиз тинчлигининг мустаҳкам кафолати» мавзуидаги маънавий-маърифий анжуманлар негизида ташкил этилмоқда. Вилоятда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда ва улар ўз ижобий самарасини бермоқда.

Исмоил ҒАФУРОВ,
Мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Самарқанд вилояти кенгаши раиси.

Халқаро ҳаёт

БМТНИНГ ЯНГИ БОШ КОТИБИ

2007 йилнинг 1 январидан эътиборан жанубий кореялик сиёсатчи Пан Ги Мун БМТ Бош котиби лавозимида иш бошлайди. Яқинда ташкилот Бош Ассамблеяси унинг номзоди мазкур лавозимга ўтганини расман тасдиқлади.

Маълумки, сал илгари БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо 15 мамлакат элчиларининг Бош котибликка аноним тарздаги сайлови бўлиб ўтди. Унда 14 нафар элчи кореялик дипломатни қўллаб-қувватлашганди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ташкилот низомига кўра, Хавфсизлик кенгаши Бош котибни тайинлаш юзасидан Бош Ассамблеяга тавсия беради. Хуллас, Пан Ги Мун 192 мамлакатни бирлаштириб турувчи ташкилотнинг саккизинчи раҳбарига айланди.

Бош котиб БМТ нинг «бош маъмурий лавозимли шахси» сифатида низомда тавсифланади. Шунингдек, бу лавозимдаги шахс дипломат ва фаол сиёсатчи, тинчликпарвар ва тинчлик ҳимоячиси, жаҳон ҳамжамияти олдида БМТ низомида кўзда тутилган қадриятлар рамзи сифатида гавдаланади.

Шу ўринда БМТ тарихидаги Бош котиблар ҳақида ҳам бироз маълумот бериб ўтсак. Норвегиялик Трюгве Ли 1946 йилнинг февралидан 1952 йилнинг ноябригача, яъни ўз истеъфоси билан ишдан кетгунча Бош котиб лавозимида бўлган. Иккинчи Бош котиб швециялик Даг Хаммершельд 1953 йилдан 1961 йил сентябргача, яъни Африкадаги авиаҳалокатда ҳалок бўлгунга қадар мазкур вазифани эгаллаган. Бирма (ҳозирги Мьянма)лик У Тан 1961 йилдан (расмий равишда бу лавозимга 1962 йил ноябрда тасдиқланган) 1971 йил декабригача Бош котиб лавозимини эгаллаган. Австриялик Курт Вальдхайм 1972 йилнинг январидан то 1981 йилнинг декабригача мазкур лавозимда фаолият кўрсатган. Перулик Хавьер Перес де Куэльяр 1982 йил январидан 1991 йилнинг декабригача бешинчи Бош котиб сифатида шу лавозимда ишлаган. 1992-1996 йилларда мисрлик Бутрос Бутрос Ғолий БМТ Бош котиби бўлган. Жорий йилнинг охирида ўз ваколатини тугатадиган еттинчи Бош котиб ганалик Кофи Аннан 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб ушбу лавозимда фаолиятини бошлаганини яхши биламиз.

Келинг, 62 ёшли кореялик дипломат ҳақида кенгроқ маълумот бериб ўтайлик.

Пан Ги Мун 1944 йилнинг 13 июнида туғилган. 1970 йилда у Сеул университетини тугаллаб, халқаро муносабатлар бўйича бакалавр даражасига эришган. 1985 йилда эса Гарвард университети ҳузуридаги Жон Кеннеди номли давлат бошқаруви мактабини битириб, магистр даражасини олган. У БМТ қароргоҳида Жанубий Корея доимий кузатув вакиллигининг биринчи котиби сифатида, сўнгра республикасининг БМТдаги ваколатхонаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. Жанубий Кореянинг Вашингтондаги элчихонасида ҳам фаолият олиб борганини таъкидлаш лозим.

1990-1992 йиллар давомида мамлакатининг ташқи ишлар вазирлигида АҚШ ишлари бўйича бўлим бошлиғи бўлган. 1992 йилда ядрони назорат қилиш бўйича Шимолий ва Жанубий Корея ҳамкорликдаги комиссияси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаганда унинг саъй-ҳаракати туфайли Корея ярим оролини ядродан холи ҳудудга айлантириш бўйича декларация қабул қилинди. 1995 йилда ташқи ишлар вазири ўринбосари, миллий хавфсизлик масалалари бўйича президент маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб борди.

Дунёда тинчликни сақлаш борасида олиб борган фаол ҳаракатлари сирасига 1999 йилда Австрияда элчи бўлган пайтида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида шартнома тайёрлаш бўйича комиссия раҳбари бўлганини келтириб ўтиш мумкин.

Жанубий Корея 2001 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 56-сессиясига раҳбарлик қилган маҳалда у Бош Ассамблея раисининг девонхонаси бошлиғи эди.

2004 йилда Пан Ги Мун ташқи ишлар вазири лавозимига тайинланади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу машҳур сиёсатчи Шимолий Корея ядро масалалари бўйича 2005 йил сентябрда Пекинда бўлиб ўтган олти томонлама келишувнинг тўртинчи босқичида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Ҳар бир Бош котиб ўз вазифасини замон талабларидан келиб чиқиб белгилайди. Ишонамизки, янги раҳбар ҳам БМТ доирасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириб, мазкур халқаро ташкилотнинг иш қобилиятини янада оширади, фаолиятини кучайтиради.

Сафар АЛИ.

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

ЛУЧШЕ НАЧАТЬ СЕГОДНЯ, ЗАВТРА БУДЕТ ПОЗДНО

(Продолжение.
Начало в предыдущем номере).

Она пыталась его успокоить и отговорить от этого безумия. А он, словно не слыша ее мольбу, все сильнее прижимал ее к своему телу.

Еще через мгновение, стараясь не смотреть в его обезумевшие глаза, она изо всех сил оттолкнула его. Между ними завязалась борьба. Как вырвалась и выскочила за порог дома, на крошечную веранду, она не помнит. Все происходившее в те минуты и сегодня ей кажется страшным сном, в котором многие подробности размыты.

Зато помнит, как подбежала во дворе к семилетнему сыну второй жены Анвара и уже с ним на руках метнулась к воротам. Пробежала несколько метров и услышала за спиной взрыв. Оглушенная, осела на землю и, рефлекторно прикрыв своим телом ребенка, истошно закричала, взывая к Аллаху о помощи и сохранении жизни.

С 31 марта 2004 года прошло достаточно долгое время. Но для нее это время было спрессовано напряженными днями следствия и судебных заседаний, в которых самыми страшными были проклятия родственников тех, кто погиб от рук боевиков, многие из которых были облачены в ее «фартуки».

Я не уточнял в нашей многочасовой беседе, считает ли она себя преступницей. Мне было достаточно и того, что она горько сожалеет о своей прошлой безвольной доверчивости.

Считает ли она преступником своего мужа Анвара и посещавших его «гостей»? Да. И именно так квалифицируя его, она не считает его и их поступки угодными Аллаху.

Лукавила ли она ради собственного сегодняшнего имиджа «раскаявшейся женщины»? Не думаю. Не думаю оттого, что на мой вопрос: «Могла бы она стать смертницей?» – я услышал: «Никогда». Более того, многократно, совершенно спокойно повторила: «Ни при каких условиях и обстоятельствах, даже ради Аллаха». И помолчав, сказала, глядя на меня усталыми глазами: «Знаете, только здесь я поняла, что он никогда не любил ни меня, ни свою вторую жену, которую я втянула в эту историю. Если бы любил нас... Мы в его сердце были куклами для смерти. Мне трудно это простить, даже покойному. Даже ради Аллаха».

> ЛУКАВИЛА ЛИ ОНА РАДИ СОБСТВЕННОГО СЕГОДНЯШНЕГО ИМИДЖА «РАСКАЯВШЕЙСЯ ЖЕНЩИНЫ»? НЕ ДУМАЮ. НЕ ДУМАЮ ОТТОГО, ЧТО НА МОЙ ВОПРОС: «МОГЛА БЫ ОНА СТАТЬ СМЕРТНИЦЕЙ?» – Я УСЛЫШАЛ: «НИКОГДА».

После этих слов она надолго замолчала и совершенно неожиданно спросила меня: «Хочу ли я знать, о чем она мечтает сегодня?» О разном. Но не о замужестве после отбытия своего срока заключения. Даже при условии, что на зоне этот вариант шариатского брака ей предлагали те, кто, как и она, отбывает сроки заключения по аналогичным статьям из Уголовного кодекса республики. Уточню, что пример моей собеседницы не единичен, и только формат данного очерка не позволяет привести другие аналогии, с которыми мне приходилось сталкиваться не только в Узбекистане.

Письменные и устные предложения подпольных «свах» и «сватов» сегодня звучат примерно так: «Ты находишься в заключении, но ты знаешь, что однажды это трудное для тебя время закончится. Ты не замужем, но если считаешь себя мусульманкой, то тебе лучше выйти замуж за настоящего мусульманина. А настоящий только тот, кто освободился или отбывает срок за идею халифата. Именно такой мусульманин должен стать твоим мужем, а ты его женой. Пусть даже второй, третьей или четвертой, но женой. И у вас будут дети, угодные Аллаху. Угодные потому, что Аллах их вам дарует, а вы в благодарность дадите своим детям соответствующее и угодное Ему воспитание и образование».

Имеет ли перспективу тенденция создания брачных союзов между отбывшими или находящимися в заключении женщинами и мужчинами? Да, если исходить из того, что манипуляторы и ловцы человеческих душ, прикрывающиеся Кораном, иногда выглядят расторопнее нас в своем неувядающем стремлении не только сохранить, но и пополнить естественным путем ряды приверженцев жесткой, радикальной трактовки исламской догматики.

Но вернемся к тому, о чем сегодня мечтает моя собеседница. Совершенно естественно, что она думает и о дне своего возвращения в родной дом, из которого она проводила в иной мир своих родителей, стены которого «осквернены присутствием преступника». Кто из родных ее там ждет? Никто. Но и эта грядущая пустота ее не пугает, потому что она надеется, что ее единственная дочь когда-нибудь даст знать о себе.

Мечтает она и о том, как проведет в родном доме поминки родителей и прилюдно попросит прощение за свою духовную слепоту прошлых лет у Аллаха и у людей.

Поможет ли наше общество сохранить ей эту мечту о прощении? Хочется надеяться. Во всяком случае, оставлять эту женщину, как и многих из тех, кто своей изломанной судьбой так похож на нее, один на один с ее человеческой болью, сомнениями и надеждами не стоит.

Не стоит уже сегодня, потому что завтра будет поздно. Не стоит еще и оттого, что в них все еще теплится вера в то, что верующий человек всегда милосерден и так не похож на тех, кто толкал их к смерти.

Айдын ГУДАРЗИ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Экстренное заседание

С инициативой провести заседание СБ ООН по ситуации в секторе Газа, выступила группа арабских стран и государств-членов Организации Исламская конференция. В ее поддержку выступил генсек ООН Кофи Аннан. Во время традиционной еженедельной встречи с послами государств, представленных в Совбезе, Аннан еще раз заявил, что шокирован военной операцией Израиля в городе Бейт-Ханун, жертвами которой стали женщины и дети.



Переговоры по ядерной проблеме КНДР

Возобновление шестисторонних переговоров по ядерной проблеме Корейского полуострова возможно не ранее середины декабря 2006 года. Об этом заявил российским журналистам в Пекине замминистра иностранных дел РФ Александр Алексеев, передает ИТАР–ТАСС. Так называемые «шестисторонние» переговоры призваны решить проблемы, связанные с северокорейской ядерной программой. Они были остановлены по инициативе Северной Кореи более года назад.



Пиночет освобожден из-под домашнего ареста

Одновременно два судебных решения, касающиеся бывшего чилийского диктатора Аугусто Пиночета, были приняты в среду. Апелляционный суд Сантьяго принял решение освободить его под залог в размере 500 тысяч чилийских песо (около тысячи долларов). В то же время, суд лишил его неприкосновенности по делу о похищении и исчезновении испанского священника Антонио Ллидо в 1974 году.



Чуть не сбили израильский истребитель

Министр обороны Франции Мишель Альо-Мари доложила в парламенте о том, что французские миротворцы едва не открыли огонь по израильским военным самолетам, неожиданно спикировавшим на позиции международных сил, сообщает «NEWSru Israel». Инцидент «с голубыми касками» не единственный, произошедший по вине израильских военных.



Нашли клетки, способные вернуть зрение

Исследователи из США и Великобритании продемонстрировали на мышах возможность стволовых клеток новорожденных, пересаженных в глаза взрослых, возвращать им зрение, сообщает сетевой журнал «Nature». Проведенные эксперименты доказывают, что для трансплантации больше подходят более зрелые стволовые клетки, у которых закончилась стадия активного деления. «Для офтальмологов это настоящий прорыв», – сообщил британский исследователь Роберт Макларен.



Дом на колесах за 1.2 млн долларов

Расположенная в штате Оклахома, США, корпорация «Newell Coach» продает последний дом на колесах (motorhome), модели «P2000i» за 1.2 млн. долларов. Всего было создано три экземпляра данной модели. Эксклюзивный громадный автобус построен на специально спроектированном шасси и оснащен турбодизелем мощностью 600 л.с. Это самый роскошный моторхоум всех времен.



Шарапова выиграла свой второй матч

Россиянка Мария Шарапова выиграла свой второй матч на итоговом женском теннисном турнире года WTA «Championships», который в эти дни проходит в Мадриде. Первая ракетка России в двух сетах переиграла бельгийку Ким Клейстерс (6) – 6:4, 6:4. Вторая победа при соотношении выигранных и проигранных сетов 4:0 дает Шараповой отличный шанс попасть в полуфинал мадридского турнира, победительница которого получит $1 миллион призовых.



У дельфинов есть имена

Ученые из шотландского университета пришли к выводу, что каждый дельфин в группе своих сородичей имеет собственное имя. Дельфины могут узнавать друг друга именно по имени, а не по звуку «голоса». Если провести аналогии с человеческой речью, то в записанных образцах были удалены акцент и другие характеристики, идентифицирующие говорящего. Проигрывая записанные и очищенные образцы дельфиньей «речи», выяснилось, участники группы активно реагируют на произнесение имени своего близкого сородича.

(www.NEWSru.com).

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

ВАТАН – САЖДАГОҲИМ

Ватан ҳақида сўз бошлашдан аввал унинг шаънига уч-тўрт сатр чиройли шеър келтирмоқчи бўлдим. Аксига олиб билган шеърларимдан ҳеч қайсиси кўнглимдан қоғозга тўкилишни истамади. Шеър ҳақида уч-тўрт дақиқа ўйланиб қолдим ва бир ҳақиқат – Ватанга бўлган муҳаббатим у ҳақда чиройли сўз айтиш билан ўлчанмаслиги менга тасалли бўлди.

Аслида Ватан нима? Нима учун унга шарафлар айтамиз? Нега туғилган юртимизни онага қиёслаймиз? Ватан қаердан бошланади ўзи? Ҳа, сўнгги саволимга дарҳол «Ватан остонадан бошланади» дея жавоб берамиз. Менимча Ватан қалбдан бошланади. Нафақат инсон, балки тирик мавжудотларнинг барчаси ҳам бир мўъжаз Ватанда яшайди. Аксинча қалб ўз соҳибидан юз ўгириши мумкин. Ким айта олади «юраксиз яшай оламан» деб. Ҳеч ким. Шу сабабдан мен Ватанни қалбдан кашф этдим.

Мен илк бор ёруғ дунёга келиб Она аталмиш Ўзбекистонимизни кўрдим. Ватан меҳри қалбимга жо бўлди. Улғайиб унинг нақадар кенглигига амин бўлдим. Ҳовлидаги ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳ, кунда нон ёпиладиган тандир, ғичирлаб очиладиган эшик, эрта саҳарда кўчамизни супуриб сув сепадиган келинчаклар, қизлар, бўй йигитлару жажжи болажонлар, кекса-ю, ёш жам бўладиган азиз маҳаллам, ана шундай маҳаллалардан бир нечтасини бирлаштирган қишлоғим – Ғурумсарой, катта-кичик қишлоқлардан вужудга келган туманим – Попим, гуллар шаҳри Наманган, мустақиллик туфайли ўз қадрини топган республикам – Ўзбекистоним, тарих силсилаларидан беш азамат шохини омон олиб ўтган қадим чинорим – Туркистоним эканлигини англаб етдим.

Ровийлар сўйлайдиларки, қадим замонда бир юрт бўлган экан. У юртнинг подшоси элсевар, ҳақгўй, жасур йигит экан. Фуқароси меҳнатсевар, бойбадавлат яшаркан. Бир куни у юртга қўшни юртнинг подшосидан элчилар келибди. Подшолари катта қўшин билан турганлигини, агар бойликларининг ярмисини бермасалар уруш бошлашларини айтишибди. Подшо, яъни йигит эл-юрт тинчлигини ўйлаб бойлигининг ярмисини беришга мажбур бўлибди. Эртасига элчилар яна келишибди. Бу сафар улар подшонинг гўзалликда тенги йўқ хотинини талаб қилишибди. Подшо яна ноилож хотинини элчиларга топширибди. Учинчи кун ҳам элчилар келишибди-да, лашкарнинг оёғи остига сочиш учун бу юртнинг бир сиқим тупроғини сўрашибди. Шунда йигитнинг нафрати денгиздай тошибди. Қиличини суғуриб, шартта элчиларнинг бошини олибди-да, қўшинни жангга бошлаб ғолиб бўлибди. Хотинини ҳам, бойлигини ҳам душмандан қайтариб олибди. Мана сизга Ватан севгисининг қудрати!

Баъзан ўйлаб қоламан. Ҳаммамиз ҳам ўз юртимизни чин дилдан сева оламизми? У учун керак бўлса жонимизни ҳам қурбон қилишга тайёрмизми? Муқаддас Ўзбекистонимизни ҳимоя қилишга, унинг шуҳратини янада юксакларга кўтариш қўлингиздан келадими? «Ҳа» дейман баралла. Иймон-эътиқод дилда экан, Ватан ишқи ҳам кўксимизда. Дилида-ишқи бор одам эса ҳар нарсага қодирдир.

Ҳусанбой ТОЛИПОВ.

МЕН УЧУН МУҚАДДАС ДАРГОҲ



Ареват Григорян – 1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент иқтисодиёт коллежи халқаро бизнес факультетини битирган. Ҳозирда жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетининг 1-курс талабаси. «Ёшлар» телерадиоканалининг «Давр» информацион дастурининг бошловчиси сифатида ҳам фаолият юритади.

– Ареват сизни ўзбек тилида ўта равон сўзлашишингизнинг сири нимада?

– Аввало ўзбек миллатига ҳурматим баландлигидан. Ўзбекистонда туғилдим, маҳаллада камол топдим. Шунинг учун ҳам ўзбек тилини мукаммал ўрганганман. Ўзбек тили ниҳоятда чиройли жозибали тил, ишхонада ҳам, ўқишда ҳам дугоналарим билан фақат ўзбек тилида гаплашаман. Умуман, ўзинг яшаб турган мамлакатнинг тилини билмасликни уят деб ҳисоблайман.

– Кўпчилик мухлисларингиз сизни машҳур боксчимиз Артур Григорянинг синглиси деб ўйлашади.

– Биз шунчаки фамилиядошмиз холос. Ўзимдан ҳам кўп сўрашади. Ўзбекистон ифтихори бўлган спортчи Артур Григорян билан фамилиядош бўлганимдан ғурурланаман. Қанийди мен ҳам жонажон Ватанимизни уларчалик дунёга танитолсам. Балки келажакда шундай имкониятлар ҳам бўлиб қолар, интилганга толе ёр, деган гап бор-ку.

– «Давр»даги фаолиятингиз қачондан бошланган?

– «Давр»га 17 ёшимда келганман. Ундан олдин «Жонли тил» кўрсатувининг бошловчилар танловида 1-ўринни қўлга киритганман. Бу кўрсатув эфирга бир неча бор берилгандан сўнг, ўша пайтдаги «Давр» информацион дастурининг бош муҳаррири Фурқат Зокиров мени ишга таклиф қилдилар. Бу таклиф менга маъқул бўлди. Мана 3 йилдан буён шу ерда бошловчи сифатида ишлаб келяпман.

– Жаҳон тилларига қизиқишингиз қай даражада?

– Қизиқишим баланд. Ўзбек, рус, арман тилларидан ташқари инглиз ва немис тилларини биламан. Яна қўшимча араб тилини ўрганяпман. Айниқса, бизнинг соҳамизда тил билмаслик жуда кўп қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бўш вақтларимда имкон қадар тил ўрганишга ҳаракат қиламан.

– Бошқа телеканаллар информацион дастурларини кузатиб борасизми?

– Албатта. Россия жамоатчилик телевидениесининг «Время», «Ўзбекистон» телеканалининг «Ахборот» дастурларини кузатиб бораман. Бошловчилар – Екатерина Андреева, Севара Турсунова, Абдумўмин Ўтбосаровларнинг дастурни олиб боришлари менга ёқади.

– Агар яхшироқ иш таклиф қилишса, «Давр»дан кетармидингиз?

– Йўқ. Ҳеч қачон. Бир неча марта шундай таклиф бўлган, лекин рози бўлмаганман. «Давр» – мен учун муқаддас даргоҳ. Дарахт бир жойда кўкаради деганларидек, мен ҳам шу ерда ўз иқболимни кўраман. Бу ердаги жонажон жамоамни бошқасига алмаштиришни хаёлимга ҳам келтиролмайман.

– Гўзаллик сизнингча нима?

– Гўзаллик бу – яхши хулқ, одоб, муомаладаги маданиятлилик. Бу хислатларга эга инсон албатта гўзал бўлади.

– Келгусидаги режаларингиз?

– Мен келажакни башорат қилишни хоҳламайман Албатта орзулар бисёр, аммо улар ҳақида гапиришни истамайман.

– Яхши биласиз, «Ватанпарвар» газетаси муштарийларининг асосий қисми ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, тилакларингиз бўлса марҳамат.

– Асл йигитларимизга, Ватан посбонларига, мард, жасур ҳарбийларимизга тилагим ягона – юртимиз осмони мусаффо бўлиб, халқ олдида юзлари ёруғ бўлсин.

Мавжуда МИРЗАЕВА суҳбатлашди.

УВЛЕКАТЕЛЬНЫЙ КОНКУРС ДЕВУШЕК



На днях в Доме офицеров Чирчикского гарнизона с успехом проведен увлекательный конкурс «А ну-ка, девушки!» Целью его являлось не только выявление лучшей среди конкурсанток, но и привлечение членов семей военнослужащих гарнизона к активной общественной жизни, к участию в работе различных кружков при Доме офицеров.

Еще до начала конкурса приглашенные зрители смогли посмотреть очень интересную выставку разнообразных изделий, выполненных руками мастериц. Так, ученицы курсов кройки и шитья продемонстрировали свои оригинальные украшения из бисера, мягкие игрушки, одежду. Вот и любители печеного могли оценить умение учащихся кулинарных курсов, отведав приготовленные их руками торты и выпечку.

Перед участницами конкурса «А ну-ка, девушки!» стояла примерно такая же задача: показать взыскательному жюри разные грани своих талантов, максимально используя знания и навыки, приобретенные на курсах при Доме офицеров. Первый тур под названием «Визитка» посвящался представлению участниц: девочки рассказывали о своих увлечениях и предпочтениях в жизни.

«Осенняя фантазия» – так романтично назывался второй тур конкурса. Это было домашнее задание участниц, в котором от них требовалось расшить и разукрасить обычные футболки, а затем продемонстрировать свои работы судьям и зрителям. Каждая из конкурсанток постаралась порадовать собравшихся оригинальными цветовыми решениями и изысканным дизайном.

Если в домашних заданиях у девочек имелось неограниченное время для самовыражения, то на третьем туре под названием «Визаж-студия» все обстояло гораздо сложнее. Ведь надо было прямо на сцене за очень короткий, ограниченный промежуток времени сотворить красивую прическу.

Четвертый тур отводился на проверку знания участницами норм этикета – они отвечали на вопросы ведущей конкурса, набирая баллы за каждый правильный ответ.

И все же самым красочным и зрелищным получился заключительный конкурс – музыкальный. Девочки в бальных и вечерних платьях исполняли самые известные песни отечественной и зарубежной эстрады.

В коротких перерывах, пока участницы готовились к очередным турам, перед зрителями был устроен показ моделей современной одежды с участием учащихся курсов «Школа моделей», а также показаны модные прически от учащихся курсов «Парикмахер-стилист», а группа восточных танцев «Азия» порадовала виртуозным исполнением арабских танцев под зажигательные мелодии Востока.

В состав авторитетного жюри конкурса вошли: инструктор по работе с членами семей военнослужащих Ташкентского военного округа Ш.Хаджимуратова, председатель Русского культурного центра города Чирчика Л.Мухамадиева, преподаватель Школы подготовки сержантов округа майор И.Сабиров, начальник клуба Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища старший лейтенант В.Абдуллаев, начальник клуба войсковой части В.Масленникова, которые после каждого тура объявляли оценки конкурсанток.

По итогам всех названных туров Д.Хаканова набрала наибольшую сумму баллов и стала победительницей конкурса, второе место у Д.Таировой, а Ж.Худайбергенова заняла почетное третье место. Однако побежденных здесь не было, ведь всем участницам конкурса были вручены ценные подарки. А для организаторов конкурса во главе с методистами по работе с членами семей военнослужащих И.Курбановой и Ф.Асраевой самым главным подарком стало хорошее настроение девушек и собравшихся в Доме офицеров зрителей.

Майор Рустем КУАТОВ.
Фото **Станислава СОЛОВЬЕВА.**

ПРИРОДА ЧЕРЕЗ ФОТОВЫСТАВКУ

Передвижная фотовыставка «Охраняемый природный мир Нуратау-Кызылкумов: человек и природа» прошла в Фаришском районе Джизакской и Пайарикском и Кушрабадском районах Самаркандской областей. Первыми зрителями выставки стали учащиеся школ Фаришского района.

Передвижная фотовыставка с прошлого года путешествует по трем областям – Самаркандской, Навоийской и Джизакской – и далее будет переходить из школы в школу, из методцентра в методцентр, с фермы на ферму. Она является прекрасным инструментом экологического образования и информирования местного населения.

Передвижная фотовыставка условно разделена на четыре части: «Животный мир», «Растительный мир», «Человек и природа» и «Природные ландшафты», а экспозиция составлена так, чтобы учащиеся школ сами рассказывали о природе, о растительном, животном мире, о положительном и отрицательном влиянии человека на природу, руководствуясь готовыми иллюстрациями нашей фотовыставки. В ходе проведения фотовыставки организаторы использовали познания учащихся по биологии, зоологии, ботанике, географии, знание пословиц на родном языке о животных и растениях, моральных ценностях человека.

– Цель выставки – показать ценность окружающей природы Нуратау-Кызылкумского биосферного резервата посредством фотографии, – рассказывает пресс-секретарь проекта «Создание Нуратау-Кызылкумского биосферного резервата» Умида Умарходжаева. – Среди фотографий есть редкие фото диких животных, как, например, барана Северцова – эндемика, то есть встречающегося только в Нуратинском государственном заповеднике и занесенного в Красную книгу Узбекистана и МСОП. Глаза этого архара грустно смотрят на людей, что помогало нам акцентировать внимание учащихся на том, что, мы, люди, обязаны бережно относиться к природе. Некоторые фото с вопросительным знаком вместо подписи удивляли пришедших на выставку. Почему нет текста? Ребята должны были предложить свои названия для такой красноречивой фотографии, как, например, снимок, на котором нескольких рогов убитых баранов Северцова на шесте. Некоторые фотографии заставляют задуматься: «Последняя надежда» – такая подпись под фото, на котором запечатлен в пустыне одинокий куст саксаула с оголенными корнями. «Последняя любовь» – так назван снимок скалы Кызучкан. А другие вызывают светлые улыбки. «Такси, такси!» – так назвали авторы выставки фото, на котором снят суслик, стоящий с поднятой лапкой на обочине дороги, будто действительно хочет остановить такси.

«Природные ландшафты» радуют глаз, величественные «Нуратинские горы» идут за «Закатом на Арнасае»... «Но если человек не будет рационально использовать природные ценнейшие ресурсы, то будет ли у него будущее?» – с таким вопросом мы обращались к участникам фотовыставки и получали разные ответы. Но, главное, они задумались, оторвались от повседневности и поняли, что живут в единой экосистеме, а не за пределами ее, и исчезновение одного звена повлечет за собой проблемы для всех, в том числе и для человека. После этого блока мы плавно перешли к части, где собраны фотографии о взаимоотношении человека и природы.

Было отмечено, что это не художественная выставка профессионалов-фотографов, а фотоработы ученых, которые хотели запечатлеть и остановить прекрасные мгновения в природе. Благодаря этим любителям была создана данная фотовыставка.

В ходе своего следования из одного кишлака в другой передвижная фотовыставка не оставила равнодушными ни взрослых, ни детей. Многие школы, заинтересовавшись этой идеей, решили организовать подобную выставку и у себя в школе.

Н.КАСЫМОВА.



«МУРУВВАТ»

Тасодифан ердан кўкка ўрлаган тўфон қишлоқларни бирин-кетин вайрон қилиш баробарида денгиз бўйидаги болалар оромгоҳини ҳам ўз комига торта бошлади. Бу пайтда бир неча юз дам олувчи болалар ҳар кунги одатий машғулотлари билан банд эди. Қўққисдан бостириб келган офат уларнинг ҳам ҳаловатини бузди. Қуюндай чанг-тўзон аралаш кучли шамол олдида дуч келган нарсани кўкка учириб ҳар томонга улоқтириб борарди. Бир пасда болалар чодирларию, ўйингоҳлари кучли тўфон қаршилигига дош беролмай, осмондан ёғилаётган чанг-тўзонга аралашиб кетди. Кўз очтирмас тўфон қулоқни қоматга келтирадиган шовқини билан атрофда нима содир бўлаётганини англашга халал берарди. Болалар қийчувлашганча ўзларини пана жойларга уришар...

Шу пайтда болалар оромгоҳига қўшни сиҳатгоҳдан ота-оналар ёш болаларга ўзларининг ёрдам қўлларини чўзишди. Уларнинг бошида Аҳрор, унинг хотини ва ўспирин ўғли турарди...

Бир вақт тўфон ўспиринни қоядан улоқтириб юборди. Тош устига йиқилган ёш йигит шу он жон таслим қилди. Аҳрор ва хотини тасодифан ўғлининг жасадини топганда тўфон тинчиб, атроф анча сокин эди...

Ҳар қандай инсон қалбини ҳаяжонга солувчи мана шундай воқеалар билан «Мурувват» фильми илк эпизодлари кадрга кўчган. Ҳолливуд фильмларидан фарқ қилмайдиган бундай машаққатли тасвирларни суратга олиш тажрибали режиссёр Бақо Содиқовга у қадар қийинчилик туғдирмади. Оддий вертолёт варраги ёрдамидаги сунъий тўфон ва актёрлар маҳорати тасвирнинг профессионаллик даражасини оширган.

– Жаҳон кино саноати сингари ўзбек кинематографияси ҳам йилдан-йилга тараққий этиб бормоқда, – дейди фильм режиссёри Б.Содиқов. – Шу боис ҳар бир янги ишлаган картинамизда албатта, янгилик бўлмоғи лозим. «Мурувват» фильмига ўзбек киноси учун янгилик бўлган кўплаб эпизодларни киритдик. Бунга тўфон манзараси, Варахша тепалигидаги от пойгаси ёки денгиз бағрида болалар оромгоҳларини келтиришимиз мумкин. Ушбу манзаралар фильмнинг ранг-баранглигини ошириш баробарида кино ишқибозларининг диққатини беэътибор қолдирмайди. Бундан ташқари, картинада болалар спортига ҳам алоҳида урғу берилади.

«Амир Темур», «Бухоройи Шариф», «Фидойилар» сингари XX аср дурдонаси ҳисобланган кўплаб фильмларни суратга олган ажойиб истеъдод эгаси ушбу картина устида ҳам уч йил бош қотиришга тўғри келди. Ёш ижодкор муаллифлигида яратилган мазкур асарда айни дамда ёшларнинг эзгу орзулари ҳамда инсонийлик туйғулари ҳақида фикр юритилади. Фильмни кадрга кўчиришда тажрибали оператор Султон Мирзаҳмедовнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ лозим.

«Мурувват» фильмининг асосий воқеалари Бухоро ва Навоий вилоятларининг хушманзара жойларида олинган бўлиб, бу кадрларнинг ўзига хослигини таъминлаган. Фильмнинг муваффақиятли жиҳати шундаки, бош ролларга бир қанча дебютант актёрлар таклиф қилинган бўлиб, картинада янги санъаткорлар кашф қилинган. Шу билан бирга уларнинг маҳоратига ҳам алоҳида тўхталмоқ лозим. Мана шундай асосий қаҳрамонлар ролини маромига етказган ёш санъаткорлар сирасига Зулхумор Ҳакимова (Бону), Феруза Саидова (Наима)ларни киритишимиз мумкин. Ушбу қизлар катта фильмда илк бора суратга тушишига қарамай, ўзларининг қаҳрамонлари характерини тўла очиб беришган.

Комилжон ҲАСАНОВ.

ЕТАКЧИЛАР ФАОЛ БЎЛСИН

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) Тошкент шаҳар кенгашида пойтахтимизда жойлашган корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари бошланғич ташкилот етакчилари иштирокида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Унда асосий масала «Камолот» ЁИҲ бошланғич етакчиларини сайлаш бўйича ўтказилган сайлов натижаларига қаратилди. Семинар мобайнида жойларда иш олиб бораётган етакчиларнинг ўрнини ва таъсирини янада кучайтириш, уларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан кенг ҳамкорликда ишлашларини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

– Албатта, етакчиларимиз юқори натижага эришишлари учун, – дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими ходимаси Дилнозахон Ирмуҳаммедова, – у жамоани бошқара олиш ва ташкилотчилик қобилиятига эга, ташаббускор бўлиши керак, Шунингдек, уларга ташкилот ва корхона раҳбарияти томонидан эътибор, ёрдам берилиши, қўллаб-қувватланиши лозим. Энг асосийси, бошланғич ташкилот аъзолари билимли, тажрибали ҳамда фаол ёшлардан иборат бўлишлари шарт.

Йиғин давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун моҳияти тушунтирилди ва уларга керакли кўрсатмалар берилди.

Ҳа, ёшларимиз бизнинг келажагимиз. Шундай экан, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишлари учун бор имкониятлардан тўғри ва аниқ фойдаланишимиз керак.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.

«ВСЕ О «КАМОЛОТЕ»

Именно так называется информационный бюллетень Общественного движения молодежи (ОДМ) «Камолот». Буквально на днях вышел в свет его первый номер, который выделяется ярким и качественным дизайном. Наверное, вы уже заинтересовались, что это за бюллетень и для чего он нужен. Тогда – читайте дальше.

– Наш информационный бюллетень будет издаваться на двух языках: узбекском и русском, – сообщает Мансур Абдурахманов, ведущий специалист ОДМ «Камолот». – В него войдут публикации о самых важных событиях, происходящих при непосредственном участии самих камолотовцев. Первоначально вестник будет выпускаться еженедельно, а затем, учитывая рост объема информации, 2 раза в неделю. Тираж издания составляет более 40 экземпляров, они будут рассылаться в средства массовой информации. Это, конечно же, намного улучшит качество оповещения о мероприятиях, проходящих под эгидой ОДМ «Камолот», что и является главной целью издания бюллетеня.

Нужно отметить, что молодежному движению исполнилось 5 лет и за этот период было сделано много. Скоро состоится II Курултай «Камолота», где будет проанализирована вся проделанная работа, высказаны конкретные предложения по внесению изменений в главные документы ОДМ – Устав и Программу. Это может повлиять на структуру, дальнейшие планы и перспективы. Сегодня идет процесс сбора предложений. А они исходят от молодежи из разных регионов. Самые яркие и существенные предложения также будут опубликованы на страницах бюллетеня.

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ



Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган мурувват, саховатпешалик «Ҳомийлар ва шифокорлар» йилида янада ёрқинроқ ифодасини топмоқда.

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасига қарашли Шайхонтоҳур тумани Фаттоҳ Назаров номидаги 23-сон болалар мусиқа мактабининг Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида бўлиб ўтган хайрия концерти буни яна бир бор исботлади.

– Концертни ўтказишдан асосий мақсадимиз болажонларни янада яхши шароитда ўқитиш, улар учун асбоб-ускуналар сотиб олиш, кам таъминланган оилаларнинг болаларига йил давомида бепул сабоқ олишларини таъминлаш, шунингдек, мактаб моддий-техника базасини бойитишдир – деди мусиқа мактаби директори Олим Муҳиддинов. – Албатта, концертнинг юқори савияда ўтказилишига ота-оналар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Концертни халқимизга таниқли бўлган «Ўзбегим» гуруҳи карнай, сурнай, ноғора садолари билан тантанали очиб берди. С.Т.Абдушукурова раҳбарлигидаги мактаб хор жамоасининг чиқиши томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими ўқувчиларидан ташкил топган дуторчилар, доирачилар ансамбллари ва якка созандалар ижро этган халқ куйлари, фортепиано бўлими ўқувчиларининг чет эл композиторлари асарларини маромига етказиб ижро этишлари томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Халқимизга танилиб қолган 2 маротаба Халқаро болалар фестивалининг ғолиби «Настарин» болалар эстрада гуруҳининг чиқишлари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, бир неча кўрик-танлови ғолиблари Дилноза Мирзаҳўжаева, Диёрбек Маҳкамов, шунингдек Нигора Ҳожимуротова ва Беҳзод Жўраевларнинг дилрабо қўшиқлари, 102-ногирон заиф эшитувчи болалар интернати тарбияланувчиси, мусиқа мактаби ўқувчиси Дилобар Мамажонованинг саксафондаги ижроси концерт дастурига янада кўрк бахш этди.

23-сон мусиқа мактабида сентябрь ойида ташкил топган рақс бўлими ўқувчилари қисқа вақт ичида тайёрлаган рақс номерлари эса барчани ҳайратга солди, десак асло муболаға бўлмайди. Эстрада хонандалиги бўлими ўқувчилари Малика Фатхуллаҳўжаева, Суннатилла Эргашевларнинг она юртимизни тараннум этувчи қўшиқлари ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Наргис ҚОСИМОВА.

ДЕВУШКА НЕДЕЛИ



Лейла Ахмедова более семи лет служит в качестве помощника начальника финансовой службы войсковой части. За это время она глубоко освоила свою специальность финансиста, не раз поощрялась со стороны командования.

В свободное от службы время любит читать художественную литературу, знакомится с периодической печатью. Чтобы быть готовой к сложным испытаниям военной службы, Лейла регулярно занимается физической подготовкой и спортом.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

НОВЫЕ КОМПЬЮТЕРЫ ДЛЯ БИБЛИОТЕКИ

На конференции, состоявшейся в Самаркандском областном информационно-библиотечном ресурсном центре, была проанализирована работа, проводимая в соответствии с Постановлением Президента Ислама Каримова от 20 июня этого года «Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики».

В этом центре созданы все необходимые условия для того, чтобы широкие массы читателей могли регулярно знакомиться с новой литературой, быть в курсе происходящих в мире последних событий. На конференции также отмечалось, что, несмотря на успехи, наблюдаются и определенные недостатки в использовании современных технологий, работа электронных баз и интернет-ресурсов по доставке информации населению не достигла еще должного уровня. Участники конференции обсудили меры по решению этих проблем.

В завершение конференции спонсорские организации передали центру комплект компьютерного оборудования.

А.КАРШИЕВ,
корр. УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид қаламига мансуб «Изҳор» деб номланган ушбу шеърда юрт кенгликлари, халқимизнинг бағрикенглиги, саховатпеша деҳқонларимизнинг тантилиги ёркин ифодаланади. Шоирнинг руҳиятидан, кўнгил булоғидан сизиб чиққан оташин сатрлар сизнинг ҳам қалбингизга кўчса не тонг. Қуйида она Ватаннинг ҳассос куйчиси Сирожиддин Саййид қаламига мансуб гўзал шеърни эътиборингизга ҳавола этамиз. Ўйлаймизки, дилтортар сатрлар юрагингизга куй-қўшиқ мавжи орқали сизиб киради.

ИЗҲОР

Бир тилим ҳандалак, бир тилим ҳилол
Минг йил кўз ўнгимдан кетмагай ҳаргиз.
Сен – мангу халқдирсан, ризқ-рўзи ҳалол,
Мен – сендан тарқаган, кўкарган илдиз.
Одам атолардан нишоним дедим,
Сени бобом дедим, деҳқоним дедим.

Амир Темурлардан қолган номус-ор,
Бир синиқ ғишти ҳам шараф-шон юртим.
Сен – ўлмас ғурурсан, сўнмас ифтихор,
Суви ҳам, қуми ҳам зарафшон юртим.
Асрлар жўш урган дил қоним дедим,
Туғи абад баланд қўрғоним дедим.

Сен – ўн бешга тўлган отажонимсан,
Бешигинг ислари кетмаган ҳали.
Тожу тахтим менинг, зўр имконимсан,
Бори тириклигим, умрим сайқали.
Сени – қошу кўзим, мижгоним дедим,
Ўз уйимда ўсган султоним дедим.

Менинг бу дунёда бошқа онам йўқ,
Онажоним ўзинг – танҳо, ягонам.
Сен борсан – сўзимнинг бошоқлари тўқ,
Сен борсан – тинмагай тилдан таронам.
Сенга садқа бўлсин бу жоним дедим,
Сени жоним дедим, жаҳоним дедим.



ҚЎШИҚНИНГ «ҚЎЛБОЛАСИ»

Қўлболасидан бор, қўлболасидан, биродар. Оббо, хаёлингиз ҳалиги зормандага кетдими? Нима, бошқа нарсалар қўлбола бўлиши мумкин эмасми?!

Э, ҳозир дунёи дун тараққий этган. Техника асри деб қўйган. Истасак, зумда чўпчакни ҳақиқатга айлантира оламиз. Туя ҳаммомни орзу қилибди, дея лаб бурманг. Ҳозир «саунани» орзу қилса-да, муҳайё-ку.

Очиғини айтсам, кўп нарсанинг қўлболасини кўрганман-у, шу шеърнинг, қўшиқнинг дегандай. Йўқ, йўқ босинқирамаяпман.

Хотин, бола-чақа сериалга чалғиши билан газит ўқишга тушаман. Сериални ўйлаб чиқарганнинг отасига раҳмат. Қани энди эрталабдан кечгача давом этса-ю, хотинниинг чакаги ўчса, дея хаёл сураман. Хуллас, газитни ўқиб, қўшиқнинг қўлболасини кашф этдим.

«Сен ўзинг» дея номланган бу қўшиқни Самандар ва Ягона деганлари ижро этишаркан. Ягона «Безори қайдасан, қайларда юрасан, кеч пайти келганда сен ясаниб қуён сурасан», дея «лутф» айласа, Самандар «Майли, жоним жим, хижолат бўлдим, нозигим, қайтариб дилдалаб», деб турибди-да. Такрор-такрор ўқийман. Кўзларимни катта-катта очиб, матига термуламан. Йўқ, янглишмабман. Қўқисдан миямда «тимдалаб, чимчилаб, тилкалаб, майдалаб» каби қофиялар айлана бошлади. Хиргойи қилиб кўрдим. «Тимдалаб» сўзини қўйсак, ўрнига тушади-ёв. Ахир, кечаси сандиқлаб юргандан кейин, тимдаламай, чимчиласинми? Тилкалашдан, майдалашдан ҳам тап тортмайдиганлар бор-у. Тавба, тавба, ўзи асрасин.

Қўшиқнинг давомини ўқийман. «Майли бир кун ўтсин, майли бир вақт ўтсин жоним, бу юрагим ўрганармн, саргузаштингга кўникармн, севишинг исбот қилгин», дея Ягона нола қилса, Самандар «Албатта жоним, мени асалим нетардим», дейди. Шўрлик қиз яна оҳ-воҳ чекиб, «Севишинг ишонарли қилиб исбот қилгин жоним», дейдими-ей.

...Олимлар симпозиум ўтказишмоқда. Адабиётшунослар «бу қўшиқ эмас, ўзбекча сўзларнинг фарёди, йиғиси», дея бир тараф. Кимёгарлар «Қўшиқ тобидадек-у, фақат айрим элемантлар, хусусан тузи кам», деганча яна бир тараф. Баъзи олимлар «балким йодланмаган туз бунга сабабдир», дея муҳокама қилишмоқда. Қайси бирининг гапига ишонишни билмай бошим қотди.

Шу пайт кимдир бошимга туртди. «Намунча хуррак отмасангиз, серналнинг қизиқ жойига келганида...». Турганн майли, шанғилламаса-да, хотин дегани. Қўшиқдан маъни излаб, қайта-қайта ўқийвергач, кўз толиқибдими ёки аччиққина кўк чой сабаб бўлибдими, хуллас бирпас пинакка кетган эканман. Симпозиум, туз... Э, ҳа бу туш экан-да.

Совиган кўк чойни бир ҳўплагач, мия тиниқлашгандай бўлди. Бунга туз ҳам, сўз ҳам, йод ҳам сабабчи эмас. Бу шунчаки қўлбола қўшиқ бўлган, Қўполбой, дедим ўзимга-ўзим.

Миямга ажойиб бир фикр келди. Мен ҳам қўлбола шеър, қўшиқлар ёзсаммикин? Ҳа, энди тирикчилик айб эмас-да.

Қўполбой БЕТГАЧОПАРОВ.

Катта ўғилдан қора хат келгани, иккинчисининг дом-дараксиз кетиши оиланинг ҳаловатини йўқотди. Айниқса, уруш охирлаб борган сари ўғли Маҳаматдан икки энлик хабар йўқлиги ота-онани мунқиллатиб қўйди. Дастурхон атрофида тўпланишганда чол-кампир уларнинг оғизларига интиқ бўлиб ниманидир кутаётган гўдакларига ички изтиробларини сездирмасликка уринишарди. Ёлғиз қолганларида эса аламларини юм-юм йиғлашдан олишарди, Аммо болалар ҳали гўдак бўлиб кўрингани билан кўп нарсани идрок қиладиган бўлиб қолишганди.

Ғалабадан кейинги биринчи қишнинг қаттиқ келиши кеч кузакнинг аччиқ изғиринидан маълум бўлиб қолди. Шундай кезларда у ёқ бу ёққа бориб келиш чол-кампирнинг кўнглига асло татимасди. Гўё назарларида бирор ёққа чиқиб кетишлари биланоқ фарзандлари Маҳамат кириб келаётгандек туюларди. Шунинг учун чол-кампир танча атрофида ғужанак ҳолда дуои фотиҳадан бўшашмади. Катта ўғилларидан айрилиб юрак олдирганлари учун иккинчи ўғиллари Маҳаматнинг бедарак кетиши улар бағрини тинимсиз ўртарди. Қишнинг узун ва совуқ тунлари баъзан ёрқин, баъзан ғамгин ўйлар оғушида қуш уйқусига кетганларини сезмай қолишарди.

Шундай беҳаловат тунларнинг бирида, хўрозлар иккинчи марта қичқираётганда кимдир дарвоза халқасини оғир-оғир урди. Чол-кампир баравар сапчиб туриб кетишди. Қорабой ота аёлига сен ўтиравер, ўзим қараб келаман, деди-да, каловланиб даҳлиздаги калишини оёғига илганча ташқарига чиқди. Чилланинг қирчиллама совуғидан дарахт шохлари қарсилларди. Жунжикиб кетган чол қалтираётган қўли билан эшик занжирини туширар экан, овоз берди:

– Ким? Кимсан? Нега индамайсан? Тезроқ отингни айтақол, – дерди чол ташқаридаги кимсага гал бермай, бутун вужудини титроқ босиб, – ё, Маҳаматмисан?

Шарпа ингроқ аралаш «ҳа» деб юборган эди, чолнинг гавдаси чайқалиб кетди. Йигит кичик жуссали отасини даст кўтариб бағрига босди. Бир зумда ҳовли қий-чувга тўлиб кетди. Дарҳол гулхан ёқилди. Тун ярмидан оғган бўлишига қарамасдан, болалар қариндош-уруғларникига суюнчига югуришди.

Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин ҳам Маҳаматни йўқлаб, узоқ-яқиндан таниш-билишлар келиб кетиб туришди. Аскар уйида ўзини қанчалик қувноқ ва бардам тутишга уринмасин, ота-онаси унинг руҳидаги аллақандай ҳадиксираш, ҳазинликни сезиб олишди. Аммо сабабини сўрашга юраклари дов бермади. Бу ҳазинлик уруш жароҳатидан эмас, қалбидаги безовталикдан эди. Маҳамат қалбининг туб-тубидан сақлаётган бу сирни бировга айтиш у ёқда турсин, энг яқин сирдошларидан маслаҳат сўрашга ҳам журъат этолмасди. Ёлғиз қолган кезларида фақат ўз ёғига ўзи қовриларди, холос.

Иккинчи ҳафтанинг бошларида Маҳаматни колхоз раиси яна кўргани келди. Бу сафар ҳам у Маҳаматни гўё энди кўраётгандек бағрига босиб кўришди. Қуюқ ҳол-аҳвол сўрашди. Дастурхон атрофига ўтиришгач, фотиҳа қилишди. Ана шундан кейингина раис мақсадга кўчди:

– Мана энди, Маҳамат укам, урушдан ҳам эсон-омон қайтиб келдинг. Бу ёғини сўрасанг, уруш пайти бизларга ҳам осон бўлгани йўқ. Кунимиз қари-қартанг, хотин-халаж, суяги қотмаган болаларга қолди. Топганимизни фронтга юбордик. Мақсадимни англагандирсан? Барака топ, бўлмаса, эртадан аравангни қўшиб далага чиқавер.

Маҳамат Қорабоев урушга кетгунича аравакашлик қиларди. Раисни кузатиб қўйгандан кейин у ёлғиз қолишни ихтиёр этиб, анҳор бўйига ўтиб кетди. Анча нарига боргач, атрофга аланглаб қаради ва ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, чуқур хўрсиниб кўкрак чўнтагидан тўрт буклоғлик қоғоз чиқарди. Уни очиб, худди тушунадигандек қайта-қайта кўз югуртириб чиқди. Варақни яна буклаб жойига солиб қўяр экан, «уфф» тортиб қўйди. Назарида, шу хат баъзан лаҳча чўғга айланарди-да, кўкрагидан бошлаб бутун вужудини алангалатиб юборгандек бўларди. Баъзан эса ҳарбий трибуналга чақириқ қоғозига ўхшаб кетарди. Неча марта уни ёқиб юборишга чоғланди. Аммо ҳар сафар негадир қўли бормади. Бу хатни Италиядан қайтиб келаётганида қўлига ёзиб беришган эди.

Уруш авжига чиққан кезларда Маҳамат Қорабоев аскарликка олинди. Жанг майдонига етиб боргунича йўл-йўлакай, нариданбери ўтказилган машқлари билан тўппа-тўғри душманга рўпара қилинди. Орадан икки ойлар ўтгандан кейин у хизмат қилаётган қисм қуршовда қолиб, ҳаммаси асир олинди. Бу ер Житомир вилоятининг Верхне-Волинский тумани эди. Икки ой давомида қамоқхонама-қамоқхона олиб юрилди. Маҳбусларнинг бошига тушадиган қандай қийинчиликлар, қийноқлар бўлса, ҳаммасини кўради. Гоҳо ҳе йўқ, бе йўқ дўппосланди. Кафтига михлар қоқилди. Ичига қаттиқ нарса солинган қўлқоп билан урилганда афтбашарасининг соғ жойи қолмади. Тағинам инсон боласи ҳар қандай уқубатларга дош бераркан. Бошидан тинимсиз азоблар кечираётган кунларнинг бирида у бир тўда маҳбуслар билан қамоқхонадан қочиб, Италиянинг Болоня провинциясидаги партизанлар сафига қўшилди. Шундан кейин у Генуя, Леверс, Модина провинцияларида партизанлик қилди.

Уруш тугаган кезларда Маҳамат Қорабоев Болоня провинциясида эди. Шу ердан уни ўша кўкрак чўнтагидаги хат билан худди жигарбандлардек кузатиб қолдилар. Уйига қайтаётганидан суюниб кетган Маҳамат хатнинг маъносини ҳам, таржимасини ҳам суриштиришни ёдидан чиқарганди. Аскарлар орасида, кимки асир тушган бўлса Ватанига қайтиб боргач, ҳеч суриштирилмай отиб ташланаётган эмиш, дея тарқалган гап ҳаммани ваҳимага солиб қўйган эди. Маҳамат Қорабоев бу гапни биринчи марта Австрияда эшитганида юраги «шувв» этиб кетди. Шундан кейин кўп аскарларимиз ўша ёқларда қолиб кетишганини ҳам ўз кўзи билан кўрди.

Маҳамат Италияда кундузи деҳқончилик билан шуғулланди. Пилла тутди. Тақалган сигирларга омоч қўшиб, ер ҳайдади. Аравакашлик қилди. Бу юмушлар унга бобомерос эмасми, бажарганида ҳаммани лол қолдирарди. Кечқурунлари эса партизанларнинг жанговар сафида юриб душманга зарба берарди. Бир неча марта бир ўзи ёлғиз бориб, душмандан «тил» тутиб келди. Кундузи чамалаб қўйган отхонасига, аслаҳахонасига қоронғилатиб бориб ўт қўйиб келар, душманнинг қурол-яроғ омборларини портлатишда жонбозлик қиларди. У ўзининг тадбиркорлиги, ўткир зеҳни билан партизанлар лашкарбошиларининг ишончини қозонди. Уларга айниқса, Маҳаматнинг самимийлиги ёқарди. Энди улар Маҳамат Қорабоевга энг масъулиятли ва маҳфий топшириқларни ҳам ишонадиган ҳамда кези келганда маслаҳатлашадиган бўлиб қолишди. Баъзан командирлар уни эркалашиб:

– Рус фуқароси Маҳамат Қорабоевич, сенинг дамлаган паловинг билан ўрмондаги ҳайқиришгинга беш кетамиз-да. Ўзинам, бир ҳай-ҳайласанг ўрмон ларзага келиб кетадия. Душман ҳам сенинг овозингни таниб қолган кўринади, – дейишарди. Ҳақиқатан ҳам ҳеч кимнинг товуши уникига тенг келолмас эди.

– Ўртоқ лашкарбоши, – дерди Маҳамат унга изоҳ бериб. – Билиб олинг, мен рус эмас, ўзбекман. Ўзбекистон, деган жойни эшитганмисиз, мен ана ўша ерданман.

– Ўзбекистонни эшитганим йўққу-я, аммо Туркистон ўлкаси борлигидан хабардорман. Сен ҳам ўша ердан бўлсанг керакда. У ерларда ҳамма нарса ўсади.

– Тўғри айтдингиз, – дерди Маҳамат ички бир ғурур билан бошқаларга боқиб, қувониб. – Эсон-омон юртимга қайтиб борсам сизни албатта, чақираман. Меҳмоним бўласиз.

Баъзан партизанлар тунлари навбати билан ўз юртлари ҳақида ҳикоя қилиб беришарди. Ҳикоя қилиш навбати Маҳаматга келганида барча сафдошлари уни беринб тинглашарди. Ўзиям шундай жўшиб сўзлардики, ўзбекларнинг урф-одатларига, ўтмишда дунёга машҳур бўлган улуғ бобокалонларига, инсонларга меҳрибонлигига ўтирганларнинг ҳаваслари келарди. Буни кўрган Маҳамат ич-ичидан қувониб кетарди.

У партизанлик қилаётган ўлка иқлими жиҳатидан худди Ўзбекистонга ўхшаб кетарди. Ҳасанбойдаги уйлари яқинида «Хайри холанинг ўрикзори» деб ном чиқарган ўрикзор бўлгувчи эди. Бу ерда эллик хилдан ортиқ ўрик нави бўлиб, эрта баҳордан кеч кузгача пишиб ётарди. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан келиб атайлаб пайвандлашга новда олиб кетишарди. Очарчилик йилларида кўпчиликнинг жонига оро кириб, омон сақлаб қолган ҳам шу ўрикзор бўлган. Болоняда ҳам худди ўшанга ўхшаган ўрикзор бор эди. Маҳамат юртини соғинганида ўша ўрикзорга бориб айланиб юрарди...

Маҳамат раис билан келишгани бўйича эрта саҳардан аравасини қўшиб далага чиқиб кетди. Бир неча кун аравакашлик қилгач, уни бригада ҳисобчиси қилиб қўйишди. Баҳор келганда эса бригада бошлиғи лавозимига сайланди. У ҳеч қачон юмуш танламасди. Қандай иш бўлмасин, унга топширилса бас, бўйин товламасдан бажариб кетаверарди. Аммо ноҳақликка тариқча ҳам чидолмайди. Турғунлик даврининг энг гуллаган пайтидаги бир воқеа сира-сира унинг ёдидан чиқмайди. Ўшанда бригадирлик қиларди. Эртаки бодринг йиғиб-териб олиниб, ўрни кейинги экинга тайёрлаб қўйилган эди. Раис уни чақириб масалани кўндаланг қилиб қўйди:

– Бугун икки тонна бодринг топширишинг керак.

– Буни ҳеч иложи йўқ, – деди Маҳамат ака соддалик билан. – Бодринг экилган ерни ҳайдовдан чиқариб қўйганмиз-ку?

– У ёғини билмайман. Гап битта. Топширасан, вассалом.

Маҳамат ака кейин билса, раис бодрингнинг пулини сўраётган экан. Шартта бригадирликдан бўшашга ариза ёзди-ю кетмонни елкага ташлаб далага чиқиб кетаверди.

Йиллар ўтди. Турли юмушлар билан ўралашиб қолган Маҳамат ака Италиядан берилган хат ваҳимасини эсдан чиқара ёзган эди. Шундай кунларнинг бирида хат ташувчи уни излаб юрганини эшитиб юраги орқага тортиб кетди. Хаёлига бири-биридан ваҳимали нарсалар кела бошлади. Мана, урушдан қайтганига ҳам ўттиз йилдан ошган бўлса-да, бирорта ташкилотдан йўқлаб келишгани йўқ. Нега келишмадийкин? Ёки мени ушлаб кетишга пайт пойлаб юришганмикин? Наҳотки шундай бўлса? Хат ташувчи мени нега излаётганийкин?..

Бир куни қишлоқнинг хат ташувчиси унинг қўлига буклоғлик қоғоз тутқазиб кетди. Хатни Житомир вилоятининг Верхне-волинский тумани ижтопарлари йўллашганди.

«Маҳамат Қорабоевнинг ҳурматли оиласи, – дея бошланарди мактуб. – Фарзандингиз Маҳамат Қорабоев бизнинг туманимизни озод этилишида фаол иштирок этиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганини аниқладик. Туманимизнинг намунали мактабига унинг номини қўйдик. Яқин кунларда бюстини ҳам ўрнатмоқчимиз. Сизларни таклиф этамиз. Сизнинг табаррук оилангизга Маҳаматдек чин инсон, ботир, ёвга аёвсиз фарзанд тарбиялаб етиштирганлигингиз учун ташаккур билдирамиз ва хонадонингизга чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз».

Бу таъзияноманинг овозаси бир зумда қишлоққа ёйилиб кетди. Маҳамат Қорабоев уни раисга ўқитиб, Верхне-Волинскийга бориб келишни маслаҳат солган эди, у:

– Жиннимисан? Сени алдаб чақириб олиш учун юборилган бу. Борсанг Ватан хоини сифатида отиб ташлашади, – деди.

Маҳамат ака раис олдидан чиқиб тўғри уйига келди-да, Италиядан берилган хатни олиб Тошкентга жўнади. Мақсади уни таржима қилдириш эди. Суриштира-суриштира таржима қиладиган идорани топди. Ходим хатни олар экан, бир ҳафтадан кейин хабар олишини тайинлади. Маҳамат ака кўчага чиққанида ўзининг хафаҳоллигини ҳам, хурсандлигини ҳам билолмасди. Бир ҳафтагача унинг сурати юрди. Шу кезларда қандай хаёлларга бормади, дейсиз. Тошкентга бориб келгани ҳақида ҳеч кимга гапирмади. Таржима натижасини билишга ҳам ёлғиз ўзи борди. Юрак ҳовучлаб хонага мўралади. Ходим ёлғиз ўтирган экан, келаверинг, деганидек уни имлаб чақирди. Саломалик қилишгач, столидаги қоғозлар ичидан Маҳамат аканинг хатини олиб узатди. У хатни тик турган кўйи ютоқиб ўқиб чиқди.

«ВАТАНПАРВАРЛИК ГУВОҲНОМАСИ Ҳукумат ва бирлашган халқ Иттифоқи томонидан ватанпарвар жангчи сифатида, озодлик ғалаба қилгунича жанговар сафда туриб, душман билан юзма-юз курашган Маҳамат Қорабоев тўғрисида маълумотнома. У ҳимоя жараёнларида фаол иштирок этиб, ҳарбий ахборотлар олиб келди. Бузғунчиликка қарши курашди.

Ўзининг қатъийлиги ва мардлиги билан Италиянинг озод этилишида жонбозлик кўрсатди.

Эзгулик ва озодлик учун курашиб, ушбу гувоҳномани олишга мушарраф бўлганлар Италия ҳукумати томонидан ВАТАНПАРВАР дея эълон қилинди.

Италия ҳарбий кучлари
бош қўмондон имзоси Х.Р.Александр
«Кўнгилли озодлик корпуси
Г.Матеотти номли бригада
Акил гуруҳи
Санаси: 14.05.1945 й.
Россия... Тошкентда истиқомат қилувчи рус фуқароси Маҳамат Қорабоевга.

ЙЎЛЛАНМА

Ҳужжат берилишидан мақсад: Миллий озодлик, Италия қаршилик кўмитаси томонидан Ватанига қайтиб кетишига барча зарур ёрдам кўрсатилсин.

«Миллий озодлик командаси»

Душман қамоқхоналаридаги дўзах азобларига дучор бўлганида ҳам кўзи намланмаган Маҳамат ака яноқларидан юмалаб тушаётган ёшларини тўхтата олмади...

Ҳа, Маҳамат Қорабоев Тошкент туманидаги Ҳасанбой қишлоғининг табаррук отахонларидан эди. Одамларга қўлидан келган яхшилигини, кўмагини аямасди. Қишлоқда бирон-та тў-ю маърака унинг иштирокисиз ўтмасди. Аммо бирон ерда унинг кўкрагига уриб, керилганини ҳеч ким кўрган эмас. Машҳур шоиримиз Мақсуд Шайхзода

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир.
Ўлимлар бўладики,
Мангуликка тирикдир.

деган сатрларни битганида Тошкент туманининг фахрига айланган Маҳамат Қорабоев каби инсонларни назарда тутгани шубҳасиз.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.

ВАТАНПАРВАР ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ

Кўнгилга ташриф

Президентимизнинг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида «... ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаб, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида» амалга оширилиши лозим бўлган саъй-ҳаракатлар белгилаб берилган.



КЎҲНА НАСАФ АЛЛОМАЛАРИ ИЗИДАН...

Шунга биноан мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, олимларимиз Насаф шаҳри тарихининг ўрганилмаган томонларини тадқиқ этиб, насафлик алломаларнинг буюк хазинасидан халқимизни баҳраманд қилмоқдалар.

Маънавиятимиз, дину иймонимиз пешволари ал-Бухорий, ат-Термизий, ат-Тарозий, аз-Замахшарий, ан-Насафий каби кўплаб алломаларимиз яратган дуру гавҳарларни излаб топиб, мамлакатимиз аҳлига тортиқ қилаётган, ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» китобининг таржимони, таниқли арабшунос, исломшунос, тарих фанлари доктори, Тошкент Ислом университети манбалар хазинаси мудири Убайдулла Уватов насафийлар меросини ўрганиш борасида диққатга сазовор илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Биз ҳурматли олимимиз билан Қарши шаҳри, насафийлар мероси ҳақида суҳбатлашдик.

– Домла, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги, айниқса зиёлилари сизни буюк муҳаддислар Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абул-Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳажжож, Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ат-Термизий, Ғарбу Шарқда кенг танилган хоразмлик буюк аллома Абул-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий каби ўнлаб буюк юртдошларимиз илмий-адабий, тарихий меросини ўрганиб, халқимизга ўз она тили бўлмиш ўзбек тилида етказиб бераётган олим сифатида яхши биладилар. Кейинги пайтларда насафлик алломалар, улар қолдирган буюк мерос бўйича олиб бораётган тадқиқотларингиздан сўзлаб берсангиз.

– Маълумки, юртимизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Насаф (Қарши) шаҳридир. Шарқнинг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бири сифатида довруғ таратган мазкур шаҳар дунё олимларига азалдан маълум ва машҳурдир.

Муҳтарам Президентимиз «... насафийлар, кешийлар меросини ўрганишга вақт етиб келмадими, нима, уларни четдан келиб ўрганишларини кутаяпсизларми?!» деган эдилар куюнчаклик билан.

Ҳақиқатан ҳам Италиянинг пойтахти Рим шаҳрида француз тилида «Қарши ўлкашунослик музейидаги Шарқ қўлёзмаларининг каталоги» каби бебаҳо китоблар чоп этилиб, насафлик алломаларнинг қўлёзмалари ўрганилиб, тадқиқ қилинаётган чоғда юртимиз олимларини бундай савоб ишга четдан қараб туришлари насафлик буюк аломаларнинг руҳларини норизо қилиш билан баробардир.

Юртбошимизнинг бу борадаги кўрсатмалари ушбу йўналишдаги кўплаб муҳим ва хайрли ишларга туртки бўлди.

Қарши шаҳрида вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан «Насаф ва кешлик алломалар меросини ўрганиш илмий маркази» ташкил этилди. Ушбу Марказ Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва қишлоқларидан етишиб чиққан алломалар ҳамда улуғ авлиёлар ҳаёти ҳамда меросини илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганишни ташкил қила бориб, бу хайрли ишга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган таниқли арабшунос, тарихчи, фольклоршунос, элшунос олимларни жалб қилмоқда.

Маълумки, кўҳна Насафдан кўплаб илм даргалари етишиб чиққан бўлиб, ан-Насафий нисбаси билан бир неча олиму уламолар, буюк донишмандлар яшаб ўтган.

Мустақиллигимиз туфайли насафлик алломаларнинг ҳаёти ва қолдирган бой илмий-маънавий меросларини ўрганишга яратилган имконият туфайли қайд этиб ўтилган илмий масалалар билан баҳоли қудрат шуғулланмоқдаман.

– Тарихий манбаларда ёзилишича, VIII – XII асрларда Ўрта Осиёда 3000 муҳаддис олим яшаб ўтган бўлса, шулардан 400 нафари Насафда ижод қилган. Ўрта асрларда кўҳна Насафдан етишиб чиққан буюк алломаларга тўхталсангиз...

– Ўрта асрларда Насафдан юзлаб олимлар, дин пешволари етишиб чиққан. Шулардан бири машҳур мутакаллим Имом Абу Мансур ал-Мотурудий таълимотининг давомчиси Абул Муъийн ан-Насафий ҳисобланади. Алломанинг калом илмига оид «Тавсирот ал-адилла», «Баҳор ал-калом», «Ат-Таҳлид ли қавонд ат-тавҳид» асарлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

961 – 1041 йилларда яшаб ижод этган насафлик таниқли олим Абул-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийнинг фаолияти ҳам эътиборга моликдир.

Абу Туроб Асқар бинни ал-Ҳусайн ан-Нахшабий ан-Насафий пири муршид даражасига эришган машҳур тасаввуф шайхларидан бири. Фаридиддин Аттор ўзининг «Тазкират ул-авлиё» асарида у ҳақида шундай ёзади: «Шайх Абу Туроб Нахшабий... Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидандир. Ҳар қачон муридларида бир ёмон иш кўрса, муридига бир нарса демас, ўзи тавба қилиб, истиғфор айтар эди. Айтар эдики, «Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди».

Алишер Навоий ўзининг «Лисон-ут-тайр» достонида Абу Туроб Нахшабий номини эҳтиром билан тилга олиб ўтади.

Яна насафлик алломалардан машҳур муҳаддис олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий, таниқли тилшунос ва адабиётшунос Абу Усмон ан-Насафий, фиқҳ ва ҳадисшуносликда, тарих ва тилшуносликда кенг қамровли илм соҳиби бўлган Абул Аббос Жаъфар ан-Насафий, «Ҳофиз уд-дин (дин ҳимоячиси)» деган юксак унвонга сазовор бўлган Абул-Барокот ан-Насафий каби буюк алломаларни тилга олиб ўтиш жоиздир.

– Ислом дини тарихининг дастлабки даврларидан пайдо бўлиб, жамиятда носоғлом ва беқарор вазиятни вужудга келтирган турли бузғунчи диний оқим ва гуруҳларга қарши курашда насафлик улуғларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. Ана шундай зотлардан бири бўлган Маҳҳул ан-Насафий ҳақида тўхталсангиз.

– Олимнинг тўлиқ исми Абу Мутиъ Маҳҳул ал-Фазл ан-Насафий бўлиб, унинг таваллуд санаси ҳақида ҳозирча манбаларда бирор маълумот учратмадик.

Маҳҳул ан-Насафий юксак илму маърифати билан танилиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сулолалардан бирининг асосчисидир.

Маҳҳул ан-Насафий ўз даврининг етук фиқҳ, мутакаллим ва мутасаввуф олими сифатида танилган, «Китоб фит-тасаввуф» (Тасаввуф ҳақида китоб), «Китоб ал-луълиъйат филмавоъиз» (Мавъизалар бўйича марваридлар), «Аш-Шуъо» (Ёғду) асарлари унинг қаламига мансубдир. Шубҳасиз, Маҳҳул ан-Насафийнинг ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан энг қимматли асари «Китоб ар-Радд аъло аҳл ал-бидъат вал-аҳво» (Бидъат аҳли ва айниган ҳавойиларга раддия китоби) дейиш мумкин. Бу ўзига хос нодир манбадан ўша даврда пайдо бўлиб, хилма-хил ихтилофларни келтириб чиқарган кўплаб диний оқимлар, фирқалар ҳақида аниқ ва мукаммал маълумотларни олиш мумкин.

– Яқинда Миср ва Туркия мамлакатларида илмий сафарда бўлиб қайтдингиз. Ушбу сафардан кўзланган мақсад нима эди?

– Насафийлар ҳаёти ва улар илмий-маънавий меросини ўрганиш хусусида давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларини амалга ошира бориб ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши, ҳомийлиги туфайли Миср ва Туркияда бўлдик. Бу илмий сафардан кўзланган асосий мақсад – қадимий Насаф шаҳридан етишиб чиққан олимлар, яъни насафийларнинг ҳаёти ва улар асарларининг қўлёзма нусхалари, шунингдек, шу мавзуга оид адабиётлар ва илмий тадқиқотлар билан бевосита танишиш ҳамда имкон қадар улар ҳақида юртимизга маълумотлар олиб келиш эди. Биз Истанбул шаҳридаги Сулаймония, Султон Боязид Давлат кутубхонаси, Оя Сўфия, Нури Усмония ҳамда Миллат кутубхонаси, Қоҳирадаги Дор ал-кутуб вал васойиқ ал-қавмиййа, Ал-Азҳар ва Қоҳира университетлари, Ислом тадқиқотлари олий маъҳади ҳузуридаги кутубхоналарда изланиш ишларини олиб бордик. Ушбу илм даргоҳларида насафлик олимлар (қисман Кеший ва Поздавийлар) томонидан яратилган асарларнинг 300 дан ортиқ (асосан, ўрта асрларда кўчирилган) қўлёзма нусхалари сақланишидан ғоятда мамнун бўлдик ва уларнинг мазмун-моҳияти билан имкон қадар танишиб, дастлабки маълумотларга эга бўлдик.

Сафаримиз давомида Насафдан етишиб чиққан Аҳмад ибн Абу ал-Муаййад ан-Насафий, Қутбиддин Али ибн Муҳаммад ан-Насафий, Азизуддин ибн Муҳаммад ан-Насафий, Лутфуллоҳ ал-Фозил ал-Кайдоний ан-Насафий ва яна бошқа бир қанча олимлар асарларининг мавжудлиги бизни ғоятда мамнун этди. Мазкур уламою олимларнинг юртдошлари эканлигимиз бизга ғурур ва завқ бағишлади.

– Миср ва Туркиядаги кутубхоналарда хорижлик олимларнинг насафлик алломалар илмий-маънавий меросини ўрганишга қаратилган тадқиқотларини ҳам учратдингизми?

– Биз хорижлик тадқиқотчиларнинг эътиборга молик ишларини ҳам кузатдик, бу борада айрим маълумотларни тўплашга муяссар бўлдик.

Насафлик таниқли олим Абу Мутиъ Маҳҳул ан-Насафий қаламига мансуб «Китоб ар-Радд аъло ал-бидъа вал ахво» номи билан бидъатчи гуруҳларга қарши ёзилган асари ҳақида франциялик олима Мария Бернанд илмий тадқиқотлар олиб борган эди. Олима асарнинг 1143 йилда кўчирилган ва Оксфорддаги Бодлсан кутубхонасида сақланадиган ягона нусхасига асосланиб 1980 йилда Қоҳирадаги «Ал-Ҳавлият ал-Исламалужия» номли журналда ўз илмий тадқиқоти ва асар арабча матнининг танқидий нашрини чоп этган эди. Келажакдаги илмий изланишларни ҳисобга олиб мазкур нашрдан нусха келтирдик. Булардан ташқари насафлик алломалар қаламига мансуб ўнга яқин асарлар қўлёзмаларини CD дискига ёзиб олиб келинганлиги, юзга яқин насафлик олимлар ҳаёти ва асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам бундан кейин ушбу йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Суҳбатдош Шавкат ЁҚУБОВ.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

НАДЕЖДЫ АРМЕЙСКОГО СПОРТА

Так же, как и во всех воинских частях, в спортивном взводе Марказий Харбий Спорт Клуби (МХСК) Министерства обороны в эти дни проходят сборы молодого пополнения, призванного в ряды Вооруженных Сил в ходе осеннего призыва.

– Все новобранцы прошли углубленное медицинское обследование, с ними проведены индивидуальные беседы с целью изучения уровня образования, интересов и увлечений, а в эти дни ведутся занятия согласно составленной программе, – рассказывает заместитель начальника МХСК по воспитательной работе подполковник Рахимжон Алиматов.

Доброй традицией стало вести селекционную работу с одаренными мальчиками и девочками в спортивных секциях МХСК, кропотливо шлифовать мастерство, отслеживать одаренную молодежь в областях, чтобы ко времени призыва юношей в армию они могли пополнить ряды армейских спортсменов, достойно продолжить славную эстафету побед на мировых спортивных аренах. Например, совсем недавно в нашей газете сообщалось о том, как успешно выступили на командном чемпионате мира среди военнослужащих в Хорватии наши дзюдоисты. Так вот, в составе той бойцовской дружины, завоевавшей «серебро», находился и воспитанник армейской школы дзюдо Сергей Лим. Сразу после приезда из Хорватии Сергей принял участие в молодежном первенстве мира в Пуэрто-Рико, где также удостоился серебряной награды. А теперь рядовой Сергей Лим, призванный в армию из Самарканда, в солдатской форме участвует в сборах новобранцев, готовится принять Военную присягу.

– Сразу же после принятия Военной присяги Сергей должен убыть на спортивные сборы в составе национальной сборной Узбекистана, которая готовится к Азиатским играм в Катаре, – говорит офицер Рауф Хамидов. – Кроме него еще одним кандидатом на участие в главном турнире спортивного четырехлетия континентального уровня является рядовой Баходир Мамаджанов из Ферганы. Он – мастер спорта международного класса по боксу, от него мы ждем больших побед на мировом ринге под флагом армейского клуба.

Впрочем, в рядах новобранцев спортивного взвода МХСК есть и другие молодые спортсмены, еще не добившиеся столь впечатляющих успехов в своих видах спорта, но уже подающие большие надежды на будущее. В частности, чемпион республики по греко-римской борьбе рядовой Камиль Камалов из Бухары уже выполнил норматив мастера спорта.

Есть и выходцы из популярных школьных соревнований «Умид нихоллари» («Всходы надежды»). Например, рядовой Никита Холодов из Сурхандарьи стал победителем этих игр в легкоатлетическом десятиборье, выполнив норму кандидата в мастера спорта. Если Никита приехал в столицу с жаркого юга нашей Родины, то его новый товарищ по клубу рядовой Борзу Килибаев представляет противоположный регион страны. Борец вольного стиля из Нукуса является чемпионом Республики Каракалпакстан, победителем финального этапа школьных игр «Умид нихоллари», кандидатом в мастера спорта.

– Служба в спортивном взводе МХСК станет для меня отличной школой мастерства, – говорит рядовой Б.Килибаев. – И я горжусь тем, что удостоился чести защищать цвета армейского клуба. Под началом опытных тренеров и взыскательных командиров надеюсь прославить родной Узбекистан на различных состязаниях в Азии и мире.

Старательно осваивая азбуку солдатской службы, новобранцы армейского спортклуба отлично понимают, что пребывание в рядах МХСК предоставляет для них прекрасный шанс для дальнейшего роста мастерства. Ведь помимо участия во внутренних соревнованиях в стране, они смогут выступить и на чемпионатах мира среди военнослужащих. Не отрываясь от занятий спортом, эти молодые люди обретают воинские знания и навыки, учатся преодолевать трудности, закаляют характер.

Майор Аблай АЙНАТДИНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**





Мини-футбол

МАЙДОНДА ЖУРНАЛИСТЛАР

Аввал хабар берганимиздек Тошкент шаҳрида жойлашган «Истиқлол» спорт мажмуасида ўн кун давомида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб республикамиз оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар ўртасида бўлиб ўтган мини футбол бўйича 2-анъанавий турнир ўз ниҳоясига етди.

Яшил майдонда тўп сурган ҳамкасбларимиз мухлисларига жуда ажойиб ўйинларни тақдим этишди. Жумладан, бизнинг «Ватанпарвар» жамоамиз ҳам подполковник Абдураззоқ Обрўев мураббийлиги остида қизиқарли ва чиройли ўйинлари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. Жамоамиз моҳир ўйинчиларидан майорлар Алижон Сафаров (6 та гол), Аблай Камолов (3 та гол), мухбирларимиздан Пўлат Сайдивалиев (3 та гол), Камол Тўраевлар (3 та гол) моҳирона ўйин кўрсатишиб, ўзларининг спортга, айниқса, футболга бўлган қизиқишлари ва маҳоратларини намоён этдилар.

Турнирнинг якуний натижаларига кўра фахрли 1-ўрин – Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясига (Кубок, олтин медаль, 1,5 млн сўм пул мукофоти), 2-ўрин – «Ўзбекистон футболи» газетаси жамосига (Кубок, кумуш медаль, 1 млн. сўм пул мукофоти), 3-ўрин – «Наврўз FM» радиоси жамосига (Кубок, бронза медаль, 700 минг сўм пул мукофоти) насиб этди.





Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида ҳомий ташкилотлар ва соврин эгалари томонидан ғолиб ҳамда совриндорлар муносиб тақдирланишди.

Шунингдек, мусобақа давомида эълон қилинган 11 та номинация бўйича ҳам энг фаол ўйинчилар аниқланди. Жумладан, жамоамиз вакили майор А. Камолов «Энг яхши ярим ҳимоячи» номинациясига муносиб топилиб, турнир дипломи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Мусобоқа ташкилий қўмитаси раиси Сафар Остонов ўз сўзида бу галги турнир олдингиларига нисбатан анча чиройли ва қизиқарли ўтганини, турнирнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, О.Акбаровнинг оила аъзолари, яқин дўсту биродарлари ҳамда меҳмонлар қатнашишди. Элимиз севган санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар даврага янада ўзгача шукуҳ бағишлади.

Ўйлаймизки, анъанавий тарзда ҳар йили икки бора ўтказилиб келинаётган ушбу турнир келажакда кўплаб журналист-спортчиларни кашф этиб, ўзининг минглаб мухлисларига эга бўлади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини, қолаверса ўзбек футболининг тарғиб қилинишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.

ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

Командование Специального факультета Министерства обороны Республики Узбекистан при Ташкентском университете информационных технологий объявляет о проведении конкурса на замещение вакантных должностей преподавателей – руководителей кружков «Телестудия», «Радиоэлектроника», «Охота на лис» Специального факультета ТУИТ.

Соискатели, принимающие участие в конкурсе, подают на имя начальника Специального факультета – проректора ТУИТ заявление с приложением следующих документов: личный листок по учету кадров, копии дипломов о высшем образовании; при наличии ученой степени, ученого звания, научных трудов – копии соответствующих дипломов.

Заявления принимаются до 1 января 2007 года по адресу: г. Ташкент, улица Амира Темура, 118.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. КАМАЛОВ, Ё. ҲАКИМОВ, Х. ЗАЙНИЛОВ, Н. ШОФАЙЗИЕВА.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-2991. **Адади** 23200.